

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 373.091.33:811.512.133

СУЮНОВА ҲИЛОЛА АЗАМАТОВНА

ТИЛ ТАЪЛИМИГА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК КЎНИКМАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(5–9-синф она тили дарслари мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Ниёзметова Роза Хасановна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Навоий – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-12
I БОБ. ТИЛ ТАЪЛИМИГА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА 5–9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	13
1.1.§.Тил таълимига интегротив ёндашувнинг илмий-дидактик асослари.....	13
1.2.§.Умумий ўрта таълим мактабларида тил таълимига интегротив ёндашув – педагогик муаммо сифатида	35
1.3.§.Умумий ўрта таълим мактабларида тил таълимига интегротив ёндашувнинг мавжуд ҳолати	50
Биринчи боб бўйича хулосалар	59
II БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 5–9-СИНФЛАРИДА ТИЛ ТАЪЛИМИГА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ	61
2.1.§. Тил таълимига интегротив ёндашув асосида 5–9-синф ўқувчиларининг лингвистик кўникмаларини шакллантириш жараёнини лойиҳалаштириш.....	61
2.2.§.5–9-синфларда тил таълимига интегротив ёндашув асосида ўқувчиларининг лингвистик кўникмаларини шакллантириш мазмуни, шакл ва воситалари	86
2.3.§.Тил таълимига интегротив ёндашувнинг педагогик-психологик хусусиятлари	111
Иккинчи боб бўйича хулосалар	124
III БОБ. ТИЛ ТАЪЛИМИГА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА 5–9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ МАЗМУНИ	126
3.1.§.5–9-синфларда тил таълимига интегротив ёндашув жараёнини экспериментал асослаш	126
3.2.§.Тил таълимига интегротив ёндашув асосида 5–9-синф ўқувчиларининг лингвистик кўникмаларини шакллантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги	135
Учинчи боб бўйича хулосалар	141
ХУЛОСА	143
Фойдаланилган адабиётлар	146

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим олувчиларни маданиятлараро мулоқотга тайёрлаш, ўқитишда фанлараро интеграцияга таяниш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тил таълимида тафаккур ва нутқ ривожига доир илғор ёндашувларни қўллаш, билим олишга рағбатни кучайтириш, таълим олувчиларда эгалланган билимларни ҳаётга татбиқ этишга доир кўникмаларни шакллантириш масалалари етакчилик қилмоқда. Буюк Британия, Финляндия, Германия, Россия, Япония ва Корея каби ривожланган мамлакатлар таълим тизимида таълим олувчиларнинг саводхонлик даражаси, умуммаданий савиясини ошириш ва дунёқарашини инновацион технологиялар асосида кенгайтириш масалалари амалий аҳамият касб этмоқда.

Дунё таълим тизимида ўқув материалларининг уйғунлиги орқали ўқувчиларнинг фундаментал билимларини мустаҳкамлаш, тил ҳодисаларини чуқур ўрганишга қаратилган ўқув материалларини мақсадга мувофиқ ҳолда ўрганиш методикаси татбиқ қилинмоқда. Хусусан, матн мазмунини тинглаб тушуниш, англаш, таққослаш, ўзига хос хусусиятларини ўзлаштиришга доир машқлар тизимини ишлаб чиқиш, тил таълимида прагматик назарияга асосланиш, ўқув жараёнини ўзаро боғлиқ турли хил мавзулар билан бойитиш, шунингдек, билимларни тайёр ҳолатда бериш эмас, балки уларнинг синтези учун тегишли шарт-шароитлар яратишга мўлжалланган йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилиш долзарблик касб этмоқда.

Республикамизнинг умумий ўрта таълим тизимида тилларни ўқитиш стратегияларини белгилаш, ўқув предметлари ўртасидаги алоқаларни илмий-методик жиҳатдан тўғри йўналтириш масалалари устувор аҳамият касб этмоқда. Халқ таълими соҳасида “ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш”¹, “ўқувчиларнинг камида иккита хорижий тилни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги”ги ПФ-5712-сон Фармони // Халқ сўзи. 2019 йил 30 апрель, № 88.

мукаммал ўзлаштириши орқали уларнинг дунёқараши кенгайиши, салоҳияти ошиши ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардошлиги оширилишини таъминлаш”² вазифаларининг белгиланиши тил ўқитишда фундаментал ва амалий лойиҳаларни жорий этиш, фанларни интеграциялаш, ўқув дастурлари ва дарсликлардаги муштаракликларни ўзаро мувофиқлаштириш, ўқувчиларнинг лингвистик кўникмалари ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантириш айти кун таълими зарурати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-312-сонли қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.05.2021 й., 09/21/312/0483-сон. <https://www.lex.uz/docs/5431845>.

шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатлар илмий тадқиқотчиларидан Ch.Brumfit³, A.Martinet⁴, C.A.Mizne⁵, J.C.Richards⁶, G.Tomson⁷ каби олимларнинг илмий тадқиқотларида коммуникатив, лингвистик ва социолингвистик компетенциялар, тил интеграцияси, тилни бадий таржималар, луғатлар орқали қиёслаб ўрганиш масалалари ёритилган.

Тил таълимида фанлараро интеграциялашувнинг педагогик-психологик асослари МДҲ олимларидан М.В.Бабкина⁸, И.Л.Бим⁹, Н.И.Гез¹⁰, Н.А.Гончарова¹¹, А.Ю.Данилюк¹², Д.Д.Жажева¹³, М.Р.Майенова¹⁴, Н.В.Пыхина¹⁵, А.О.Тенис¹⁶, З.С.Уколова¹⁷, Л.В.Черепанова¹⁸, А.А.Ярулов¹⁹ ва бошқалар томонидан махсус ўрганилган.

Мамлакатимиз таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал

³ Brumfit Ch. *Communicative Methodology in Language Teaching*. Cambridge: Cambridge University Press, 1984.

⁴ Martinet A. *Eléments de linguistique générale*, volume 349 de la Collection Armand Colin, section “Langues et Littératures”. – Paris: 1960.– 224 p.

⁵ Mizne C.A. *Teaching sociolinguistic competence in the ESL classroom (1997)*. Senior Thesis Project. 1993-2002. http://www.trace.tennessee.edu/utk_interstpl120.

⁶ Richards J.C. *Communicative language teaching today*. The USA: Cambridge University Press, 2006. – P. 2-21.

⁷ Tomson G. Some misconceptions about communicative language teaching. *ELT Journal*, 1996, 50 (1). – P. 9-15.

⁸ Бабкина М.В. *Использование межпредметных связей в процессе развития речи на уроках русского языка: автореф. дисс. ...канд. пед. наук.* – Москва: 1998. – 42 с.

⁹ Бим И.Л. *Методика обучения иностранным языкам как наука и теория школьного учебника.* – Москва: 1977. – 288 с.

¹⁰ Гез Н.И. *Обучение лексике // Методика обучения иностранным языкам в средней школе.* – Москва: Высшая школа, 1982. – 273 с.

¹¹ Гончарова Н.А. *Принципы развития иноязычной лингвистической компетенции студентов-филологов (на материале национальных вариантов английского языка) [Текст] Н.А.Гончарова, Г.В.Крестина // Вест. Челяб. Гос. Пед. ун-та. 2009. – № 2. – С. 32-29.*

¹² Данилюк А.Я. *Теоретико-методические основы интеграции в образовании.* – Ростов-на-Дону, 1997. – 176 с.

¹³ Жажева Д.Д., Жажева С.А. *Формирование лингвистической компетенции на основе использования дидактической игры: дисс. ...канд. пед. наук.* – Москва, 2018. – 130 с.

¹⁴ Майенова М.Р. *Лингвистические принципы адаптивного художественного текста: дисс. ...канд. пед. наук.* – Москва, 2005. –102 с.

¹⁵ Пыхина Н.В. *Педагогического условия формирования лингвистической компетенции на этапе начального иноязычного образования: дисс. ...канд. пед. наук / Пыхина Н.В.* – Нижний Новгород, 2002. – 235 с.

¹⁶ Тенис А.О. *Интеграция сознательного и бессознательного в раннем обучении английскому языку (грамматический аспект): автореф. дисс. ... канд. пед. наук.* – Пятигорск, 2009. – 45 с.

¹⁷ Уколова З.С. *Интегративный подход к формированию коммуникативной компетенции студентов в профессионально-иноязычной подготовке: автореф. дисс. ...канд. пед. наук.* – Самара, 2006. – 43 с.

¹⁸ Черепанова Л.В. *Формирование лингвистической компетенции школьников в основной общеобразовательной школе [Текст]: дисс. д-ра пед. наук / Черепанова Л.В.* – Москва, 2005. – 457 с.

¹⁹ Ярулов А.А. *Интегративное управление формированием среды образования в школе: дисс. ... док. пед. наук.* – Москва, 2008. – 415 с.

салоҳиятини ўстириш, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш, она тили ва адабиёт фанларини бадиий матнлар орқали интеграциялаб ўрганиш, тил таълимида компетенциявий ёндашув орқали ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларини шакллантириш, луғат бойлигини ошириш масалалари А.Ғуломов²⁰, К.Қосимова²¹, С.Матчонов²², М. Мирқосимова²³, Б.Тўхлиев²⁴, Р.Ниёзметова²⁵, Ш.Юсупова²⁶, Б.Абдуллаева²⁷, Р.Йўлдошев²⁸, Т.Зиядова²⁹, А.Ҳамроев³⁰, Т.Юсупова³¹, Н.Ш.Турдиев³², К.Мавлонова³³, Г.Юсупова³⁴ларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, Ж.Жалолов³⁵, Г.Махкамова³⁶, Ф.Азизова³⁷, М.Гулямова³⁸, О.Фозилов³⁹, М.Рузметова⁴⁰, М.Юсупова⁴¹, Д.Рузметова⁴²,

²⁰ Ғуломов А., Нематов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 158 б.

²¹ Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ношир, 2009. – 352 б.

²² Matchonov S. va boshq. Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi. – Toshkent: Ishonchli hamkor, 2021. – 696 б.

²³ Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Пед.фан.док. дисс... – Тошкент, 1995. –253 б.

²⁴ Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиёдова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 174 б.

²⁵ Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – 216 б.

²⁶ Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида): пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 279 б.

²⁷ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишидаги академик-лицейларда математика ўқитиш мисолида): пед. фан. док. дисс. ...автореф. – Тошкент: 2006. – 49 б.

²⁸ Yo'ldoshev R.A., Mirjalolova L.R. Ona tili ta'limida kompetensiyaviy yondashuv: Metodik qo'llanma. – Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi O'zbek tili va adabiyoti universiteti, 2019. – 174 б.

²⁹ Зиядова Т.У. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш: пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 148 б.

³⁰ Ҳамроев А.Р. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш: пед. фан. док. (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2020. – 249 б.

³¹ Юсупова Т.А. Синтаксисни морфологияни такрорлаш билан боғлаб ўрганиш методикаси (5-синф ва 8-синф она тили дарслари мисолида). Монография. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2009. – 176 б.

³² Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. – Тошкент: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2015. – 157 б.

³³ Мавлонова К.М. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш: пед. фан. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 54 б.

³⁴ Юсупова Г. Бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълимдан фойдаланиш методикаси: пед фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. – Урганч, 2020. – 143 б.

³⁵ Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2012. – 431 б.

³⁶ Махкамова Г.Т. Формирование межкультурной компетенции студентов филологического вуза: (английский язык): автореф. дисс. ...док. пед. наук. – Ташкент, 2011. – 47 с.

³⁷ Азизова Ф.С. Юқори босқич талабаларига фразеологизмларни таржима қилишни ўргатиш методикаси (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): пед фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент: 2012. – 26 б.

³⁸ Gulyamova M. O'zbek va ingliz tillarida idiomalarni taqqoslab o'rganish // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2015. – № 8. – В. 47-48.

³⁹ Fozilov O., Murodov Sh. Chet tili o'qitishda xalq paremalarining ta'limiy va tarbiyaviy ahamiyati // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2020. – № 11. – В. 36-37.

⁴⁰ Ruzmetova M. O'zbek va ingliz tillarida olmoshlarning qiyosiy tahlili //Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent,

Д.А.Саимназарова⁴³ларнинг тадқиқотларида узлуксиз таълим тизимида ўзбек ва инглиз тилларини ўрганиш масаласига турли нуқтаи назардан ёндашилган.

5–9-синф она тили дарслари мисолида тил таълимига интегратив ёндашув орқали ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш масаласи тадқиқ этиш айтиш куннинг зарурати ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №-1.1 “Баркамол инсон шахсини шакллантириш ва унинг ижтимоий-педагогик моҳияти” (2020–2022йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тил таълимига интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш методикасига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

она тили таълимига интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришнинг мавжуд ҳолатини педагогик ва методик жиҳатдан таҳлил қилиш;

ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини она тили дарсларини интеграциялаб ўқитиш асосида шакллантириш босқичлари ва ташкилий-методик компонентларини аниқлаштириш;

она тили таълимига интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини бошқа фанлар уйғунлигида шакллантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш;

2012. – № 10. – В. 14-16.

⁴¹ Юсупова М.А. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш тизими: пед. фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. – Чирчик, 2020. – 131 б.

⁴² Рузметова Д.А. Талабаларга инглиз тили потенциал лексикасини ўргатиш: пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Чирчик: 2021. – 48 б.

⁴³ Саимназарова Д.А. Талабаларга инглиз тилида матн ўқишни ўргатиш инновацион технологиялари: пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Чирчик: 2021. – 47 б.

она тили таълимида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини интегратив ёндашув асосида шакллантириш методикасини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида она тили таълимига интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини она тили таълимига интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид назарий, илмий-педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, социометрик методлар (анкета, суҳбат, тест), педагогик эксперимент, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш босқичлари тил таълимига интегратив, прагматик, ижтимоий-маданий ёндашувларга кўра ўқитиш жараёнига ижодий-коммуникатив, нутқий-дидактик омилларни интенсиф қўллаш асосида аниқланган;

тил таълимига интегратив ёндашувнинг дидактик таъминоти ўқувчиларнинг табиий ривожланганлик имкониятлари, билиш эҳтиёжларига доир технологиялар, потенциал боғланиш манбалари (аутентик ўқув материаллари мазмунини англаш, тушуниш, консолидация)ни аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

тил таълимида ўзаро боғлиқ горизонтал ва вертикал ёндашувлар (ички ва ташқи тизим яхлитлиги) таркибига тиллараро хариталар, луғатлар устида ишлаш, таққослаш, шарҳлаш, дидактик ўйинлардан “Ҳозиржавоблик” ўйини, “Эврика” ўйини, “Умумий жисмонан жавоб бермоқ”- Total Physical Respond”, “Rolli ijro”-“Role play” каби ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантирувчи методлар таклиф этилган;

ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришнинг

ташкилий-методик компонентлари педагогик ҳамкорлик, индивидуаллик, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига, транспозиция ва интерференция ходисалари иерархиясига амал қилиш орқали исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини она тили дарсларини интеграциялаб ўқитиш орқали шакллантиришга доир инновацион ёндашувлар мазмуни аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини она тили дарсларини интеграциялаб ўқитиш орқали шакллантириш методикаси такомиллаштирилган;

она тили дарсларини интеграциялаб ўқитиш орқали ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган;

тадқиқот натижаларидан интегротив ёндашувга асосланган ўқув дастурларини яратишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашув, назарий маълумотларнинг аниқ манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тил таълимида она тили фани материалларини интеграциялаш муаммолари, 5–9-синфлар она тили дарсларида ўрганиладиган матнлар билан боғлиқ таълим мазмунининг мавжуд ҳолати таҳлилга тортилганлиги, тил таълимида интеграциялаш мазмунини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини луғат захирасидаги сўзлар асосида таққослаш, ўқув топшириқларини бажаришда сўзларнинг

мувофиғини танлаш ва амалда самарали қўллаш малакасини эгаллаш масалалари ёритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотда илгари сурилган ғоялар ва амалий тавсиялардан “Она тили” дарсликларини яратишда, она тили фани материалларини интеграциялаш асосида тил таълими самарадорлигини оширишда, олий таълим тизимида мутахассислик ва ихтисослик фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратишда, малака ошириш курсларида маърузалар ўқишда, шунингдек, она тили фани ўқитувчилари дарс жараёнида фойдаланишларига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тил таълимига интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш методикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш босқичлари тил таълимига интегратив, прагматик, ижтимоий-маданий ёндашувлар орқали ўқитиш жараёнига ижодий-коммуникатив, нутқий-дидактик омилларни интенсификация қўллаш тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган ФЗ-2016-0908165532 рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” номли фундаментал лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 25 февралдаги 36/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг тил таълими, она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси ҳақидаги фикрлар билан бойитилишига эришилган.

ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришнинг ташкилий-методик компонентлари педагогик ҳамкорлик, индивидуаллик, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига, транспозиция ва интерференция ҳодисалари иерархиясига амал қилишга доир таклиф ва тавсиялар Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 5-, Кармана туманидаги 4-, Самарқанд вилояти

Қўшработ туманидаги 21-, 66-, Бухоро вилояти Гиждувон шаҳридаги 14-, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 262- умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфларида амалиётга татбиқ этилган. (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2022 йил 6 июндаги 01/11-01/6-830-сон маълумотномаси). Натижада дарс жараёнида хариталар билан ишлаш, дидактик ўйинларни уюштириш ҳамда луғат устида ишлаш орқали ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини янада такомиллаштиришга эришилган;

тил таълимига интегратив ёндашувнинг дидактик таъминоти ўқувчиларнинг табиий ривожланганлик имкониятлари, билиш эҳтиёжларига доир технологиялар, потенциал боғланиш манбалари (аутентик ўқув материаллари мазмунини англаш, тушуниш, консолидация)ни аниқлаш тўғрисидаги фикрлардан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган ФЗ-2016-0908165532 рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” номли фундаментал лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 25 февралдаги 36/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг илмий-назарий қисмининг фикрлар билан бойитилишига эришилган;

тил таълимида ўзаро боғлиқ горизонтал ва вертикал ёндашувлар (ички ва ташқи тизим яхлитлиги) таркибига тиллараро хариталар, луғатлар устида ишлаш, таққослаш, шарҳлаш, дидактик ўйинлардан “Ҳозиржавоблик” ўйини, “Эврика” ўйини, “жисмоний ҳаракатлар билан жавоб қайтариш”- Total Physical Respond”, “Rolli ijro”-“Role play” каби ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантирувчи методлар тўғрисидаги мулоҳазаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармасининг дарсликлар ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш ишларини жонлантириш жараёнларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармасининг 2022 йил 29 августдаги 121-сон маълумотномаси). Натижада интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмалари ортишига эришилган. **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари сифатида 19 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан, 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ТИЛ ТАЪЛИМИГА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА 5–9- СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1.§. Тил таълимига интегратив ёндашувнинг илмий-дидактик асослари

Бугунги кунда замонавий фикрлайдиган, она тилининг имкониятларидан унумли фойдаланадиган, ўзаро муносабатларда эркин ва фаол, чет тилларда равон сўзлаша оладиган авлодни тарбиялаш узлуксиз таълим олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ошириш, фикрини тушунарли, аниқ ва лўнда баён этиш кўникмаларини шакллантириш тил ўқитиш методикаси олдида бир қатор масалаларни кўндаланг кўядики, бу бевосита она тилини ўқитиш бўйича муайян тадқиқотлар олиб боришни талаб этмоқда. Бинобарин, бугунги тезкор ахборот асрида глобал тафаккурли ёшларни камол топтириш масаласи бевосита тил таълимида она тили билан чет тилига доир материалларни интеграциялаб ўқитиш масаласини ҳам илгари суради.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон тамаддунига интеграциялашувини таъминлаш, маданиятлараро мулоқотга киришиш масаласига доир назарий ва экспериментал жиҳатдан ёндашилган тадқиқотларни амалга ошириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб саналмоқда. Бу борада бир қатор изланишлар амалга оширилган бўлиб, Х.Бакиеванинг мустақил таълим орқали нутқ ва тафаккурни ривожлантириш, А.Я.Бобомуродованинг ўйин топшириқлардан фойдаланиш, Т.У.Зиядованинг ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантириш, М.С.Саидовнинг ўқув топшириқлар воситасида тафаккурни ўстириш, Н.Юлдашеванинг луғавий синонимларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш, Н.А.Қосимованинг ўқувчилар нутқини сўз маънодошлари билан бойитиш, Х.Қ.Қурбонованинг она тили таълими мазмунини янгилашнинг лингвометодик асосларини ишлаб чиқиш, Т.Т.Ғаниевнинг ўқувчиларнинг

билиш фаоллигини ошириш, Ғ.Ҳамроевнинг фонетикага оид ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш масалаларига доир тадқиқотларини қайд этиш мумкин.

Сўнги пайтларда халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантиришда тил таълимида интерацияга, тилларни қиёслаб ўргатишга бўлган талаб янада ортиб бормоқда. Дунё олимларини азалдан қизиқтириб келган фанлараро уйғунлик масаласига Ф.И.Буслаев, А.И.Бодуэн де Куртенэ, Н.И.Греч, Н.Кулман, Ф.Полсон, Л.И.Поливанов, И.И.Срезневский, Ф.Ф.Фортунатов, В.П.Шереметевский, Л.В.Щчерба каби хорижлик олимларнинг тадқиқот ишларида мурожаат қилинган.

Маълумки, тил таълимида интегратив ёндашувларда асосан, адабиёт, тарих, география, тасвирий санъат, мусиқа каби фанлар ўртасидаги боғлиқликқа таянилади. Шу сабабли мазкур фанлар алоқасига таянилган дарслар классикага айланган. Яқин вақтларгача тил бирикмаларига асосланган дарсларга етарлича эътибор берилмай келинарди, аммо айнан шу алоқалар она тили ва чет тилларини ўқитиш юзасида ётади. Интегратив ёндашувли таълимни нафақат она тили, адабиёт ёки тарих, балки барча фанлар кесимида қўллаш мумкин. Масалан, чет тил, хусусан, инглиз ва рус тиллари билан алоқаларга қурилган дарслар ўқувчиларнинг ўз она тили соҳасидаги билимларини кенгайтиришга йўл очади.

Тил таълимида фанлараро интеграция турли муаммоли топшириқлар, нутқ товушлари, сўзлар, турли синтактик қурилмаларни фикрлаш воситасига айлантириш асосида таъминланади. Она тилини инглиз тили фани билан интеграциялаб ўқитишда таълим мазмуни бир неча йўналишда ўзлаштирилишига, тилларни қиёсий ўрганишга эътибор қаратилади. Фанларни интеграциялаб ўрганиш, унда таққослаш элементларидан фойдаланиш масаласи Р.Толипова, Ш.Юсупова, Н.Содиқова, К.Мавлонова каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида маълум даражада ўз аксини топган.

Она тилидаги потенциал боғланиш манбаларини аниқлашда замонавий

инглиз тилининг келиб чиқиши ёки мавжудлигини тушунтиришга ёрдамлашадиган ва уларнинг хусусиятларини тўлароқ очиб берадиган жиҳатлар ёдда тутилиши керак. Ушбу алоқалар генетик ёки қиёсий характердалиги билан ажралиб туради. Масалан, маълум бир тил талаффузига доир фонетик хусусиятларга эга сўзлар иштирок этадиган гаплар танланса, олинган ва изоҳланадиган сўзларнинг таркиби ўрганилганда баъзи грамматик категориялар (жинси, отлар сони, феъл замонлари, айрим тоифалар, олмошлар ва бошқалар) таққосланади.

Ўқувчиларда иккита тилни ўзлаштиришга қизиқиш уйғонганда, уларнинг ўзига хос хусусиятларини таққослаб ўрганиш мақсадга мувофиқ. “Турли тилларнинг фонетик, морфологик, синтактик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тил ҳодисаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, ўрганилаётган тилларнинг қариндошлик даражасини аниқлашга ва тилларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлашга имкон беради,”⁴⁴ – дейди бу ҳақда лингвист олим И.А. Бодуэн де Куртенэ.

Амалиётлар натижаси шуни кўрсатадики, она тилини бошқа фанларга боғлаб ўрганишда барча лисоний бирликларнинг кучли ассимиляцияси содир бўлади. Бундай боғлиқлик элементларининг киритилиши ўқувчиларнинг хотирасини ривожлантиради, уларни таққослаш, умумлаштириш, таҳлил қилишга ўргатади.

Х.Х.Ушаков, Ф.И.Буслаев, Ж.Т.Григорян, С.А.Плотников, М.Н.Везеров каби тилшунос ва методист олимларнинг фикрига кўра, дарс жараёнида тиллараро боғлиқликдан фойдаланиш ўқувчиларнинг лингвистик дунёқарашини, нутқ маданиятини, сўзни ўринли қўллаш ва олинган сўзлар билан эркинроқ ишлаш қобилиятини оширишга имкон беради. Она тилини бошқа фанларга боғлаб ўрганишнинг мақсади ўқувчиларнинг лингвистик маданиятини ошириш, шунингдек, имло ва пунктуация ҳақидаги билимларини умумлаштириш, тизимлаштириш ва амалда қўллаш

⁴⁴ Ерофеева И.В. Жизнь, посвященная языку: Бодуэн де Куртенэ и мировая лингвистика. Международная конференция (VIII Бодуновские чтения) Казанский федеральный университет, 17–20 ноября. 2021 г. Труды и материалы, Том- 2, С-87-89.

маҳоратини оширишдир.

Ўқувчи ўз она тилини мукамал даражада ўрганиб бориш жараёнида луғатлардан фойдаланиши натижасида уларда саводхонлик даражаси сезиларли тарзда ўзгаради. Ҳозирда “текшириб бўлмайдиган имлолар” деб номланган янги усуллар пайдо бўлмоқда. Унда белгиланган унлилар инглиз сўзларининг кучли позицияси билан осонликча текширилади. Ўқувчиларнинг луғат бойликларининг ўсиши, тилни чуқур ўрганиш ўқувчиларнинг ўз она тилига ва уни ўрганадиган фанга бўлган қизиқишини рағбатлантиришга имкон беради. Мактаб ўқувчиларининг лисоний қобилиятлари ва билим олишдаги мустақиллигини ривожлантириш тилга оид билим, кўникма ва малакалари ҳамда коммуникатив компетенцияларини шакллантиришга ёрдам беради. Таълим-тарбия жараёнида уюштириладиган давра суҳбатлари, семинарлар, рефератлар ҳимояси, тақриз ва аннотациялар ёзиш, тезислар тузиш ўқувчиларнинг мустақил билим олиш, ўз устида ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга, шунингдек, ўқитувчи билан ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри йўлга қўйишга боғлиқ. Тил ҳар бир миллат маданиятининг таркибий қисмидир. Шу боис машғулотларда лисоний воситалар имкониятлари доирасида ўқувчиларнинг тафаккури, дунёни идрок этиш кўникмасини шакллантириш муҳим саналади. Зеро, бу ерда моҳият миллийликка нисбатан ҳамоҳангдир.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, кейинги пайтларда ўқувчилар нутқида чет эл, айниқса, инглиз тилидаги сўзларни қўллаш ҳоллари ортиб бормоқда. Бу эса ўқувчиларнинг машқ ва топшириқларни бажариш орқали бошқа тиллар ҳақида муайян даражада билимга эгаллигини кўрсатади. Бола ўзининг илк тасаввурларини, ички кечинмаларини тил воситасида юзага чиқаради. У ўзини ва ўзгаларни, атрофдаги нарса-ҳодисаларни тил ёрдамида танийди, билиб олади⁴⁵.

Сўнгги йилларда масалага оид изланишлар сони сезиларли даражада ўсди. Бу эса методист олимларнинг тилшунослик ҳодисаларини лингвистик

⁴⁵ Roziqov O, Mahmudov M, Adizov B, Hamroyev A. Ona tili didaktikasi. –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005, – 9-b.

контекстда ўрганишга қизиқиши ва хоҳишидан далолатдир. Яқинда бир қатор олимлар томонидан экстралингвистик омилларга мурожаат қилиш тилшунос-тадқиқотчиларнинг баъзи номувофиқлиги ёки “заифлиги”ни кўрсатиши тан олинди. Педагог олим Ян Коменский томонидан грамматиканинг ўзини-ўзи таъминлашини қатъиян рад этилган, чунки она тилини ва бошқа бирор-бир тилни ўрганиш атроф-муҳит, тил ходисалари ҳамда жамият ҳаёти билан алоқадорликда бўлиши керак.

Таъкидлаш ўринлики, глобаллашув шароитида тил ўрганишга бўлган эҳтиёж инсон фаолиятининг турли соҳаларида ўзини намоён этмоқда. Она тилининг грамматик тизими ва ундан олинган қисмларни таққослаш тил таркибидаги ходисаларни грамматик жиҳатдан тартибга солади. Кўпгина тадқиқотчилар тилларни қиёсий ўрганиш муаммосига турлича ёндашадилар. Хусусан, В.А.Корневнинг ёзишича, “барча даражаларда алоқада бўлган тилларнинг ўхшашлиги ва фарқларини: фонологик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатдан тўлиқ ўрнатиш зарур. Таққослаш “шакл”дан (семасиологик ёндашув) ва “таркиб”дан (ономасиологик ёндашув) амалга оширилиши мумкин”⁴⁶.

Тилшунос олим Н.Маҳмудовнинг бу борадаги фикрлари ҳам шу жиҳатдан эътиборлидир: “Таълим жараёнида ўқувчининг идрок даражасини эътиборга олган ҳолда, элементар тарзда бўлса-да, стилистик маълумотларга эътиборни мунтазам қаратиб бориш мақсадга мувофиқдир. ...Хорижий тил таълимнинг қайси босқичида ўрганилишидан қатъи назар муайян натижага эришиш учун она тили ва ўрганилаётган тилнинг қиёсий стилистикаси ҳақида маълумотларнинг аҳамияти улкандир”⁴⁷.

Л.В.Щербанинг эътироф этишича, “интерференция жараёнининг моҳияти лингвистик жиҳатдан маърузачи ва тингловчи тилининг ўзаро мослашуви ва алоқада бўлган тиллар нормаларининг мос равишда ўзгариши

⁴⁶Корнев В.А. Сопоставительная семантика и проблема межъязыковой интерференции. // Языковая семантика и образ мира. – Казань. 1997. Т.1. –С. 82-84.

⁴⁷ Mahmudov N. Til ta'limi va stilistika // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2009. – № 1. – В. 3-9.

билан белгиланади”⁴⁸.

С.П.Розанованинг таъкидлашича, “она тилига хос хусусиятларнинг узатилиши салбий (онгсиз, ўз-ўзидан) бўлиши мумкин, бу эса хатолар пайдо бўлишига олиб келади ва ижобий (онгли, мақсадга мувофиқ). Таққослаш лингвистикаси элементларидан фойдаланган ҳолда чет тилини ўқитиш методикаси асосида айнан ижобий томонга ўтиш имконияти ётади”⁴⁹.

Ўқувчиларнинг она тили тажрибасидан фойдаланган ҳолда чет тилни ўрганиш борасидаги таҳлилларида тадқиқотчи Н.Мамажонова тил тажрибаси масаласига транспозиция ва интерференция атамалари орқали аниқлик киритади. Хусусан, лотинчадан ўзбекчага таржиманда “transpositio” – ўрин алмаштириш маъносини ифодаловчи транспозиция атамаси “методикада ижобий таъсир, ижобий кўчиш, ёрдамга келиш, кўмаклашиш, ижобий натижага олиб келувчи билим, кўникма ва малаканинг кўчиши маъноларида талқин этилади. Транспозиция ҳодисасини, жумладан, “сифатларнинг даража кўрсаткичларининг ясалиши” ҳодисасида кузатиш мумкин. Мисолларни қиёслаб кўрамиз:

ўзбек тилида: кенг – кенгроқ – жуда кенг.

инглиз тилида: *wide – wider – the widest*

Иккинчи методик ҳодиса – интерференция лотинча “inter” – орасида, ичида, “ferentis” – ўтказиш маъносида келиб, “методикада салбий таъсир кўрсатиш, тўсқинлик қилиш, халал бериш маъноларини англатади, яъни ўқувчи иккиламчи тил кўникма ва малакаларини ўзлаштиришда салбий таъсир кўрсатувчи ҳодисаларни билдиради. Бунга мисол сифатида инглиз тилидаги ноаниқ замонни кўрсатиш мумкин.

Мен бу китобни эртага ўқийман”⁵⁰.

I shall read this book tomorrow.

Аён бўладики, ўзбек ва инглиз тилларида исмларнинг ясалиши,

⁴⁸ Щчерба Л.В. Грамматика русского языка: Часть I фонетика и морфология. –Москва. Книга по Требованию, 2014. –210 с.

⁴⁹ Аркадьева Э.В и др. Обстоятельственные отношения в русском языке в сопоставлении с французским. Для говорящих на французском языке. Русский язык. –Москва: Под ред. З. И. Сироткиной, 1989. – 45 с.

⁵⁰ Мамажонова Н. Инглиз тилини о‘қитишда о‘қувчиларнинг она тили тажрибасидан фойдаланиш // Тил ва адабиёт та’лими. – Ташкент, 2012. – № 10. – В. 17-20.

қўлланиши ва маъновий томонларининг ўхшашлиги ўқувчиларга мураккаблик қилмайди, балки инглиз тилини ўрганишга мойиллик уйғотади. Бизнингча, тиллар ўртасидаги алоқалар, тил материалларини таҳлил қилиш, халқаро сўз бойликларига ҳурмат ва ўқувчиларда ўз она тилисини ўрганишга нисбатан фаолликни кучайтириш, турли тилларни боғлаб ўргатиш элементларидан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга, ўқитишни такомиллаштиришга, шунингдек, фанлараро интеграцияни таъминлаш орқали лингвистик кўникмалар ривожига зарур шарт-шароитлар яратади. Бу ҳолда она тили ва боғлаб ўрганиладиган тил материаллари узвийлашиши керак (мазкур ишда она тили материаллари инглиз тили материаллари билан боғланган). Албатта, бу ҳолда маълум қийинчиликлар ва чекловлар пайдо бўлиши ўринлидир, чунки ўқувчилар нафақат она тилини, балки чет тилидан (айниқса, тиллараро интеграцияни қўллашнинг дастлабки босқичида) юзаки тушунчага эга бўлишлари ёки бу борада маълум ҳажмдаги билимларга эга бўлишлари зарур. Аниқлашимизча, методист, тилшунос ва психолог олимлар тажрибаси она тилини тиллараро боғлаш ёрдамида ўқитиш мумкин деган тахминни шакллантиришга имкон беради ва бу ўқувчиларнинг лингвистик кўникмалари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Сўнгги вақтларда таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларда “таълим – фан – ишлаб чиқариш интеграцияси” атамаси тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий фан-техника тараққиёти, бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш узвийлиги зарурати “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. “Интеграция” сўзи латинча “*integratio*” – тиклаш, тўлдириш, “*integer*” – бутун⁵¹ сўзидан келиб чиққан бўлиб, мазкур жараённинг илдизи узоқ ўтмишдаги классик педагогикага дахлдор. XVIII асрда фанга Г.Спенсер томонидан киритилган ушбу тушунча жамловчи, мужассамловчи маъноларини англатади. У фанлараро боғлиқлик ғояси билан ифодаланиб, ўқув материали мазмунини ўрганиш, табиатни яхлит бутунликда талқин қилишни назарда тутаяди.

⁵¹ Mavlonova R., Rahmankulova N. Boshlang‘ich ta’limni integratsiyalash. – Toshkent: 2011. – 26 -b.

Фикримизча, интеграция ва фарқлаш ўртасида мустаҳкам алоқа мавжуд бўлиб, бу ўқув фанларининг танланиши, тузилиши ва ўқувчилар билимини умумлаштиришда ўз аксини топади.

Е. П. Асаулюкнинг илмий изланишларида келтирилишича, “замонавий мактабда интеграция бир нечта йўналишлар бўйлаб амалга оширилади: субъектлараро алоқалар орқали; турли фанлар бўйича ўзаро боғлиқ мавзуларни бир вақтда ўрганиш тамойили орқали”⁵².

Буюк дидактик олим Я.А.Коменский бу хусусда шундай ёзади: “Ўзаро алоқада бўлган барча нарсалар шундай алоқадорликда ўқитилиши лозим”⁵³. Мазкур фикр кейинчалик бошқа олимлар томонидан умумлаштирилган ҳолда янада ривожлантирилди. Жумладан, Д.Локнинг ғоялари таълим мазмунини аниқлашга қаратилган бўлиб, унда муайян бир фан иккинчи фаннинг элементлари ва мисоллари асосига бойитилиши назарда тутилган⁵⁴. Немис ўқитувчиси Ф.Юнге томонидан биринчилардан бўлиб саккизта тушунча ва эмпирик умумлашмалар асосида табиатшунослик фанларини интеграциялаб ўқитишга доир курс ишлаб чиқилган⁵⁵.

Швейцариялик педагог, бошланғич таълим назарияси асосчиси И.Г.Песталоцининг қарашлари турли йўналишдаги ўқув фанларининг дидактик материаллар асосидаги уйғунлигини ёритишга бағишланган бўлиб, бунда ўқувчидан “ўз онгингда барча ўзаро алоқадор предметларнинг боғлиқлигини улар жонли табиатда қандай боғлиқ ҳолда бўлса, айнан шу ҳолда тасаввур қилгин”⁵⁶ деб талаб қилинади. Олим томонидан бир фанни иккинчисидан ажратиб кўрсатадиган ноўрин жиҳатлар мавжудлиги ҳам асослаб берилган.

Назаримизда, фанлараро боғлиқликнинг психологик-педагогик асослари атрофлича тадқиқ қилинган К.Д.Ушинскийнинг таълимотига таянган ҳолда

⁵² Асаулюк Е.П. Межпредметная интеграция как средство интеллектуального развития младших школьников: автореф. дисс. канд. наук. – Воронеж, 2012. – 10 с.

⁵³ Коменский Я. Великая дидактика. Избранные педагогические сочинения: В 2-х т. Т.1. – Москва. Педагогика, 1982. – 242-476 с.

⁵⁴ Коменский Я., Локк Д., Руссо Ж., Песталоцци И. Педагогическое наследие. – Москва, 1987. – С. 143-164.

⁵⁵ Арбузова Е.Н. Методика обучения биологии. 2-е., изд. испр. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2018–49с.

⁵⁶ Коменский Я., Локк Д., Руссо Ж., Песталоцци И. Педагогическое наследие. – Москва, 1987. – С. 143-164.

С.Шевчук ҳам илмий-тадқиқот ишларида интеграция ҳақида ўз изланишларини олиб борган. Унинг фикрига кўра:

“Педагогикадаги интеграция муаммосининг турли жиҳатлари кўплаб таниқли олимлар (В.С.Безрукова, Л.В.Тарасов, Н.К.Чапаев) томонидан ўрганилган. Сўнгги бир қатор тадқиқотларда қуйидагилар кўриб чиқилади: интеграциянинг моҳияти педагогик ҳодиса сифатида интеграцион муаммоларни ишлаб чиқишга таълим назарияси ва амалиёти соҳасидаги интеграция жараёнларини таҳлил қилишга бағишланган ихтисослаштирилган илмий тўпламлар жиддий ҳисса кўшди”⁵⁷. Таълимда билимлар интеграциясининг муҳим аҳамияти В.Г.Иванов томонидан: “Фан, техника ва хўжалик механизмларининг биосфера билан чамбарчас боғлиқлигини “тор доирали” мутахассисликлар томонидан кўрмаслик асосида муаммоларни бир томонлама ечиш жамият учун жуда қимматга тушади. Таълимда интеграция, энг аввало, фанлараро алоқани кескин ривожлантиришни, турли фанларни ўзаро ҳамкорликда ўқитишдан, уларни ўзаро чуқур таъсирлашишига ўтишини тақозо қилади”⁵⁸, деб уқтирилади.

Тажрибадан маълумки, фанларни интеграциялаш муаммоси педагогнинг ўқувчиларга таъсир этишнинг самарали ечимини фаол излашга қаратилган йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу борада А.Ғуломов ўринли қайд этганидек, “бошқа фанлардан олинган маълумотлар тил ҳодисаларининг амалда қўлланилишини кўрсатиш учун ниҳоятда муҳимдир. Бошқа фанлардан олинган маълумотлардан фойдаланиб, ўқувчиларни ҳар томонлама билимли қилиш имкониятига эга бўлишдир. Бунда ўқувчилар бадийий услубни адабиёт орқали, илмий услубни биология, кимё, физика, математика орқали, иш қоғозлари услубини ҳуқуқ асослари фанларидан олинган материаллар асосида ўрганадилар. Она тили машғулотларида ўқувчилар шу фанлардан олинган илмий матнларни бадийий тасвирлашлари,

⁵⁷ Шевчук С. В. Развитие идей православной педагогики в наследии К.Д. Ушинского. автореф. дисс. канд. пед. наук. – Петербург: ЯГПУ, 2005. – 19 с.

⁵⁸ Иванов В.Г. Междисциплинарная интеграция общего и специально-технического образования в средней профессиональной школе: На примере изучения физики и специально-технических дисциплин. дисс.... док. пед. наук. – Москва, 1999. – 216 с.

бу матнларни нутқ услублари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ишлари назарда тутилади»⁵⁹.

Интеграциянинг мазмун-моҳияти бир неча асрлар муқаддам тасаввуф тариқати намояндаларидан бўлган Фаридиддин Аттор томонидан билдирилган қуйидаги фикрларда ҳам мужассам: “Бу рўйи заминда майда нарсанинг ўзи йўқ, ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради”⁶⁰. Дарҳақиқат, мазкур фикрлар замирида бу оламдаги жамики нарсалар бир-бирини тақозо этиши, чамбарчаслиги масаласи кўзда тутилган.

Фанлараро алоқани дарсларда ташкил қилиш натижасида ўқув фанларининг сони камайиб, самараси пухта бўлади, таҳсил олувчиларни мустақил ишлашга жалб этиш осон кечади. Тил лексика, грамматика, талаффуз бирликларини яхлит бирлаштирувчи ижтимоий ҳодиса тарзида нутқ фаолиятининг қурилиш материали саналади. Лексика бирлиги, грамматика бирлиги ва талаффуз бирлиги гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувда ўргатиш-ўрганиш бирликлари деб қаралади. Уларнинг функционал, семантик ва формал жиҳатларини ўзлаштириш учун махсус машқлар бажаришни талаб қилади⁶¹.

Масалан, “Она тили”ни ўрганиш чоғида амалий, умумтаълимий, тарбиявий, касбий ва ривожлантирувчи мақсадлар бир хилда рўёбга чиқади. Она тилини ўқувчи қийинчиликларсиз тушунади ва амалий тарзда эгаллайди. Иккинчи тилда амалий малакалар, аввал, қисман ҳосил қилинган, назарий билимлар она тилидагидан камроқ ҳажмда баён этилади, албатта. Тил таълимида қоида (оддий назарий билим)лар амалий кўникма ва малакаларни эгаллашни тезлаштириш (интенсификация) ва енгиллаштириш (оптимизация) мақсадларига бўйсундирилади, ўқув жараёнида нутқий амалиёт (коммуникация) бирламчи вазифага айланади.

Интеграция гап ва гапдан йирикроқ бўлган тил бирликлари англаган маъноларнинг нисбий мустақиллигини бартараф этиб, уларни матн

⁵⁹ Ғуломов А., Нематов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 38- б.

⁶⁰ Ro'zimuhammad B. Buyuk shaxslar silsilasi // Ma'rifat. – Тошкент, 2002. – № 26. – В. 6.

⁶¹ Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 10- б.

мазмунининг мустақиллигини таъминлашга жалб этади. Демак, интеграция категорияси матннинг якунланиши билан боғлиқ категория сифатида намоён бўлади⁶².

Хориж олимларидан И.В.Песталоци ўзининг дидактик мақоласида ўқув дарсликларидаги боғлиқлик масаласига кенг тўхталиб ўтар экан: “Бир-бири билан боғлиқ фанларни онгингга келтир, уларни табиатдаги узвий боғлиқлик ҳолатида эканини англа”, – дейди. Песталоци бир фаннинг бошқа бир фандан узоқлашувининг ҳатто хавфлилигини таъкидлайди.

Предметлараро боғланиш ҳозирда дидактика ва ўқитиш методикасида билимлар мазмуни билан илмий билиш методларининг мутаносиблигига асосланган яхлит система сифатида тушунилади (М.Н.Скаткин, И.Д.Зверев, И.Я.Лернер ва б.). Предметлараро боғланишга системали ёндашиш, унинг таркиби, тузилиши ҳамда вазифаларини, унинг бошқа тизим объектлари (ўқув жараёни, ўқув-тарбиявий фаолият ва ҳ.к.) билан муносабатини биргаликда очиб беришни тақозо этмоқда. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда таълим ўқувчилар нутқини соҳага оид сўз ва атамалар билан бойитиш, коммуникатив фаолиятга тайёрлаш, ихтисосий эҳтиёждан келиб чиқадиган нутқ услубларини ўргатиш, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, кўзланган мақсадга бўйсундирилганлиги каби омиллар танланган ихтисосликка оид нутқий фаолиятга тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, она тили дарсларида ўқувчилар тилдаги зарурий атамаларнинг маъносини тушуниши, бир сўзни бошқаси билан қийналмай алмаштира олиши, ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда тўғри ифодалай олиши, нутқий синонимиядан фойдалана билиш имкониятларининг ривожланиши орқали уларда мустақил фикрлаш кўникмалари шаклланади. Ишнинг педагогик жараённи ташкил этишдаги мақсади ўрта мактабда она тилини интеграциялаб ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш, асослаш ва синовдан ўтказиш, тил таълимида интеграциядан

⁶² Ирискулов М. Т. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи,1992. –152 -б.

фойдаланиш усулларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Шу орқали ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришга ҳисса қўшиш. Мазкур мақсадларни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади:

-фанлараро интеграциянинг турлари ва уларни дарс давомида қўллашнинг афзалликларини кўрсатиб бериш;

-тил таълимига фанлараро интеграциядан фойдаланиш усул ва услубларини яратиш;

-ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда интеграциянинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

-фанлараро интеграциялар билан боғлиқ назарий маълумотларни ўқитувчилар эътиборига ҳавола қилиш усуллари бўйича тавсиялар бериш;

Таълимдаги ўзаро боғлиқлик масаласи Б.Зиёмуҳаммедовнинг қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Олим ўқув жараёни технологияси алоҳида олинган битта дарс, битта мавзу ёки ўқув предметининг бир қисмига, бутун ўқув предметига тузиб чиқиши лозимлигини таъкидлаб, унинг қуйидаги беш тамойили борлигини кўрсатади: “Муайян дарс, мавзу, қисм, ўқув предметидан кутилган асосий мақсадни шакллантириш; дарс ёки ўқув предметини модулларга ажратиб, улардан кутилган мақсад ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар тизимини белгилаш; модул ичида тест саволларини тузиб чиқиш; мақсадга етиш усуллари аниқлаш; бир бутунлик тамойилига асосланиб, дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлар ва фанлараро алоқаларга алоҳида эътибор қаратиш”⁶³.

Таъкидлаб ўтилганидек, дарсларда фанлараро алоқани ташкил қилиш натижасида ўқув фанларининг сони камайиб, таҳсил олувчиларни мустақил ишлашга жалб этиш осон кечади. Интегротив дарсларни ташкил қилиш орқали мунозара уюштириш, ижодий фикрлашга ўргатиш, гуруҳлараро мусобақа, савол-жавоблар ташкил қилиш мумкин. Бундай замонавий дарс

⁶³ Ziyomammedov B., Abdullayeva Sh. Ilgʻor pedagogik texnologiya. – Toshkent: Abu Ali ibn Sino, 2001. – 24-b.

турларини қўллашдан асосий мақсад ўқув жараёнида таълим олувчиларни фаоллаштириш, ўқув материални ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришишдан иборат.

Фалсафада услуб тушунчаси Гегель томонидан ҳаракат мазмунининг шакли сифатида кўрсатилади. Ўқитувчи ва ўқувчилар таълим жараёнида ўзларининг билим, қобилият ва кўникмаларини дедукция, индукция, синтез, умумлаштириш, аниқлаштириш ва таққослаш каби турли мантикий тизимлар орқали ифода этадилар. Интеграциялаш мобайнида бир-бирига боғлиқликнинг ҳажми ортади ва тартибга тушади, шу тизим орқали қисмларнинг ишлаши ва ўрганиш объекти яхлитлиги тартибга солинади. Бу умумий қоидаларни мактаб таълимида қандай қилиб қўллаш мумкин?

Замонавий дидактика ва методикада ўқувчилар таълим-тарбиясининг муваффақияти уларда дунёнинг бирлиги ҳақида тушунчаларнинг шаклланганлиги, ўз фаолиятини табиатнинг умумий қонунлари асосида йўлга солиш заруриятини англашлари, предметлараро ва предметлар ичидаги алоқаларни еча олишлари билан боғлиқлиги таъкидланади. Таълимдаги интеграция ўқув предметлари мазмунини конструкциялашга тизимли ёндашиш орқали кўриб чиқилади. Бунда интеграциянинг бошланғич интеграция, оралик интеграция, якуний интеграция каби турли даражалари ажратилади. Шу билан бирга, табиий-илмий таълимни тўлиқ ва кенгрок интеграциялаш имконияти ҳам инкор этилмайди. Мактаб таълимини интеграциялаш жараёнининг психологик асоси сифатида психолог Ю.А.Самариннинг тафаккур тўғрисидаги фикрлари олиниши мумкин. Бу фикрларнинг мазмуни шундаки, “ҳар қандай билим бу – ўхшатиш, билимлар тизими эса ўхшатишлар тизимидир”⁶⁴.

Интеграциянинг мазмун-моҳиятида таълим турлари орасидаги, шунингдек, фанлараро ва мавзулараро боғлиқлик, улар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ўрнатилишини таъминлаш мақсади мужассам. У

⁶⁴. Самарин Ю.Ф. Православие и народность / Составление, предисловие и комментарии Э. В. Захарова / Отв. ред. О. Платонов. –Москва: Институт русской цивилизации, 2008. –720 с. <http://www.rusinst.ru> Прот. Зеньковский В.

таълим-тарбия жараёнининг сифатига таъсир кўрсатувчи муҳим тушунча бўлиб, таълимнинг маълум босқичи, фан ёки мавзуларнинг муайян кетма-кетлиги ва изчиллигини таъминлаш орқали ўқувчилар билимини чуқурлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Демак, педагогик-психологик ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш характерли саналиб, у таълим-тарбия жараёнини тадқиқ қилиш ва бошқаришга ҳамда фаннинг мақсадини рўёбга чиқаришга имконият яратади.

Интеграциялаш борасидаги ижобий фикрлар билан бир қаторда унинг салбий жиҳатлари хусусида ҳам муайян қарашлар мавжуд. Бу ҳақда Ю.М.Колягиннинг фикрлари қуйидагича: “Агар интеграция ўқув мақсади сифатида талабага билим бериш керак бўлса, уни биринчи мактаб қадамларидан бошлаб дунёни бир бутун сифатида тасаввур қилишга ўргатинг, унда бу элементлар ўзаро боғлиқ бўлса, интеграция ўқув воситаси сифатида билимни ривожлантиришга, кенгайтиришга ва билимларни янгилашга қаратилган”.⁶⁵

Кўринадикки, она тили фани материалларини ўқитишнинг анъанавий тажрибаси ҳам интеграцион имкониятларнинг кенглигидан далолат беради. Бунда она тили фан сифатида ўз ичига фақат бадий матнларни эмас, адабиёт, тарих, табиатшунослик, математикага оид материалларни ҳам олади. Бундай интеграция ўқувчиларда маълум бир фан юзасидан муҳим кўникмалар ҳосил қилишга халақит бермайди, аксинча, уларни яхши ўзлаштиришга кафолат беради.

Олимларнинг хулоса қилишича, “интеграциялашган дарслар ўқувчиларга яшаётган дунё, ҳодисаларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги тасаввур ва объектлар ҳақида анча кенг ва равшан маълумот беради.”⁶⁶

Таълим интеграцияси – фанлараро алоқанинг юқори даражаси, бир бутун интеграциялашган билимларни яратишга имкон берувчи восита.

⁶⁵ Колягин Ю.М., Алексеенко О.Л. Интеграция школьного обучения // Начальная школа.2001. №9. С. 28-31.

⁶⁶ Мартемьянова Е. В., Щеглова Н. А., Семенчук Л. В., Токарева В. Н. Практика проведения интегрированных уроков. Общие принципы и подходы к их подготовке и организации Образование: прошлое, настоящее и будущее : материалы IV Междунар. науч. конф.— Краснодар : Новация, 2018. —IV, 5 с.

Интеграция тушунчасига берилётган таърифлар турлича. Интеграциянинг атроф-борлиққа яхлит қарашга эришиш имкониятини бериши бу таърифлардаги умумий жиҳатдир. Фанлараро алоқадорлик интеграциянинг асосини ташкил этади ва у ўз ривожини мана шу ғоя асосида топади. Интегротив мазмунга эга бўлган предметларни ўрганишга бўлажак мутахассисларнинг билими, иш услублари, шахсий фазилатлари бир бутунлигини таъминловчи омил сифатида қаралади.

Муаммо юзасидан олиб борилган изланишлар давомида таълим тизимида интеграция икки хил маънода қўлланилиши аниқланди:

1. *Ўқувчиларда атрофдаги олам ҳақида яхлит тасаввурни шакллантириш* (интеграцияга таълим мақсади сифатида қаралади). Бунда ўқувчи билим даргоҳига дастлабки қадамини қўйишиданок дунёни тўлалигича, унинг барча элементларини ўзаро боғланган тизим сифатида тасаввур қилиб олиши кўзда тутилади.

2. *Ўқув предметларидан бериладиган билимларни яқинлаштиришнинг умумий платформасини топиш* (интеграция таълим воситаси ҳисобланади). Бунинг замирида ўқув фанларига доир билимларнинг ўзаро тўқнаш (учраш)ган ери (нуқтаси)да янги тасаввурларни англай олиш масаласи ётади. Дастлаб, эътибор фанлардаги фикр (ғоя)лар тўқнашган нуқтада табақалашган билимлардаги камчиликларни тўлдиришга, улар ўртасидаги боғланишларни таркиб топтиришга қаратилади. Шу боис, тадқиқотимизда таълимдаги интеграцияни ривожлантирувчи таълим бериш, ҳамда умуминсоний ва миллий тарбия воситаси сифатида ифодалаш лозим топилди.

Икки ёки ундан ортиқ ўқув фанлари ўртасида алоқа ўрнатишда ва уларнинг интеграциясида вақти-вақти билан у ёки бу фан таянч бўлиб хизмат қилади. Турли фанлардаги мавзуларнинг узвий боғлиқлиги ва мантиқий ўзаро алоқадорлиги интеграциялашган дарсларнинг асоси бўлиши керак. Олиб борилган изланишларимиздан интеграциянинг маълум бир таркибий қисмларга эга эканлиги маълум бўлди. Қуйида шу жиҳатлар хусусида турли кузатиш ишлари олиб борилди:

1) *объектга доир интеграция*: бунда бир объектнинг турли фанлардаги тимсоллари бир мавзу, бўлим ёки курсларга (ер, сув, ҳаво, озиқ-овқат ва бошқа) киритилади;

2) *тушунчага оид интеграция*: бунда умумий тушунча (энергия, ҳаракат, модда, ахборот ва бошқа) лар мазмунини очиб берадиган мавзу ёки курслар қамраб олинади;

3) *назарияга оид интеграция*: у физика, кимё, биологиядаги квант назарияси; биология, кимё, астрономия, техника, социологиядаги эволюцион назарияга асосланади;

4) *методологик интеграция*: у фалсафа методологияси каби илмий билишнинг алоҳида методларига тааллуқли бўлиб, тизимли ёндашувнинг қўлланилиши ва унинг мазмуни; табиатшуносликка оид муаммоларнинг қўйилиши ва ҳал этилиши; фандаги тушунтириш ва таҳлил қилиш; кузатиш, тажриба, моделлаштиришнинг тузилиш моҳияти ва қўлланилиши қабилардан иборат;

5) *муаммоли интеграция*: у турли кенглик даражасидаги фанлараро муаммоларни қамраб олади (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш ва бошқалар);

6) *фаолиятга оид интеграция*: мунозара, гуруҳлар таркибида ишлаш, фанлараро режа ва лойиҳалар тузиш ва бошқалар.

7) *амалий интеграция*: турли жараён ёки техник маҳсулотларни ҳар томонлама қўриб чиқиш, антибиотиклар, синтетик моддалар, биотехнология компьютер ва бошқалар.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасидан ўндан ортиқ фанлар ўрин олган. Ўқув фанлари миқдорини ошириш, албатта, ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди, чунки бугунги замонавий технология сон орқасидан қувиш эмас, балки сифат ўзгаришлари бўлишини ҳам тақозо этмоқда. Бу жиҳатдан ривожланган давлатлар тажрибасига таянмоқ лозим. Уларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегратив характердаги ўқув дастурлари ва дарсликларидан фойдаланиши яхши

маълум. Жумладан, Буюк Британия таълим тизимида, асосан, интегратив фанлар жорий қилинган бўлса, Корея ва Швейцарияда интеграциялашган фанлар, Венгрияда маданият йўналишидаги ўқув фанлари, Ирландияда фан ва техника каби блокларда барча ўқув фанлари мужассамлаштирилган ҳолда ўқитилади.

Р.Сафарованинг қайд этишича, “билиш фаолиятини рўёбга чиқариш воситаси сифатида ўқувчиларнинг у ёки бу ўқув фанидан ёки айни бир вақтнинг ўзида бир неча ўзаро яқин бўлган ўқув фанларидан эгаллаган билимлари ва малакаларини қўллаш эҳтиёжи туғилади. Ўқув-билув жараёнида ўқувчининг билиш фаолиятига йўл очиш натижасида ўқув фанларини интеграциялаш ҳамда таълим жараёнини шахсга йўналтиришнинг асосий йўналишлари ва стратегиясини татбиқ қилиш учун қулай шарт-шароит яратилади. Бундай фаолият натижасида эгалланган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси, информацион технологияларни эгаллаш имконияти, коммуникатив ҳамда ижтимоийлик жиҳатдан билимга эга бўлиш омилкорлиги шаклланади”⁶⁷.

Шуни таъкидлаш керакки, Республикамизда етук малакали мутахассислар тайёрлашга оид бир қатор давлат ҳужжатларида интеллектуал имкониятларини юзага чиқара оладиган ижодкор шахсни тарбиялаш, фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, давлат тилини ўқитишда интеграцияга асосланиш масаласи белгиланган. Жумладан, “таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш; давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш; давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш; мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар

⁶⁷ Давра суҳбати: Узлуксиз таълим тизимининг долзарб муаммолари // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2013. – № 4. – Б. 8. 3-14.

хамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш”⁶⁸ вазибаларининг қўйилиши тил ўқитиш методикасини замонавий технологиялар асосида ислоҳ қилиш механизмини тақозо этади. Таълимнинг ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида такомиллаштирилган замонавий ўқув дастурлари ва янги авлод дарсликлари яратилмоқда. Таълим муассасалари, хусусан, мактаблар қайта таъмирланиб, замонавийликка мослаштирилмоқда.

Бунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида Фармони фикримизга ёрқин намуна бўла олади. Унга кўра Таълим тизимини рақамлаштириш номли V бўлимнинг 28-пунктида (Таълимни рақамлаштириш бўйича ахборот тизимлари ҳамда электрон таълим ресурсларини (контент) яратиш. 1. Таълимга оид ўйинлар орқали ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида интерактив виртуал таълим платформаларини (SmartLand, Edumarket ва бошқалар) контент билан бойитиш ишларини ташкил этиш. 2. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун илмий-оммабоп қисқа метражли анимацион видео роликларни (Edukids) тайёрлаш. 3. Ўқувчи-ёшларга ўзбек тилини ўргатишга қаратилган платформа ва мобил иловалар ишлаб чиқиш. Бунда: ўзбек тилини халқаро стандартлар бўйича ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш; ўзбек тилини ёзиш, ўқиш, эшитиш ва гапириш йўналишлари бўйича ўргатишга мўлжалланган мобил илова ишлаб чиқиш ҳамда уни доимий равишда контент ва тест саволлари билан бойитиш назарда тутилган⁶⁹. Ана шу асосда таълим соҳасига ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган инновациялар кириб келмоқда. Бу тушунча “янгилик” маъносини билдириб, ислохотларда назарда тутилган тоталитарликдан демократик тизимга ўтиш, таълимни инсонпарварлаштириш, жамиятнинг

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.10.2020 й., 06/20/6084/1398-сон.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 -2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида ПФ-134-сон Фармони. 11.05.2022.

иктисодий шароитларига мослашиш; ўқувчиларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини ҳисобга олиш, зехнини ўткирлаштириш, тафаккурини ривожлантириш, билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга имконият беради. Шу мақсадда она тили таълимида тасвирий ифодавий воситалар, ўрганилаётган мавзуларни бошқа тиллардаги материаллар билан қиёслаш, шарҳлаш ва изоҳлаш кабилардан фойдаланиш мақбул йўл ҳисобланмоқда. Бундай ёндашувлар ўқувчини рағбатлантириши, унинг ўқишга бўлган қизиқишини ошириши ва қобилиятини намоён этишга хизмат қилади. Шу боис тадқиқот жараёнида она тили дарсларида интеграция асосида ўрганилиши мумкин бўлган материалларга эътибор қаратилди.

Аёнки, инновациялар таълим соҳасида таълим-тарбия мақсади, мазмуни, шакл ва методлари, умуман, педагогик жараёни ташкил этишга янгиликлар киритишни назарда тутди ҳамда ўқувчиларда илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Шу боис таълим мақсади ва уни ташкил этиш жараёнининг ўзаро уйғунлиги янги ўқув моделларини ўқитиш жараёнига татбиқ этиш; шахсга йўналтирилган таълим мазмунининг йўналишларини кенгайтириш; фанлараро алоқадорликни таъминлашга узвий боғлиқлигини таъкидлаш жоиз.

Интеграцияни услубий ҳодиса сифатида таҳлил қилган И.Каложварининг таъкидлашича, интеграциялашган дарсни интеграция курсининг аниқ узок муддатли вазифаларни ҳал қиладиган дарс деб ҳисоблаш мумкин, яъни у икки учта фанга қараганда сифат жиҳатидан янги текисликда ётган мураккаб бирликдир. Интеграция даражаси фақат интеграция орқали бажарилиши мумкин бўлган вазифалар доираси билан белгиланади. “Интеграциянинг келажаги порлоқ. Бу усул натижасида ўқувчилар онгида оламнинг фаол ва кўп томонли тасвири шаклланади. Ўқувчилар эгаллаган билимларидан амалда фаол фойдаланишга ўрганади. Билимларнинг амалиётга хос хусусиятларини осон аниқлайди, янгича фикрлай бошлайди, тез ўзлаштиради, бошқа фанларга бўлган муносабатини

аёнлаштиради”⁷⁰.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда интеграциялашган дарсларга хос хусусиятларни таълим жараёнида бирдан ортиқ педагоглар катнашиши мумкинлиги билан изоҳлаш мумкин. Натижада бундай турдаги дарсларни ўтишнинг осонлиги ёки мураккаблиги ҳақидаги савол туғилади. Бу кўпинча ўқитувчиларнинг тажрибаси, билими ва маҳоратига боғлиқ. Методист С.Қамбарова томонидан блок дарслар деб аталган бу турдаги дарсларда “турдош фанлар уйғунлиги таъминланиб, яхлит тарзда умумий мавзу асосида бир бутун муаммоли вазиятлар юзага келтирилади. Интеграциялашган таълим жараёнида қайси фанлар уйғунлашувига асосланган бўлса, шу соҳа мутахассиси билан ҳамкорликдаги педагогик фаолият ташкил этилади. Интеграциялашган дарсларни режалаштиришда блоклаштирилиш кўзда тутилган фанлар ўқув дастурларидаги уйғун жиҳатларни бирлаштириш, мавзуларнинг кетма-кетлиги, уларнинг ўзаро мувофиқлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Бундай турдаги дарсларнинг самарадорлиги бир неча ўқув предмети ёки фанларга оид дастур, боб ёки мавзуларни тўғри интеграциялаш, ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда инновацион технологияларни қўллаш, таълим субъектлари ўртасидаги ижодий муносабатларга асосланишида намоён бўлади”⁷¹.

Бизнингча, дарс бу ишнинг муҳим қисми эканлигини ҳам унутмаслик керак. Айнан дарс орқали асосий масалалар интеграциялашган курсларда амалга оширилади ва натижа кутилгандек ёки омадсиз бўлиши мумкин. Лекин интеграциялашган дарс тушунчаси ҳамон баҳсли бўлиб қолмоқда.

Интеграциялашган дарсларга хос белги ва аломатлар қандай? Тадқиқотимиз давомида бунга қуйидагича жавоблар олинди:

1. Интеграциялашган курснинг ўзи янги мураккаб бирлик сифатида, умуман, бошқача шаклда бўлади ҳамда масалаларни аниқ ва самарали ечишга қаратилади.

⁷⁰ Кузеванова Е. В. Итеграция учебных дисциплин в начальном образовании-291с. <https://cyberleninka.ru/article/n/integratsiya-uchebnyh-distsiplin-v-nachalnom-obrazovanii/viewer>

⁷¹ Kambarova S. Adabiyotdan blok darslar qanday tashkil etiladi? // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2021. – B. 29.

2. Улар икки ёки ундан ортиқ фан асосида режалаштирилади. Шунинг учун бир нечта ўқитувчи ёки бир нечта ўқув фанлари материали механик усулда бирлаштирилади.

3. Ўрганишга қизиқиш жараёнини фаоллаштириш усуллари, малака ва кўникмалари ишлаб чиқилади. Ўқитувчилар дарсни бирга ёки алоҳида ўтказишлари мумкин, лекин натижаларга умумий ҳаракатлар орқали эришилади.

Таълимда 2- ва 3-даражали интеграциялашган дарслар кенг тарқалган. Такрорлаш дарсларида мавзуга қўшимча материал киритиш ёки танлаш 2-даража; материални ўрганиш масалалари билан боғлиқ солиштириш ва умумлаштириш 3-даражага хос хусусиятлар ҳисобланади. Ўқувчилар ҳодиса ва объектларни солиштириш ва таққослаш билан боғлайдилар. Бундай дарсларда иккита фан ўқитувчиси иштирок этиши мумкин.

Энг чуқур даража сифатида интеграциянинг 4-даражаси олинди. Бу даражада ўқувчиларнинг фактларни солиштира билишлари, битта воқеа-ҳодисани муҳокама қилишлари, улар орасидаги алоқаларни аниқлашлари, ўқув топшириқларини биргаликда ечиш кўникмалари шаклланади. Интеграциялашган дарснинг мақсади юқоридагиларда қамраб олинган жараёни назорат қилишга қаратилади. Ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида тақсимланган вазифаларни ҳисобга олганда интеграциялашган дарсларнинг ҳар хил ноанъанавий шаклларга эгаллиги аёнлашади. Булар қуйидагилар ҳисобланади:

1.Билимларни алмашиш дарси. Бу турдаги дарсларда гуруҳлар шакллантирилиб, турли хил мавзулардаги топшириқлар берилади. Уларнинг самарадорлиги ўқув фанлари бир-бирига ўхшаш бўлганда кузатилади.

2.Ўзаро текшириш дарслари. Гуруҳ ва жуфтликлар фаолиятига таяниладиган бундай дарсларда ўқувчилардан яхши тайёргарлик, объектив ва аниқ баҳолаш талаб этилади. Синфдошларининг билимларини текширганда ҳар бир ўқувчида кўрсаткичлар жадвали бўлиши шарт.

3. Ижодий изланиш дарси. Муаммонинг ечими ўқувчиларнинг мустақил

изланишларини тақозо қилади. Лекин изланиш усуллари ўқитувчи томонидан илгари ўтилган дарсларда кўриб чиқилиб, унинг самараси юқори бўлади.

Она тили дарсларида интеграциялаб ўрганишга доир машғулотларда ўқитувчилар олдида нимани ва қандай қилиб уйғунлаштириш, улар ўртасидаги туташ нуқталарни бирлаштириш масаласи кўндаланг туради. Бир фан доирасида ўқитувчига интеграциялашган дарсларни ўтиш қийинчилик туғдирмайди. Ўқувчининг билим захираси унинг ёши билан боғлиқ. Тил таълимида интеграция имкониятларининг маълум маънода чегараланганлиги ички ва фанлараро алоқалардан фойдаланиш ва ривожлантириш заруратини кўрсатади.

Шу жараёнда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- дарс мақсади (бу мавзунини ўрганиш муддатини қисқартириш, ўқувчи билимини унинг камолотига йўналтириш ва бошқ.);
- объект танлаш (янги маълумот манбалари, уларнинг дарс мақсадига жавоб бериши инобатга олинади);
- тизимлаштирувчи омилларни аниқлаш (турли фанларга оид маълумотларни бирлаштиришни асослаш (фикр, ҳодиса, тушунча, фан));
- курснинг янги тизимини яратиш (билимларнинг функционал йўналишини ўзгартириш);
- мазмунни қайта ишлаш (эски шаклларни бузиш, тизимда алоҳида бўлган элементлар орасида алоқалар яратиш).

Ўқитувчининг қайси фанлар мазмунини уйғунлаштириш мумкинлиги ёки шартлигини билиши муҳим аҳамиятга эга. Е.Смирнова қуйи синфлардан фанларни интеграциялаб ўқитишнинг аҳамияти ҳақида шундай фикр билдиради: “Тўртта асосий интеграцияллашув нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаш, ўқиш, ёзиш) дир. Бунда ўқувчи фаол иштирокчига айланади тарбиявий жараён, фаолият йўналишини олади ва бу, ўз навбатида, таълим шаклини белгилайди. Бундай ўқув жараёнининг натижаси бўлиши

керак”⁷².

Синфлар юқорилашган сари интеграллаш вариантлари, имкониятлари ҳам кенгайиб боради. Шу ўринда она тили таълимида илгаридан интеграциялашга доир муаммолар мавжудлигини унутмаслик зарур. Масалан, ўқиш ва ёзув каби саводхонлик дарслари К.Д.Ушинский давриданоқ интеграцияланиб ўтилади. Ҳозир тилларни интеграциялаб ўқитишда луғатлардан фойдаланиш орқали матн устида ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда бир бутун жараён: китоб – ўқиш жиҳози, дарсда олган ўқиш кўникмаларини ривожлантириш; матн – сўз санъати, нутқнинг ривожланиши, суҳбатдошлар доираси сифатида бирлашади.

Хулоса қилиб айтганда, интеграциялашган дарснинг асосий хусусияти унинг бир фан асосида тузилишидир. Бунда асосий фан мавзуси диққат марказида бўлиб, қолган фанлар интеграллашади, унинг алоқалари, жараёнларини ўрганиш, ҳаёт билан алоқасини тушуниш, олинган билимни амалда ишлатиш кўникмалари назарда тутилади.

1.2.§. Умумий ўрта таълим мактабларида тил таълимига интегратив ёндашув – педагогик муаммо сифатида

Она тили дарсларини интеграциялаш жараёнига эътибор берадиган бўлсак, бундай ўрганишда таққослаш элементларидан фойдаланиш тарихий анъаналарга эга.

А.В.Усованинг фикрича, “фанлараро алоқадорликнинг ўқувчилар тарбияси ва умумий ривожланишига таъсири ўқитишдаги усуллар ва услубларнинг ички мантиқий тузилмасини такомиллаштириш ва қайта куриш йўли билан амалга оширилади”⁷³.

Яна бир тадқиқотчи И.Э.Абдурахманова томонидан “таржима асарларини она тилида ўқитиш ўқувчиларнинг лисоний, адабий

⁷² Алексеев А.А, Смирнова Е. Ю. Английский язык. Поурочные методические рекомендации 5 класс. –Москва. Просвещение, 2017, –С. 17.

⁷³ Усова А.В. Межпредметные связи в преподавании основ наук в школе: Методические рекомендации. - Челябинск: Изд. ЧПТУ, Факел, 1996. –С. 10-20.

қобилиятларини ривожлантириш билан бир қаторда тилни англаш ва дарсларга қизиқишини оширишга ёрдам беради”⁷⁴ деган хулосага келинади.

Таржиманинг муҳим талаби асл мазмунни етказишнинг аниқлиги, тўлиқлиги ҳамда муаллифнинг индивидуал хусусиятларини сақлаб қолишдир. Билим даражаси, тажрибаси ва луғат захираси етарли эмаслиги сабабли ҳар бир ўқувчи муаллиф тилининг ўзига хос хусусиятларини аниқ етказишни қабул қилмаса ҳам, 5-синфдан бошлаб ўқувчиларга мунтазам таржима амалиёти орқали юқори натижага эришиш, саводхонликни ошириш, нутқини бойитиш, сўз танлашда адекватликни ўргатиш мумкин. Таржима мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. Замонавий таржимашуносликда таржимани лингвистик ҳодиса сифатида ўрганадиган лингвистик таржимашунослик (таржима лингвистикаси) етакчи ўрин эгаллайди.

Қиёсий лингвистиканинг асосчиси Л.В.Щчерба томонидан биринчи бўлиб лингвистик таҳлил бўйича матнни тиллараро таҳлил қилиш ғояси илгари сурилган⁷⁵. Олим 1936 йилда шеърларни лингвистик талқин қилиш бўйича иккинчи ва сўнгги тажрибасини нашр эттирган.

Л.В.Щчербанинг издоши А.М.Финкель ўз олдида бир нечта таржималарни: нафақат асл нусха, балки уларни бир-бири билан таққослаш вазифасини ҳам қўйди. Тадқиқот таржималарни амалга оширган муаллифларнинг мойиллиги, муаммонинг бундай баёнотини таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтиради ва унинг натижаларини, айниқса, мактаб таълими эҳтиёжлари учун аниқ кўрсатма беришини ўз ичига олади. Аммо А.М.Финкель изланишларида бир хил матннинг турли хил таржималарини таққослаш усули ўқувчиларнинг мулоқот қобилиятини шакллантиришда кўпроқ амалий аҳамиятли эканлигига эътибор қаратади.

Натижалар шуни кўрсатдики, она тили дарсларида бошқа фан материалларини интеграциялаб ўргатиш дарсларида лингвистик таҳлил қилишнинг асосий мақсади ўқувчида ҳар бир матннинг ўзига хос маъносини

⁷⁴ Абдрахманова И.Э. Перевод как средство обучения на уроках родного языка в 7-9 классах общеобразовательной школы: автореф.дисс. канд. наук. – Москва, 1996. – 20 с.

⁷⁵ Щчерба Л.В. «Русский язык». №21, 1998,с. 1 и №41,2000, с. 5.

тушуниш, мазмунини тўғри англаш кўникмаларини шакллантиришдир. А.М.Финкель асарларининг инновацион хусусияти таржиманинг асл нусхага яқинлигини мос келадиган сўзлар, синонимлар ва қўшимчалар сонига қараб ўлчашга уринишдир. Фикримизча, синтактик ролларда бундай кескин ўзгаришлар бўлмаган таржималарни баҳолашда А.М.Финкел усули жуда самарали.

Н.И.Гетманенконинг таъкидлашича, “таржима асарлар сўнгги пайтларгача умумтаълим мактабларида ўқувчилар нутқини ривожлантириш воситаси сифатида жуда оддий жойни эгаллаб келган эди”⁷⁶. Тадқиқотимиз давомидаги кузатишларимиз натижасида шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, бугунги кунга келиб таржима асарларига нисбатан нутқни ривожлантириш омили сифатида қизиқишнинг ортиши, биринчи навбатда, чет тилларни ўрганиш зарурати билан изоҳланмоқда. Бу эса она тилининг грамматик тизимига таянишни тақозо этади. Истисносиз барча усуллар учун таржима асосий машқлардан бири бўлиб қолмоқда. Иккинчидан, мактаб ўқувчиларининг она тили грамматикаси ва сўз бойлиги бўйича маълум билимларни яхши билмаслик натижалари ҳам аниқ.

Интеграциялаш тизимида тил материалларини ўргатишда назарий билим, кўникма ва малакалар таълим босқичларида ўқувчи ёки талабаларнинг ёш хусусиятларига қараб шакллантирилиши борасида олимларнинг ўзига хос қарашлари мавжуд. Хусусан, таниқли методист олим Ж.Жалоловнинг фикрича, “Ўқитиш методларида эса умумийликдан кўра фарқ қиладиган сифатлар кўпроқдир. Масалан, она тили ўзга тил билан қиёсланмай ўргатилади, иккинчи тилда эса, аксинча – иккинчи тилга таяниб иш бошланади. Чет тилида машқ тузишда она тили ва иккинчи тил хусусиятлари ҳисобга олинади, бироқ дарсда уларни қиёслаш мумкин эмас. Назарий билимларни қўллаш хусусида жуда катта тафовутлар кузатилади”⁷⁷.

Тилларнинг ўзаро луғавий таъсири муҳим ҳодисадир. Бу ўқувчилар

⁷⁶ Гетманенко Н.И. Перевод с иностранного языка на русский как средство развития речи учащихся // Русский язык, №42, 1998. – 36 с. <https://rus.1sept.ru/1998/rus42.htm>

⁷⁷ Жалолов. Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 366-б.

луғат захирасини бойитиш ва тўлдириш усулларида биридир, лекин янги сўз бошқа тилда янги тушунчага эга бўлади. Иккинчи муҳим нуқта – бу сўз танлаш муаммоси. Бу жараёнда ўқувчилар бир вақтнинг ўзида иккита муаммони ҳал қилишади: танланган сўз асосий маънога мос ва муаллифнинг асосий услубига тўғри келиши керак. Баъзида таржимага оид машқларни бажараётган ўқитувчиларда бир савол туғилади: таржима учун қандай матнлардан фойдаланиш маъқул? Тажриба шуни кўрсатдики, ўқувчиларга кичик ҳажмли, ўртача мураккабликдаги шеърий матнлар билан ишлаш осон. Ушбу ишни она тили ва инглиз тили фани ўқитувчилари билан биргаликда бажариш маъқул йўл бўлиб, бу мавзулараро ва мавзу ичидаги алоқаларни амалга оширишнинг ёрқин намунаси саналади.

Таъкидлаш жоизки, она тилига таржима қилинган асарларни интеграциялаб ўрганиш фақат шеърий матнлар билан чегараланиб қолмаслиги керак, лекин ишни шундан бошлаш яхшидир. Кейинчалик, иш қоғозлари, насрий ва махсус матнлардан фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчиларга турли жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари, она тилининг лексик ва грамматик воситалари ва афзалликларини намоён этиш учун имконият яратади. Айни пайтда, она тилини ўқитиш методикасида таржима асарларини ўрганиш ўқувчилар нутқини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг бир шакли сифатида азалий анъаналарга эга. Бизнингча, интеграция фанларнинг механик бирлашиши эмас, балки синтез, янги нарсаларнинг келиб чиқиши, кашфиётдир. Алоҳида тизимларнинг яқинлашиши, боғланиши ва янги нарсанинг яратилишидир. Унга кўра, ўқувчиларда атрофдаги олам ҳақида янада тўлиқ ва атрофлича тасаввур ҳосил қилинади. Мавжуд билимларидан амалиётда фаол фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилади, чунки бунда масаланинг туб моҳиятини кенгроқ очиқ бериш, оламни бир бутунликда идрок қилиш имконияти мавжуд. Ўқитувчи билим беришда турли фан маълумотларини ўзаро солиштириш асносида уни бойитади ва тўлдиради.

Она тили дарсларида интеграциялашнинг маълум имкониятлари мавжуд

бўлиб, бу жараён бир қатор шартларга боғлиқ. Шу боис методистлар янги дастур яратишларидан аввал ана шу ҳолатларнинг барчасини эътиборга олишлари лозим. Бунинг учун, энг аввало, синфнинг тайёргарлик даражаси ҳамда ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари эътиборда туриши муҳим. Ўқув фаолиятидаги қийинчиликларга интеграциядан фойдаланиш сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, ўқувчиларнинг бир фанни муваффақиятли ўзлаштиришлари бошқа бир фандан яхши билимга эга бўлишларига ҳам боғлиқ. Масалан, катта ҳажмдаги матнни хатосиз кўчириб олиш учун ўқувчидан уни тез ва тўғри ўқий олиш малакаси талаб қилинади. Маълум бир фанни бошқаси билан солиштирмасдан, таққосламасдан маълумотлардан фойдаланиш анча қийин ва зарарли бўлиши мумкин. Зеро, бугунги глобаллашув шароити бирор муаммони ёритиш ва ҳал қилишда бошқа соҳаларга мурожаат қилиш заруратини туғдираётгани яхши аён. Бундай ҳолларда таққослаш, қарама-қарши қўйишдан фойдаланилади.

Ўқув режадаги айрим фанлар ўртасида “тўқнашиш” ҳолати мавжуд: бунда маълум бир объектни ўрганишда мавзулар, муаммолар, саволлар бир хиллигига дуч келинади. Буларнинг барчаси эса ҳеч бўлмаганда битта мавзуга доир интеграцияга бўлган талабни ифода қилади. Она тили дарсларида интеграциялаб ўқитишда модулли таълим технологиясига амал қилиш тақозо этилади. Чунки бундай дарслар ўқувчиларни ижод қилишга, мустақил фикрлашга ўргатади.

Модул сўзи латин тилидан (“modulus”) олинган бўлиб, у қисм, бўлак, блок каби маъноларни ифода этади⁷⁸.

Методист олима Қ.Хусанбоеванинг фикрича, “модулли таълим дарс жараёнини ташкил этишдаги энг кичик иш турларидан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик фаолият тури энг кичик модул саналиб, бошқалари қанча модулни қамраб олишига қараб ўзига мос даражадаги модулар саналади”⁷⁹.

Педагог олима Р.Сафарованинг модулли ўқитиш технологиялари

⁷⁸ <https://ru.wikipedia.org>

⁷⁹ Husanboyeva Q., Niyozmetova R. Adabiyot o‘qitish metodikasi. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – 174-b.

анъанавий технологиялардан айрим жиҳатлари билан фарқланиши борасидаги изланишлари ўқув фани бўйича модулли дастур тузиш жараёнида бир қатор ишларни амалга ошириш масаласини ўз ичига олади. Жумладан, “ўқув фанининг асосий ғоясини ажратиш; мазкур ғоя доирасида алоҳида блоклар шаклида ўқув мавзуларини таркиблаштириш; мужассамлашган дидактик мақсадни шакллантириш; мужассамлашган дидактик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда интеграллашган мақсадни ажратиш ҳамда улар асосида муайян модулларни шакллантириш, бунда ҳар бир модулнинг интеграциялашган дидактик мақсадга эга бўлишини таъминлаш; ҳар бир интеграллашган мақсадни ажратиш, чунки модуллар йирик блокларга бирлашган ўқув материалларини ўз таркибида мужассамлаштиради; ўқув модули таркибида муайян ўқув элементларини ажратиш, бунда хусусий дидактик мақсадга мувофиқ келадиган элементларини гуруҳлашга эътибор қаратиш, ҳар бир хусусий дидактик мақсад ўз таркибида битта ўқув элементини қамраб олишини назарда тутиш лозим”⁸⁰.

Яна бир тадқиқотчи М.Абдуллаева модулли таълим технологияларини бошланғич таълимдан қўллаш масаласига эътиборини қаратар экан, жараёнда ўқитувчининг “модулли технологияларнинг назарий асосларини (мақсадлар, қонуниятлар, ёндашувлар); дарсларни туркумлаштиришни (модулли ўқув машғулоти тузилишини); ўзлаштириш мантиғини (қабул қилиш, фикрлаш, тушуниш, эслаб қолиш, намуналар бўйича қўллай олиш, бошқача ҳолларда қўллай олиш); дарснинг ҳар бир босқичини (мақсад, ўқув машғулоти мазмунини, ўқувчилар томонидан топшириқларнинг бажарилиши, назорат турлари, натижа, рефлексия); билимларга эга бўлиш даражаларини (репродуктив, конструктив, ижодий)”⁸¹ билиши зарурлигини кўрсатади.

Бизнингча, тил таълимида материалларни интеграциялаб ўқитишда ўрганилаётган мавзулар мазмунан яқунланган қисмларга ажратилиши, ҳар бир модул ўқувчиларнинг таққослаб ўрганишлари учун алоҳида

⁸⁰ Safarova R., Nurjanova R. O‘quv jarayoni samaradorligini ta’minlashda modulli texnologiyalarning o‘ziga xos xususiyatlari // Xalq ta’limi. – Toshkent, 2017. – № 5. – B. 25.

⁸¹ Abdullayeva M. Boshlang‘ich ta’limda o‘quvchilarni modulli ta’lim texnologiyalaridan foydalanib o‘qitishning pedagogik asoslari // Xalq ta’limi. – Toshkent, 2016. – № 6. – B. 41.

топшириқлар шаклида берилиши мақсадга мувофиқ. Бунда ўқув топшириғи устида ишланганда модулнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, назарий ва амалий маълумотларни аниқлаш, таълим мазмунини режалаштириш, дидактик таъминотни ҳозирлаш, бажарилиши муҳим саналган материалларни ўқувчи ёши ва билиш жараёнлари ривожига мос ҳолда тузиш зарур бўлади. Бунда лингвистик машқларнинг аҳамиятга молик жиҳатлари кўп. Масалан, 7-синф она тили дарслигининг “Келажак касблари” бўлимида ёзма машқ берилган бўлиб унинг топшириғи қуйидагича:

“Берилган сўзлар ичидан тўғри ёзилганини аниқлаб, уларни дафтарингизга кўчиринг”.

Injining sohasi mutaxassislari	Ay-ti mutaxassislari
Injenering sohasi mutaxassislari	I-T mutaxassislari
Injeynering sohasi mutaxassislari	IT mutaxassislari

Lagist- naqliyotchilar	Jurnalist va imijmeykerlar
Logist- naqliyotchilar	Jurnalist va emijmeykerlar
Lo`gist- naqliyotchilar	Jo`rnalist va imijmekirlar

Turizim sohasi mutaxassislari	Nanotexnologlar
Turizm sohasi mutaxassislari	Nanotexnologlar
Turizm soxasi mutaxassislari	Nanotexnologlar

Мана шу машқнинг ўзи ҳам она тили дарслари жараёнида интеграциянинг вужудга келишида имкон яратади, чунки бундай машқларда ўқувчи ҳамда ўқитувчининг инглиз тилидан олган билимларига таянишини тақозо этади. Худди шу дарсликда “Физика ҳаётни энгиллаштиради” номли бўлим бор. Бу бўлимда ўқувчи физиканинг ҳаётдаги ўрни, фанга оид тил birlikлари, отларнинг луғавий шакллари, тиниш белгилари билан танишадилар. Бу ҳолатда ҳам она тили дарсларида интегротив ёндашувлар ҳосил бўлади. Мана бу берилган машққа эътибор қаратамиз:

1. “Физика” сўзини эшитганда хаёлингизга нималар келади?
2. Физика фани нималарни ўргатади?
3. Физикани ўрганишнинг қандай аҳамияти бор?⁸²

Ўқувчи бундай саволларга жавоб беришдан олдин ўз хаёлида физикадан олган билимларига таянади ва саволларга жавоб излайди. Албатта, шу ўринда айтишимиз жоизки, ўқитувчидан ҳам кенг қамровли илмий ҳамда дунёвий билимлар талаб этилади.

Интегратив таълимнинг яна бир мақсади ўқувчининг нарса-предметлар ўртасидаги боғлиқлик, ўзаро ёрдам, моддият ва маданиятнинг турли-туманлиги, инсоннинг ички (маънавий ва ижтимоий) дунёси, оламда ҳукм сурувчи қонунлар (табiiй, илмий, тарихий, ахлоқий) ҳақида тушунча беришдир. Бунда асосий урғу фақат маълум билимларни эгаллашгагина эмас, балки образли фикрлашни ривожлантиришга қаратилади. Ўқувчига оламнинг умумий кўриниши товушлар, образлар ва ранглар орқали таништирилади. У эса дунёни ва ўзини ўрганувчи ёки текширувчи ўрнига кўяди. Мураккаб илмий ва бадиий ғоялар ўқувчи учун тушунарли бўлиши, образли мавзуларда ўз аксини топиши ва йил мундарижасини тузишга имкон бериши зарур. Муайян тартибга солинган тизим интегратив таълимнинг ўзига хос хусусиятидир. Бундай ўйинларга ёндашиш 6–10 ёшдан бошланади ва улар мураккаб билим орттириш, ахлоқий-эстетик масалаларни ҳал қилишига ёрдам беради. Йил ва чорак мундарижасига турли эртак қаҳрамонларининг киритилиши ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Улар болани мавзудан мавзуга етаклаши орқали мулоқотга чорлайди ва янги билимларни ўзлаштиришга замин яратади.

Кузатишлардан маълум бўлдики, хорижий давлатларнинг тил таълимида қўлланилаётган ёндашувлари турли-туман. Масалан, болгариялик олимлар томонидан 10–12 ёшли болаларга мўлжалланган ўқиш, ёзиш ва оғзаки нутқ “тил санъатига тарих, география, фуқарошунослик, жамиятшунослик, физика, кимё, биология, астрономия, табиатшунослик каби фанларни ўз

⁸² Мавлонова К, Азимова И. ва бошқ. Она тили 7- синф учун дарслик. Тошкент: Республика таълим маркази, 2022. – 104- б.

ичига олган табиий-илмий билимларни бирлаштирган интеграцияланган курс яратилган. Интеграциянинг бундай усули умумий ўрта таълим мактабларида кўлланилади. АҚШ ўрта мактабларининг катта синфларида физика, кимё, география, геология, кристаллография, тупроқшунослик кабиларни ўз ичига олувчи “Ерни ўрганиш” фани киритилган. Чехияда ҳам шундай умумлаштирувчи интеграцияланган “Фуқаро тарбияси” деб номланган курс юқори синфларнинг ўқув режасидан ўрин олган.

Мамлакатимизда ҳам таълим ислохотлари натижаси ўлароқ ДТС, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш мобайнида жамият ва атроф-муҳит ўртасидаги алоқаларни уйғунлаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига жавоб берадиган, дарс талабларига мос келадиган таълим мазмуни бундай янгиланишнинг асосий мақсадидир. Ўқитувчининг ўзи таълимда интеграцияни амалга оширувчи бўғин вазифасини амалга оширади. У болаларга она тили, рус ёки инглиз тили ҳақидаги илк тушунчаларни ўргатади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчига хос дарс бериш услубини интеграциянинг алоҳида олинган бир кўриниши деб ҳисоблаш мумкин. Ўқитувчининг ижодкорлиги шундаки, у фан учун маълум, аммо бошқаларга номаълум жиҳатларни, аввало, ўзи лойиҳалайди, сўнгра ўқувчиларига ҳам шуларни ўргатади. Модомики шундай экан, ўқувчилар тафаккурини ўстириш учун модул дарсларини ташкил қилиш орқали интеграцияни амалга ошириш самарали ҳисобланади.

Ўзлаштириш жараёни материал мазмунини ҳис этиш, англаш, билиш ва малака ҳосил қилишдан иборат. Фанлараро алоқа ўқувчиларда олдин ўзлаштирилган билимларни янги тушунчалар билан бойитишга, факт ва ҳодисалар моҳиятини англашга ёрдам беради. Ўқувчиларни ижод қилишга ўргатиш, изланишга йўналтириш, тасаввур ҳосил қилиш ўқитишнинг замонавий усулларига киради. Жумладан, 5-синф она тили дарсларида ўқитувчи ўқувчиларни мунозарага чорлайди: “Болалар, анорнинг гулини ҳеч кузатганмисиз, уни кенгроқ тасвирлаб бера оласизми?”.

Сўнгра синфдаги ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, уларнинг бири анор

гулига оғзаки таъриф беради, иккинчиси эса унинг тасвирини чизади. Сўнгра шу асосда баҳсга киришилади. Баҳс якунида ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг фикрларига яқун ясашиб, шоира Т.Содиқованинг “Гул фасли” шеъри ифодали айтилади. Шеърни ифодали айтишга ўргатиш таъсирчанликни оширади, оғзаки нутқни ривожлантиришга ёрдам беради. Сўнгра 1-гурух ушбу матн таркибидаги от сўз туркумидаги, 2-гурух эса феъл сўз туркумидаги сўзларни синонимлари билан алмаштириб ёзадилар (ёки ҳар қандай грамматик топшириқни бажартириш мумкин). Масалан, *борлиқ-universe, дунё-world, олам-nature; довучча-green apricot, эъра-unripe fruit; ёғар-raining, қуяр-shedding, севалар-drizzling* ва ҳ.к.

Шундан сўнг ўқувчилардан шеърга мос расм чизишлари сўралади. Берилган топшириқ продуктив даражада бўлиб, ўқувчилар тузган режалар асосида оғзаки тасвирлаб берадилар. Шу жараёнда уларнинг нутқи ва тафаккури ҳам ривожланади. Ишлаб чиқилиши жиҳатдан кенг даражали топшириқлар дидактик аҳамиятга эгадир. Чунки бундай топшириқни бажариш жараёнида ўқувчилар мантикий фикрлайдилар, топшириқларни таҳлил қилиш асосида хулоса чиқарадилар.

Интеграцияли дарсларни ташкил қилиш учун ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўришда ўқувчилардаги фаолликни ошириш йўллари, мавзунини ўтиш моделларини, машғулот жараёнида фойдаланиш лозим бўлган восита ва усулларни аниқлаб олади. В.А.Черкасовнинг таъкидлашича, “ўқув жараёнини такомиллаштириш учун мажмуавий ёндашув унинг объектив ва субъектив омиллари, шунингдек, ўқувчилар фаоллигини, уларнинг турли хил фаолиятини ташкил этиш мақсадида рағбатлантириш масалаларини ҳал қилиш, турли хилдаги умумлаштиришларни амалга ошириш, алоҳида ўқув ҳаракатларини ўқув-билиш фаолиятига айлантириш кабиларнинг ҳисобга олинишини кўзда тутати”⁸³.

Келтирилган ёндашувларни амалга оширишда мавзуга оид изчил

⁸³ Черкасов В.А., Черкасова Э.С. Межпредметные связи как одна из форм реализации комплексного подхода в процессе подготовки студентов педвуза // Межпредметные связи как необходимое условие повышения качества подготовки учителя физики в педагогическом вузе. Межвузовский сборник научных трудов / Ред. кол.: Усова А.В., Черкасова В.А., Тулькибаева Н.Н. – Челябинск. – С. 35-42.

талаблар қўйилиши лозим. Бунинг учун ўқитувчи дарснинг кенгайтирилган режасини тузиб, шу режа асосида иш олиб боради. Ўқувчилар мустақил фикрлаш орқали индивидуал равишда изланадилар, бу эса лингвистик кўникмалар ривожига хизмат қилади.

Ўқувчилар топшириқларни бажариш жараёнида воқеа-ходисалар, уларнинг изоҳи ва исботини ягона бир тизимга солади, хулоса чиқаради, умумлаштиради, хаёл ва фантазиясини ишга солади. Уларнинг мустақил фикр юритиш ёки эркин сўзлаш кўникмасини маълумотларни қабул қилиш даражасига кўра аниқлаш мумкин. Бунинг учун матн таркибидаги атамаларни аниқлаш, уларнинг хусусиятларини таърифлаш каби ўқувчи шахсини ривожлантиришга қаратилган топшириқларни бериш ўринлидир. Матнни ташкил этувчи қисмлар орасидаги боғланишларни аниқлаш, мазмунини насрий йўл билан баён этиш, илмий хулосалар чиқариш кабилар талаб этилиши лозим. Бундай топшириқлар ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим жараёнини тўғри ташкил этиш учун имконият яратади. Натижада назарий таҳлил, амалий кузатишлар юзага чиқади.

Педагогикада интеграциянинг анъанавий икки варианты мавжуд:

1) изчиллик – турли хил элементлар орасидаги алоқаларнинг тартиблилиги ва барқарорлиги;

2) берилган ҳолатга олиб борувчи жараён сифатида.

Интеграция самарадорлик кўрсаткичи сифатида бутун таълим тизимининг яхлитлиги мезони вазифасини бажаради. Олимларнинг фанлараро интеграция, турли элементларнинг таълим жараёнидаги ўзаро таъсири мураккаблиги ва кўп босқичли саналиши ҳақидаги турлича қарашлари мавжуд. Жумладан, Д.Курбанниязова шундай дейди: “Агар ўзбек тили, рус тили дарсларида ўрганилган билим, кўникма ва малакалар инглиз тилини чуқурроқ ўрганишга кўмакдош бўлса, бошқа фанлар адабиёт, тарих, география фанларидан ўрганилган билимлар ўқувчиларга жаҳон адабиёти, тарихи ва географиясига оид билимларни ҳам осонроқ ҳамда мукамалроқ эгаллашга, дунёқараш, мулоҳазаларининг кенгайтишига кўмаклашади.

Шундай қилиб, бошқа ўқув предметларидан эгалланган билим базалар фанлараро боғлиқликни вужудга келтириб, бир фандан эгалланган билимлар улардан иккинчи фанни ўзлаштиришда фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Бу, ўз навбатида билим базасининг кенгайтишига, ҳар томонлама етук кадрлар етишиб чиқишига замин яратади”⁸⁴.

И.С.Сердюкованинг таърифича, “интеграция, аввало, фанларнинг алоқаси ва яқинлашув жараёни бўлиб, юқори сифатга ўтиш шаклини ифода этувчи таълим босқичидир”⁸⁵.

С.П.Баранов, Л.Р.Болотин, В.А.Сластенин каби олимлар тадқиқотларида фанлараро боғланиш мазмуни келтирилса ҳам, интеграциялашган таълим муаммолари акс этмайди⁸⁶.

Мамлакатимизда фанлараро алоқадорлик масаласи хусусида Б.С.Абдуллаева томонидан тадқиқот иши яратилган бўлиб, унда мазкур ёндашувнинг мазмунли, методик ва ташкилий турлари, кўникма-малакалар, фикрлаш амалиётлари орқали ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш масалалари ёритилган⁸⁷.

Методист К.Мавлонованинг таъкидлашича, “она тили дарсларида бошқа ўқув фанлари билан турли даражада интеграция амалга оширилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўқув фанларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш усули бўйича: бир томонлама, икки томонлама, кўп томонлама интеграцияланиши мумкин. Бир томонлама интеграцияланишда ўқув фанидаги мақсадга мувофиқ келган ҳолатлардан намуна олинади, иккинчисида ўзаро таъсир орқали бир-бирининг таълим мазмунини бойитиш ишлари рўёбга чиқарилади. Бири билан (масалан, рус тили, чет тиллар,

⁸⁴ Курбанниязова Д. Ўзбек гуруҳларида рус тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари замонавий лингвистик тадқиқотлар: Хорижий тажриба истикболли изланишлар ва тилларни ўқитишнинг инновацион усуллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Май 15, Самарқанд, –2020. –312 б.

⁸⁵ Ксензенко О. А., Матвеева А. Б. Конференция «Ломоносов 2017» Интегративный подход к разработке и преподаванию программ курса «Английский язык для работы в рекламном бизнесе», –Москва, Россия-1с. <https://docs.yandex.ru/docs/view?tm=>

⁸⁶ Сластенин В.А. и др. Педагогика Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е. Н. Шиянов; Под ред. В.А. Сластенина. – Москва: Издательский центр "Академия", 2002 –576 с.

⁸⁷ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишидаги академик-лицейларда математика ўқитиш мисолида): пед. фан.док. дисс ...автор. – Тошкент: 2006. – 49 б.

қисман тарих) бир томонлама, иккинчиси, аниқроғи, сўз санъати – адабиёт ўқув фани билангина икки томонлама интеграциялаш юзага келади. Кўпроқ рус тили, қисман чет тиллар, тарих ўқув фанларидан она тили таълими мазмуни учун ижобий тажрибалар ибрат қилиб олинади, лекин ушбу фанлар таълим мазмунини ўзгартиришга доир жиддий тавсиялар бера олмайди. Бир томонлама интеграция деганда шу ҳолатлар назарда тутилади. Она тили дарсларининг адабиёт дарслари билан ўзаро интеграциялашувини ҳам икки томонлама, ҳам ташқи деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Демак, интеграция кўп компонентли ва барча элементларнинг пухта ва синчковлик билан ташкил этилган алоқаси, якуний мақсади ва ўзини ўзи ривожлантиришга қаратилган ёндашувдир»⁸⁸.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, интеграция таълим мақсадларининг мураккаб хусусиятлари, педагогик воситаларнинг комбинацияси, яхлитлик режалаштирилган натижаларга эришиш, асосий ва кўшимча таълим, ўқув фаолиятини ташкил этишда мослашувчанлик, синфдан ташқари ишларнинг турли усул ва шаклларидан фойдаланиш; ижодий тўғараклар, шунингдек, интеграл курсларни жорий этиш, таълим жараёнига оид барча элементларнинг ўзаро таъсиридир дейиш мумкин.

Ўқувчига таъсир ўтказишнинг муҳим жиҳати уни атрофдаги ҳақиқатни идрок этишга тайёрлаш вазифаси ташкил этади. Бошқача айтганда, ўқувчилар мавзуни ўрганиш жараёнида нарса-ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик ва фарқни англай билиши, турли тушунча ва фактларни бир тизимга бирлаштира олишлари зарурлигидир.

Замонавий педагогикада консолидация, яъни мустаҳкамлаш ва бир вақтнинг ўзида ўқиш орқали ўқув жараёнини ўзаро боғлиқ турли хил мавзулар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчига баъзи машқларни боғлаш ёки умумлаштириш вазифаси таклиф этилади. Қабул қилинган топшириқлар асосида мустақил ҳаракатларни амалга ошириш ўхшашлик, индукция, таққослаш, керакли жадвалларни ишлаб чиқиш,

⁸⁸ Мавлонова К.М. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш: пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. – Тошкент: 2019. – 10-б.

графиклар, диаграммалар ёки бошқа схематик тасвирларлар билан мустаҳкамланади.

Ички тизим интеграцияси ўқувчиларда муайян қобилиятни ривожлантириши билан тавсифланади, бунда бир предмет материалидан бошқасини ўрганиш пайтида фойдаланилади. Ўқувчининг умумий илмий тоифаларни идрок этиб, билимларни комплекс равишда ўзлаштиришига бир бутунлик сифатида ёндашилади. Бу ерда интеграция турли йўллар, хусусан, горизонтал ва вертикал шаклда амалга оширилади.

Горизонтал тўпламлар – бир хил илмий билимларга асосланган фанлараро алоқа бўлиб, у такрорлашни рад этади ва ўқиш вақтини тежайди.

Вертикал ёндашув – фанлараро алоқалар, ўхшаш фикрлаш турларини шакллантиришга хизмат қилади. Масалан, гуманитар ва экологик, физик-математик ва бошқалар.

Бундан ташқари, интеграция *ички* ва *ташқи* шаклларга бўлинади. *Ички интеграция* одатий ички тарбиявий жараёндир. *Ташқи интеграция* эса таълим муассасасининг жамият ва ундаги бошқа тузилмалар билан ўзаро алоқасидир. Ички ёки мактаб ичидаги интеграция турли хил педагогик воситаларнинг ўзаро алоқаси даражалари: дарслардаги ички боғланишлар (масалан, мавзулараро); тарбиявий воситаларни ўзаро таъсирлар орқали амалга ошириш (объектлар ўртасида); материалнинг битта предмет бошқасини ўрганишга ўзаро боғлиқлиги (дарсни интеграциялашган ҳолда ўтказиш); янги ўқув қўлланмаларни жорий этиш (дарсларни турли синфда ва турли гуруҳлар билан ўтказиш ва бошқалар).

Маълумки, айрим фанлар интегротив характерга эга. Кўпинча бу фан ичидаги интеграция даражаси бўлиб, саводга ўргатиш дарслари (ўқишни ва ёзишни ўргатиш) – қадимда интеграциялашган эди. Тил ва адабиёт дарслари ягона мақсад асосида амалга оширилган бўлиб, бунда ўзаро боғланган мавзуларни ўрганиш, ўқувчиларнинг ўқиш кўникмасини такомиллаштириш, ижодий фикрлаш, ижод қилиш малакаларини бирлаштиришга эътибор қаратилган. Бироқ бугунги кунда ўқув предметларини бирлаштиришга

нисбатан янгича ёндашув босқичи бошланди. Фанлараро боғлиқликдан бир-бирига яқин бўлган турли предметларни яқинлаштириш, яхлит ҳолда интеграциялаш муаммосига мурожаат қилинмоқда.

Текширишлар натижалари шуни кўрсатдики, ўқувчиларимиз чет эллик ўқувчиларга нисбатан кўп маълумот ўзлаштирсалар ҳам, уни амалга татбиқ этишда сезиларли даражада орқада қолмоқдалар. Кўпчилик бунга сабаб асосий кўникмаларнинг мослаштирилмаганида деб билади. Яна бир сабаб сифатида анъанавий таълимда кўп йиллар интегротив дарсларга эътибор берилмаганини ҳам келтириш мумкин. Бу ерда шу кунга қадар яратилган интегротив курсларнинг асосий синфлари санаб ўтилади, лекин ўқув фанлари интеграцияси жараёнида қатор камчиликлар ҳам кузатилади.

Биринчидан, табиий интегротив курсларни тузиш йўллари кўпинча бир-бирини такрорлайди ва бирга қўлланилади. Шу орқали янги асослар яратилиб, уларни тартибга келтириш, илмий асос яратиш қийинлашади.

Иккинчидан, интегротив курслар фанлараро алоқанинг ўрнини боса олмайди. Фикримизча, улар бу алоқани ташкил этувчиларидан биридир.

Учинчидан, табиий илмий таълимнинг оптимал тузилиши шундайки, интегротив курслар ўқув режасининг ўзгарувчан қисмига кириб, унинг регионал ташкил этувчиси ҳисобланади.

Тўртинчидан, ўқув методик қўлланмаларнинг йўқлиги интегротив курсларни ўқув жараёнига татбиқ этишда қийинчиликлар туғдиради. Дастур уларнинг муаллифлари томонидан тузилиб, умумий методик кўрсатмалар ишлаб чиқилганидан сўнг тўхтаб қолади.

Бешинчидан, интегротив курслар учун ўқитувчиларни режали ва мақсадга мувофиқ тайёрлаш тизими ҳали етилгани йўқ.

Шундай қилиб, тадқиқот мавзуси билан боғлиқ кузатиш ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, интеграция ўқув фанлари орасидаги тизимли боғлиқликларни рад этмайди. Аксинча, у фанлараро боғлиқликни, фанларнинг бир-бирини тақозо этиши, тўлдириши, мукаммалашуви учун кенг йўл очиб беради. Интеграция фаолиятни ўзгартириш ёки билимларни

бир фандан иккинчисига ўтказиш бўлмай, балки замонавий илмий билимларни интеграциялаш асосидаги янги дидактик эквивалентларни яратишдан иборат деган қонуниятни рад этади.

1.3.§. Умумий ўрта таълим мактабларида тил таълимига интегратив ёндашувнинг мавжуд ҳолати

Умумий ўрта таълим мактабларининг она тили фанидан давлат таълим стандарти малака талабларида ўқувчиларни шахс сифатида камол топтириш мақсади тил имкониятларидан фойдаланган ҳолда фикрини тўғри ва раво баён эта олиш қобилиятини ривожлантиришга доир нутқий ва лингвистик компетенцияларни шакллантириш билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу масала она тилини бошқа тиллар билан интеграциялаб ўрганишга доир тегишли ёндашувларни ҳам тақозо этади.

Товуш ва сўзлар талафузи, уларнинг маънолари, сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчалар, қўшимчалар ва сўзларнинг имкониятларини интеграциялаш ўзга тилларни ўрганишга йўл очади. Маълумки, ўзга тилни ўрганиш тил-нутқ тарзида олиб борилади. Шу боис ўқитувчидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг қайси тилга мансублигини билиш талаб этилади. Ана шундай имкониятга эга бўлган ўқитувчининг дарси самарали бўлади, ўқувчилар ўзга тилларга мансуб сўзлар маъносини ўзлаштиради.

Ўзбек тили – байналминал тил. Сўнгги пайтларда унинг лексикасидаги араб, форс, қадимги эроний тиллар, сўғд, хоразмий, санскрит, ҳинд, лотин, хитой, мўғул, рус, инглиз, немис ва француз тилларидан ўзлашган сўзлар қаторига Европа халқлари тилларига оид сўзлар, асосан, инглиз тили орқали кириб келаяпти. Дарсликларда берилаётган “Олинма сўзлар”, “Ўзлашма сўзлар”, “Ўзга қатламга оид сўзлар” рукнидаги илмий маълумотлар талаб даражасида эмас. Олинма сўзлар ўқитувчи учун ҳам, тил ўрганувчи учун ҳам керак. “Ўқувчи она тилидаги ўзлашма сўзларнинг мажмуи, тури, маънолари, қўлланиши, услубий хусусиятлари билан танишиб она тилига меҳри ортади, чет тилини ўрганишга рағбати ошади”⁸⁹.

⁸⁹ Суярова Г. Қиёс – она тили ва чет тилларни ўрганиш асоси // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари.

Педагогик кузатиш натижалари шуни кўрсатдики, она тили дарсларида интеграциялаб ўрганиш орқали ўзгалар билан мулоқотга киришиш, сўзлашиш ва таржима қилиш имконияти катта. Бундай ҳолатларда она тилининг мавжуд имкониятларини яққол кўзга ташланишини исботловчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шундай экан, қуйида уларнинг айримлари ҳақида фикр юритилади. Жумладан, она тили дарсларидаги қуйидаги жиҳатларга диққат қилиш мақсадга мувофиқ:

1) ўзбек ва инглиз тилларида кесимнинг мавқеи;

2) ўзбек ва инглиз тилларида эганинг мавқеи;

3) ўзбек ва инглиз тилларида содда гап асоси;

4) ўзбек ва инглиз тилларида бир таркибли гаплар ва бошқалар.

Юқоридаги таркибни давом эттириш ва булар фақат синтаксис бўйича эмас, балки тилшунослик фанининг ҳар бир соҳасида мавжудлигини қайд этиш мумкин. Ушбу соҳада изланиш олиб борган Ж.Ж.Жалолов, В.И.Нормуратова, Г.М.Фролова каби олимларнинг ишларида мазкур масалалар бир қадар ўзининг ечимини топган. Масалан:

1. Кесим ва эганинг мавқеи.

2. Содда гапнинг максимал қурилиши қолипига асосланиб, кесим, эга ва ўрин олган бўлақлар билан иш қурилиши.

3. Ўзбек ва инглиз тилларида содда гап асоси:

а) ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиши:

б) сўз ва гап исталган атов birlik кенгайтирувчилари: келдим + кесимлик кўрсаткичлари.

4. Инглиз тилида содда гапнинг энг кичик қурилиши – [S – P]:

I come I came

You come you came

She comes she came

5. Ўзбек тилида бир таркибли содда гап мавжуд, инглиз тилида эса йўқ,

“Ўзбек тили” доимий анжумани материаллари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 132.

ва одатда, у формал эга (It) орқали берилади.

Шу ўринда умумтаълим мактабларида она тили дарсларининг ўрганилиши масаласини таҳлилга тортамиз. Албатта, ҳар бир тилни ўрганишга иккинчи тил нуқтаи назаридан услубий ёндашувлар ҳар хил. Булар: анъанавий ўқитувчи ва ўқувчиларга йўналтирилган аниқ ёндашувлардир. Иккинчиси ҳали ҳам озчиликни ташкил қилади. Аммо бу она тили дарсларида барча синфлар учун одатий бўлган жиҳат: доимий равишда оғзаки ва ёзма шаклдан фойдаланишдир. Ўқувчилар академик матнларни ўқийдилар, уларнинг мазмуни тўғрисида эслатма ёзадилар, ўқиш жараёнлари якуний ҳисоботини тақдим этадилар, ўқитувчи ёки уларнинг натижаларини тақдим этаётган бошқа иштирокчи фаолиятидан намуналарни тинглайдилар.

Гарчи тил билан ишлаш ўқувчилар фаолиятининг марказида бўлмаса-да, лингвистик кўникмаларни ривожлантиради. Ушбу аниқ далилга изоҳ топиш учун она тили дарсларида таъсир эта олиш тарафдорлари таъсир қилиш вақти бўлганлигини таъкидлайдилар. Сўнгги пайтларда фанлараро интеграцияни таъминлаш орқали ўқитишга етарли даражада эътибор бермаслик ҳоллари кузатилмоқда. Муаммони бартараф этишга қаратилган тадбирлар эса тегишли ўқув режаларида ушбу фанларни ўқитишнинг вақт бўйича мувофиқлаштирилиши ёки фанлар мазмунини қисман уйғунлаштиришга оид тадбирлар билан чекланилмоқда. Уни тубдан ҳал қилиш учун эса ўқувчилар эгаллайдиган билимларнинг юқори сифат даражасини таъминловчи ўқув фанлари интеграциясига доир шарт-шароитлар, шакл, мазмун ва воситаларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Тил таълими ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш воситаси ҳамдир. Шахснинг билим олиши, тарбияси ва ривожланиши бир бутун жараён бўлиб, бири иккинчисидан ажратилмаган ҳолда амалга оширилади. Она тилининг барча бўлимлари бу муҳим мақсадни амалга оширишда кенг имкониятларга эга⁹⁰.

⁹⁰ Ғуломов А, Нетьматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни, Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –21-б.

Фикримизча, замонавий дидактикада ўқув фанларини интеграциялашга доир бир қанча ёндашувлар таклиф қилинади, бироқ ҳали бу жараённинг умумэтироф этилган мазмуни, шакл ва воситалари тўлиқ яратилган эмас. Кўпгина педагог олимлар таълимдаги интеграция жараёнини ўрганишда фундаментал фанларни интеграциялашдаги тасаввурлардан келиб чиққан ҳолда иш кўрадилар. Бу ҳолат интеграциянинг дастлаб фундаментал тармоқларда амалга ошиб, кейинчалик педагогика соҳасига тарқалганлиги билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, ўқув фанлари илмий фанлардан фарқ қилади. Фақат бу фарқ уларнинг мазмунида эмас, балки билимларнинг берилиш шакли, ҳажми ва баён қилиниш чуқурлигида ўз аксини топади.

Ўқув фанларини интеграциялашнинг дидактик моҳияти турли ўқув фанлари бўйича янги билимларни шакллантиришнинг концептуал тузилма ва методларини аниқлаш имконини берувчи педагогик тадбирлар тартиби ҳамда қонуниятларини ишлаб чиқиш зарурати билан белгиланади. Тор маънода қаралганда, ўқув фанлари интеграцияси фан соҳалари ва илмий билимлар ўзаро синтезининг узвий давоми ҳисобланади. Ўқув фанлари интеграциясининг асосий мақсади субъектив янги билимларни синтез қилишдан иборат бўлиб, бош вазифаси шу масалага қаратилган педагогик технологияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Бизнингча, таълим тизимида тарихан таркиб топган фанларга бўлиб ўқитиш тизими сақланиб қолиши мақсадга мувофиқ. Ўқув фанлари нисбатан мустақил бўлиши керак, чунки уларнинг ҳар бири ўз тили, тушунчалар аппарати, методологияси, методикаси, тадқиқот предмети ва концепциясига эга алоҳида фан соҳасини ифода этади. Шу билан бирга, уларни ўзаро боғлиқликда ўрганишга доир имкониятлар рўёбга чиқарилиши лозим. Бундай имконият фанлараро ёндашув асосида таъминланади. Унга ўқув фанларини интеграциялаш шакли сифатида ҳам, субъектив янги билимларни синтез қилиш методи сифатида ҳам қараш мумкин. Фанлараро боғлиқлик ёндашувига умумтаълим ҳамда махсус фанларни интеграциялашда педагогика фани учун энг яхши йўналиш сифатида қараш мумкин.

Биз ўқув фанларини интеграциялаш натижаси фанлар ўзаро боғланмаган ҳолда ўргатилганда шакллантириш мумкин бўлмаган субъектив янги билимларнинг ўзлаштирилиши, деган концептуал ғояга таянамиз. Илмда янги билимларнинг фанлараро синтез жараёни жуда секин кечиб, баъзида у бир қанча ўн йилликларга тенг даврни қамраб олади. Ўқув жараёнида ўқитувчи бир ёки бир неча машғулот ёки ҳатто бир неча дақиқа ичида ўқувчини илгари турли фанларга оид ўзлаштирилган билимларига таянувчи субъектив янги билимга “олиб келиши” керак бўлади. Таъкидлаш жоизки, билимларнинг ҳар қандай олиб ўтилиш ҳолати субъектив янги билимлар синтезига олиб келмайди. Бунинг учун ушбу билим инверсияга учраши лозим.

Билимларнинг инверсияси қуйидаги жараёнларни қамраб олади:

- 1) ўқувчи ақлий фаолиятини фаоллаштириш мақсадида билимларни шаклланган фандан бошқасига ўтказилгандаги тавсифининг ўзгариши;
- 2) илмий билимлар моҳият жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини ўқув вазибаларига айлантириш;
- 3) ўқувчи ижодкорлик қобилиятлари ҳам касбий йўналганлигининг таркиб топишини таъминловчи фанлараро билим ва кўникмаларни эгаллаш даражаларини белгилаб олиш.

Инверсиянинг моҳиятини қуйидаги мисол орқали изоҳлаш мумкин. И.Ньютон томонидан кашф этилган механика қонунларига оид билимлар инверсия натижасида ҳали мактаб физика курсидаёқ техника ва технология объектларига татбиқ этилиб, политехник кўринишда тақдим этилади. Ушбу билим бошқа объектларга ўтказилганида ўзга йўналиш касб этиб, бошқа касбий вазибалар ечимига хизмат қилади. Масалан, физикани ўқитиш методикасида ўтказилган соҳага оид билимлар инверсияга учраб, бўлажак физика ўқитувчиларини тайёрлашдаги касбий билимларга айланади. Фан йўналишларига оид билимлар бўлажак муҳандиснинг махсус фанларни ўрганиши ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида касбий билим ҳолига ўтади. Бу каби ўзгаришлар амалга оширилмаса, умумтаълим ҳамда махсус

фанларга оид билимлар касбий фаолиятга татбиқ этилмаса, улар бўлажак муҳандис учун касбий билим эмас, балки пропедевтик аҳамият касб этувчи маълумот сифатида ўринга эга бўлади. Умумтаълим, умумтехник ҳамда махсус туркумдаги фанларни интеграциялаш имкониятлари уларнинг мазмунида мужассамлашган. Зеро, у ўзида табиатига кўра ягона бўлган атроф-олам тўғрисидаги билимларни ифода этади.

Ўқиш ақлий меҳнат турларидан бири бўлиб, ўзига хос хусусиятга эга меҳнатдир. Шу нарса аниқки, бу меҳнат ҳам айна бир натижага эришиш учун кўп ёки оз куч сарфланишига қараб у ёки бу даражада самарали бўлади. Ўқувчиларни ҳар бир ишга киришишдан олдин хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки режа тузиб олишга ўргатиш керак. Ижтимоий ишлаб чиқаришда ҳам, шахсий ишда ҳам тартиблилик, тежамлилик режанинг мавжудлиги ва мукамаллигига боғлиқ. Режа ишдаги муваффақиятнинг асоси, ҳаракат учун дастур саналади. Мақсадни аниқлаш, амалга оширилиши зарур жиҳатларни белгилаш ҳамда иш жараёни, тартиби, вақти ва жойини режалаштириш унинг таркибий қисмларидир.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги. Дарснинг самарадорлиги унинг пухта ташкил этилиши билан боғлиқ. Яхши режалаштирилмаган, етарлича ўйлаб чиқилмаган, шошилинич тузилган ва ўқувчилар имкониятларига мослаштирилмаган дарс сифатли бўлмайди. Дарсга тайёргарлик аниқ шароитларда ҳамда энг юқори якуний натижага эришишни таъминловчи ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этувчи тадбирларни ишлаб чиқишдир. Ўқитувчининг маълум бир фан асосида дарсга тайёргарлик кўришида ташхислаш, башоратлаш ва лойиҳалаштириш (режалаштириш) каби босқичлар муҳим аҳамиятга эга.

Кузатишда ўқитувчи дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштиради, унинг натижаларини белгилайди. Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш имкониятлари уларнинг фаолияти ва хулқи, мотивлари, талаб ва лаёқатлари, қизиқиш ва қобилиятлари, кўникма ва малакалари ва уларни назорат қилиш ҳамда тузатиш кабиларда намоён

бўлади.

Аниқлаштириш ўқитувчи томонидан бўлажак дарснинг самарали ташкил этилишига доир турли вариантларни танлаб олиб баҳолаш ва қабул қилинган мезонларга мувофиқ равишда ташкил этишнинг энг маъқул вариантыни ажратиш ҳамда қўллашдир.

Лойиҳалаштириш (режалаштириш) ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш бўлиб, у дарсга тайёрланишнинг якуний босқичи ҳисобланади. Лойиҳа (бошқариш дастури) қисқа ва аниқ, эркин тузилган, ўқитувчи ўзи учун бошқариш жараёни (кимдан ва қачон сўраш, қаерда мавзунини киритиш, машғулот кейинги босқичига қандай ўтиш)ни белгилаб олишга имконият берувчи фаолиятдир. Моҳиятига кўра кенг тушунча бўлиб, ўрганилаётган объектнинг турли жиҳатлари, хусусиятларини ҳар томонлама очиқ беришни назарда тутлади.

Ш.Абдуллаеванинг фикрича, “лойиҳа мавзусини танлашда унинг амалий аҳамиятига, бир нечта билимлар соҳасидан фойдаланиш имкониятига эътибор берилади. Шундагина лойиҳани бажариш жараёнида билимлар интеграцияси таъминланади”⁹¹.

Бизнингча, она тили дарсларини интеграциялаб ўрганиш мазмунига иш вақти, унинг боришини режалаштириш, натижаларининг самарали бўлишига доир ёндашувларни белгилаш, топшириқлар кетма-кетлиги дастурини яратиш, уларни амалга оширишга доир оқилона усуллар, методлар ва воситаларни танлаш кабиларни киритиш мумкин. Ўқув материалини мавзулар бўйича таҳлил этиш йўли билан турли ўқув предметларини қайси мавзулари бир-бири билан алоқадорлиги юзаки равишда аниқланса, таркибий таҳлил этиш орқали ўқув материалининг ташкил этувчи тушунчалари, далиллари, қонуниятлари, ҳукм ва хулосалари ҳамда тасаввурлари орасидаги алоқадорлик ўрнатилади. Предметларо алоқадорлик фойдаланувчи имкониятларига боғлиқ бўлиб, у схематик, жадвал, вербал шаклларда қайд этилади. Предметларо алоқадорликни амалга татбиқ этиш қуйидаги муҳим

⁹¹ Абдуллаева Ш. Лойиҳалар усули // *Kasbiy fanlar metodikasi*. – Тошкент, 2013. – № 2. – Б. 10.

босқичлардан иборат:

1. Мақсад асосида масаланинг моҳияти, амалга ошириш кетма-кетлиги ва кўламини аниқлаб олиш.

2. Машғулотлар давомида бевосита амалга ошириш.

3. Кўзланган мақсад билан эришилмаган натижани қиёслаб, хулоса чиқариш ва истиқбол режаларини тузиш.

Интеграциялашган таълим мазмунидан фойдаланиш. Фанлар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Масалан, биз бу жараёни ҳар бир синфнинг ўқув режаси орқали таҳлил қиламиз. Филология соҳаси иккига бўлинади: 1. Ўзбек тили. 2. Она тили ва ўқиш.

Она тили ва ўқиш фанлари орасидаги интеграциянинг мақсади ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқ малакаларини шакллантиришга қаратилган. Асосан, она тили ва ўқиш, синфдан ташқари ўқиш дарсларида ўқувчилар нутқ ўстириш юзасидан билим, кўникма ва малакаларига эга бўлсалар, рус тили, математика, табиат, мусиқа маданияти, тасвирий санъат, технология, жисмоний тарбия дарсларида уни мустаҳкамлаб, тўлдириб борадилар. Масалан, 5-синф она тили дарслигидаги нутқ ўстиришга оид ёндашувларни 81-дарс янги пайдо бўлган сўзлар бўлимидаги 294-машқ мисолида кўриб чиқайлик. Бунда “Матнни кўчиринг. Олинма сўзларнинг тагига чизинг ва изоҳланг” шарти берилган. Жумладан, “*Одамларнинг 10 фоизи ноёб талантга эга бўлади. Улар интеллектуал ривожланган инсонлар саналади. Маълумотларга кўра даҳоларнинг аксарияти болалик чоғидаёқ ўз истеъдодларини намоён этишган. Ўта талантли болаларни вундеркинд дейишади*”⁹² каби. Ўқувчилар яна шунга ўхшаш олинма сўзларни топадилар ва мустақил равишда гаплар тузадилар. Бундай машқларни бажаришда инглиз тилидан олган билимларига таянадилар.

Шундай қилиб, тадқиқот мавзуси билан боғлиқ илмий-методик адабиётлар, дастур ва дарсликлар таҳлили шуни кўрсатдики, “Она тили” дарсликларида кўплаб машқлар лингвистик кўникмалар ривожига

⁹² Mahmudov N. va boshq. Ona tili. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 124-b.

қаратилган. Масалан, 7-синф она тили дарслигидаги “Олмош – сўз туркуми” мавзусига доир 288-машқда “Олмошларни топиб, эгалик ва келишик кўшимчаларининг қўшилишига диққат қилинг” шarti қўйилган⁹³. Ўқитувчи машқ шarti билан таништириши жараёнида матнда илгари сурилган ахлоқий-эстетик ғоялар баробарида адабий талаффуз меъёрларини имловий саводхонлик билан уйғунлаштиришга аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқ.

Лингвистик кўникмаларни шакллантириш турли мавзуларда берилган машқлар мазмунига сингдирилган бўлиб, улар ўқувчилардан атрофни кузатишни, фикрларини тизимлаштиришни ва хулоса чиқаришни талаб этади. Хусусан, “Тоғ ўрмонлари ва ўтлоқлари” мавзусидаги матнда тоғларда дам олиш ёки туристик саёҳатлар вақтида табиатни асраб-авайлаш зарурлиги; дарахтларга зарар етказиш, шох-новдаларни синдириш, гулларни юлиб дасталаш, кушлар билан ҳайвонларни безовта қилиш мутлақо ярамаслиги; ўрмонда гулхан ёқиш мумкин эмаслиги, чунки улардан кўпинча ёнғин чиқиб, инсон учун қимматли бўлган ўсимликларгина эмас, балки ҳайвонлар ҳам нобуд бўлиши ҳақидаги фикрлар мужассам. Ўқувчиларга саёҳатлар чоғида уларни диққат билан кузатиб бориш, фотосуратини олиш ва шу асосда матн тузиш, таассурот ёки эсселар ёзиш вазифасини бериш мумкин.

Демак, лингвистик кўникмаларни шакллантириш ҳарфларни тўғри талаффуз этиш ва ёзиш, сўзларни тўғри ўқиш ва ёзиш; гап оҳангига риоя қилган ҳолда равон ва образли ўқиш; гапдаги тиниш белгиларининг талаффузда акс этиши ва ёзилиши; фикр баён қилиш учун зарур бўлган айрим грамматик воситаларни ўз ўрнида қўллай олиш, халқ оғзаки ижоди ҳамда болалар адабиёти намуналаридан олинган парчаларни ўқиб тушуна олиш каби талабларни ўз ичига олади.

⁹³ Mahmudov N. va boshq. Ona tili. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Maʼnaviyat, 2017. – 138 -b.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Ахборотлашган таълим шароитида ўқувчиларга маълум билимлар тизимини етказиш ёки уларни эслаб қолишнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Шу боис уларда она тилини бошқа тиллар билан қиёслаб ўрганишга мотивация уйғотиш, маданиятлараро мулоқотга тайёрлашга долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Тил таълимида интеграция ана шундай талабни рўёбга чиқаришга қаратилган ёндашув сифатида она тили дарсларида инглиз тили материалларини ўзаро боғлиқ ҳолда ўргатишни кўзда тутди.

2. Интегротив ёндашув табақалаштирилган билимлар орасидаги номаълум жиҳатларни тўлдириши, улар ўртасида алоқалар ўрнатиши, таълимдаги тор ихтисослаштиришни янгилашга йўналтириши, классик ўқув предметлари ўрнини эгаллаш баробарида олинаётган билимларни яхлит бир тизимга жамлаши ҳам керак. Муаммонинг қийин томони интеграциянинг таълимни бошидан охиригача динамик ривожлантиришдадир. Агар бошида “ҳамма нарса тўғрисида озгина билиш” муҳим саналса, кейинчалик тарқоқ билим ва кўникмаларни бирлаштириш муҳим саналади.

3. Интегротив таълим оддийдан мураккабга, билмасликдан билишга, тартибсизликдан уйғунликка, моҳирликка ва ижодкорликка бўлган ҳаракатни таклиф қилади. Шу орқали бола дунё яралишининг “ғиштча”лари билан танишади, оламнинг бошланишига, инсоннинг пайдо бўлишига мурожаат қилади. Сўзлар ва сонлар, яшил барглар, қадимий афсоналар сирларини очишга интилади.

4. Интеграция ижодийлик, зукколик, хотирани мустаҳкамлаш, изланиш ва тасаввур ҳосил қилиш негизи демакдир. Шу боис она тили ва инглиз тили материалларини интеграциялаб ўқитиш учун модулли дарс ғоясидаги ёндашувлар таққослашга, ижодий кашфиёт қилишга ўргатади. Тасаввур ҳосил қилиш натижасида ижодкорлик руҳи пайдо бўлади, ижодкорлик эса тафаккур ривожига туртки беради.

5. Ўқув фанини ўрганишдан мақсад ўқувчини фандаги объектив янгиликлар билан таништириш эмас, балки субъектив янгиликка эга бўлган

билимларни шакллантиришдан иборат. Шу боис ўқув фанлари интеграцияси илм-фандаги шу жараёнлардан фарқ қилади. Бу маънода интеграцияга фанларнинг фарқланиши туфайли тарихан таркиб топган ўқув фанларига бўлиб ўқитиш тизими камчиликларини тuzатиш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш шакли сифатида қаралиши мумкин.

**II БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ
5–9-СИНФЛАРИДА ТИЛ ТАЪЛИМИГА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ
АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК КЎНИКМАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

2.1.§. Тил таълимига интегратив ёндашув асосида 5–9-синф ўқувчиларининг лингвистик кўникмаларини шакллантириш жараёнини лойиҳалаштириш

Мактаб ўқувчиларининг тилшунослик фани билан танишуви босқичи бошланғич синфлар саводхонлик дарсларида товушлар ва ҳарфлар, ўқиш ва ёзишни ўрганиш ҳамда бешинчи синфда она тили ва чет тилларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Булар тиллараро интеграцияни кўллаш методикасини яратишда асос бўлган иккита бошланғич нуқта ҳисобланади. Шунингдек, лингвистик таълимдаги бурилиш нуқталари (айниқса, чет тилни ўрганиш бошланишида) сифатида ўқувчиларда зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришни ҳам назарда тутаяди. Аммо улар ҳали кучга эга эмас: ўқувчиларда лингвистик шакллари бирлаштириш, уларни ўзгартириш механизмлари ҳамда нутқи кам даражада ривожланганлиги бунга сабаб бўлади.

Тил қурилишининг табиати, лисоний бирликларнинг моҳиятига оид масалалар муҳокамасига бағишланган монографияда “тил тизими турли даражадаги муайян мураккабликка эга бўлган бирликлар ва улардан фойдаланиш қоидалари йиғиндисидир. Тил тизимига турли қолиплар ва чизмалар хос бўлиб, улар асосида турли мураккаб бирликлар, сўз бирикмалари ва жумлалар ясалади,”⁹⁴ деб таъриф берилади.

“Лингвистик компетенция ҳақидаги билимлар мажмуини тил бирликлари ва бундай бирликлардан фойдаланиш қобилияти одамлар ўз фикрларини ифодалаш ва бошқаларнинг фикрларини тушунишлари учун фойдаланишларини англатади”⁹⁵.

⁹⁴ Бушуй Т.А., Сафаров Ш.С. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси илмий-нашр. – Тошкент: Фан, 2007. –42-б.

⁹⁵ Щукин А.Н. Компетенция или компетентность. Взгляд методиста на актуальную проблему

Лингвистик компетенция “ўқувчининг тил бўлимлари бўйича олган билимлари, уларни амалиёт билан боғлаш кўникмаси ва нутқ ҳосил қилиш малакаси”⁹⁶.

Кўринадики, ҳар бир таърифда ўзига хос қарашлар ўз ифодасини топган бўлиб, уларда масаланинг мазмун-моҳияти бўйича маълум муштаракликлар мавжуд.

Умумий ўрта таълимнинг она тили фанидан давлат таълим стандартида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантириш А2 даражасида малака талаблари белгиланган⁹⁷ бўлиб, булар қуйидагилардан иборат (1.1-жадвалга қаранг):

1.1-жадвал

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантириш А 2 даражаси малака талаблари

5-синф	talaffuz va imlo me'yorlari, nutq tovushlarining ma'no farqlash vazifasini izohlay oladi. Yangi so'z va iboralarni o'zlashtiradi. Gapda so'zlarning bog'lanishi, so'z birikmasi, gapning ifoda maqsadiga ko'ra turlari, gap bo'laklari, undalma, kirish so'z, sodda va qo'shma gaplar, ko'chirma gaplar va dialoglarni farqlaydi, izohlay oladi; so'zlarni fonetik tahlil qila oladi; matndagi so'zlar ma'nosini izohlaydi va leksik, morfologik tahlil qila oladi. O'rganilgan ifoda vositalarini og'zaki va yozma nutqda to'g'ri qo'llaydi.
6-синф	so'z tarkibi va so'z yasalishini farqlay oladi; mustaqil so'z turkumlari (fe'l, ot, sifat, son, ravish)ni izohlay oladi; mavzu doirasida fonetik va leksik, morfologik tahlil qila oladi, o'rganilgan ifoda vositalaridan nutqda o'rinli foydalana oladi.
7-синф	olmosh so'z turkumi, so'zlarning yordamchi so'z turkumlari, undov, taqlid so'zlarni izohlay oladi, gaplarning ifoda qurilishida foydalana oladi.
8-синф	gapning uyushiq, ajratilgan bo'laklari va kiritmalarni biladi; yangi so'z, ibora va istilohlarni o'zlashtiradi, izohlay oladi, sodda gapni sintaktik tahlil qila oladi.
9-синф	matnning maqsadi haqida biladi, ergash gapli qo'shma gap, bog'lovchisiz qo'shma gap, ko'chirma gapli qo'shma gaplarni izohlay oladi. Nutqda o'rinli foydalana oladi.

Кейинги пайтларда она тили таълимида ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларини шакллантиришга доир тадқиқотлар амалга оширилаётган бўлса ҳам, уларда қўйилган масаланинг туб моҳияти илмий-назарий

лингводидактики № 5/2008 Русский язык за рубежом -17 с.

⁹⁶ Султонова Қ. Методистлар тавсияси // Umumta'lim fanlari metodikasi. – Тошкент, 2014. – № 11. – Б. 7.

⁹⁷ Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Ona tili Adabiyot. (5–9-sinf) // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. – Toshkent: 2017-yil 14 (774)-son, 230-modda. –B.– 30-, 39-, 45-, 52-, 58.

жихатдан чуқур очиб берилмаётганлиги кузатилади. Хусусан, М.Кенжаеванинг тадқиқот ишида лингвистик компетенцияларни шакллантириш масаласи “тил қоидаларини ўзлаштириш, она тили воситалари орқали ўзининг ёки бошқалар фикрини ифодалаш мақсадида улардан фойдаланишни ўрганиб олиш, шунингдек, у ёки бу ёзма матнни мустақил тузишда турли таянч тушунчалардан фойдаланиш кўникмасини ўзлаштириш”⁹⁸дан иборатлиги амалий жихатдан етарли даражада ёритилган бўлса-да, муаммога доир назарий ёндашувлар ўзининг тўлиқ ифодасини топмаганлиги аёнлашади.

О. Қурбонованинг диссертацион тадқиқоти 10–11-синф ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга бағишланган бўлса-да, ишда, асосан, 5–6-синф ўқувчилари ёш хусусиятлари даражасидаги топшириқлардан фойдаланилганлик кўзга ташланади. Жумладан, “Ажратиб кўрсатилган сўзларга маънодошлар топиб ёзинг”, “Пандномалар мазмунига мос мақоллар айтинг”⁹⁹ каби топшириқлар “ностандарт топшириқлар” деб номланса ҳам, аслида бу каби ёндашувлар она тили таълимида янгилик эмаслигини қайд этиш ўринлидир. Зеро, келтирилган мазмундаги топшириқлар ўқувчиларни кўпроқ фикрлашга ундайди. Шу ўринда бу ёшдаги ўқувчиларга масалага атрофлича ёндашишга мажбур қиладиган, илмий мушоҳадага йўллайдиган, фикрлаш тарзига таъсир кўрсатадиган ноанъанавий машқларни тавсия қилиш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, амалга оширилаётган илмий изланишларда тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб қўйилган муаммолар назарий жихатдан чуқур, кенг қўламли ва объектив шаклда белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, лингвистик кўникмалар матнни ўқиш, ажратилган қисмларини таҳлилга тортиш, гап бўлақларининг ифодаланиши, унинг

⁹⁸ Кенжаева М.А. 5–6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш методикаси: пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD). дисс. – Тошкент: 2021. – 40 б.

⁹⁹ Қурбонова О.Б. 10–11-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш: пед. фан. бўй. фалс. док. дисс. (PhD) автореф. – Тошкент, 2021. – 14-б.

турларини аниқлаш асосида ўқувчиларнинг тил сатҳлари бўйича эгаллаган билимларини тушуниш, умумлаштириш, тизимлаштириш, хулосалаш тарзида амалга ошира олиш қобилиятидир. Бинобарин, кўникма тушунчасига берилган таърифда ҳам айнан “инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилияти, амалий фаолиятга, билимларни амалда қўллай билишга оид фаолиятнинг таркибий қисми, фаолиятнинг мақсади ва шароитларига мутаносиб равишда ҳаракатни муваффақиятли бажариш ҳамда ҳамиша билимларга асосланиши, маҳорат (малака)нинг негизи ҳисобланиши”¹⁰⁰ қайд этилиши бежиз эмас.

Юқоридагилардан кўринадики, лингвистик кўникмаларни шакллантиришга доир малака талаблари негизида тил ҳодисаларини интеграциялаб ўргатиш эҳтиёжи мавжуд.

Тил ўқитиш методикасидаги мавжуд тажрибалар ва ўрганилган материалларнинг озлиги тиллараро боғланишлардан тўлиқ фойдаланишга имкон бермайди. Шунинг учун мослаштириш усулидан фойдаланган ҳолда ишни қуйидагича ташкил қилиши мақсадга мувофиқ:

1. Ўқувчилар ёшига мос, тушунарли ва долзарб, тил муаммоларини ҳал қилишда ёрдам берадиган мисоллар асосида қуриш. Масалан, урғусиз унлиларни текшириш учун сўзни синонимлари билан ўрганишга жалб қилиш: *garage* – *гараж*, *herbarium* – *гербарий* ва ҳ.к.;

2. Ўқувчиларни қизиқтириш, ўрганилаётган мавзудан қатъи назар, ўзларида мавжуд бўлган барча билимлардан фойдаланиш зарурлигига ишонч ҳосил қилиш.

Тилларни психологик нуқтаи назардан ўрганишни бошлаш босқичи она тилини инглиз тилидан олинган материаллар билан бирлаштириш учун энг мақбулидир: бу вақтда ўзга тилларни ўрганиш зарурати рағбатлантирилади, қизиқиш янги билим ва ўз қобилиятларига бўлган ишончни пайдо қилади. Ўқитувчининг вазифаси инглиз тилига оид билимларни уйғотиш вақтини ушлаб туриш, дарсларда лингвистик элементларидан фойдаланиш

¹⁰⁰ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. К ҳарфи. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – 864-б. www.ziyouz.com кутубхонаси.

имкониятини бой бермаслик саналади. Аксинча бўлса, ўқувчилар бундай лингвистик тажрибалардан совиб кетишлари мумкин. “Маълумки, бошланғич мактаб ёшида она тили фанидан билим, кўникма малакаларнинг пойдевори қўйилади. Бу ёшда ўқувчиларда лингвистик инстинктнинг луғат, фонетика, сўз ясалиши ва грамматикадаги кўринишлари мавжуд”¹⁰¹, деб ёзган эди бу ҳақда Т.М.Колесникова. Ўқувчилар билими ва нутқ моделлари тўпламининг етишмаслиги туфайли турли тиллардаги материалларни боғлашнинг ҳақиқий афзалликларини англай олмаслик эҳтимоли мавжуд. Тилда интегратив ёндашувдан фойдаланишни бошлаш учун ягона тўғри дақиқани топиш ўқитувчи учун асосий қийинчилик бўлади. Бу вазифани ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда бажариш осонроқ бўлади. Уларга индивидуал ишлашнинг ҳар хил турлари (хариталар, тестлар) сезиларли даражада ёрдам беради: она тили дарсларида интеграциянинг максимал даражада фойда келтирадиган жиҳатларини аниқлайдилар. Она тилини инглиз тили материаллари билан уйғунликда ўрганишни ташкил этиш учун, аввало, қайси мавзулар интеграциялаш учун мос келишини аниқлаб олиш керак. Уларнинг асоси турли мавзулар мазмунининг яқинлиги ва мантиқий алоқаларида кўринади. Интеграцияланган тил таълими қуйидаги бир бутунликни тақозо этади:

а) мавзу танлаш; б) матн устида ишлаш; в) кўникма ва малакаларни такомиллаштириш. Шу боис ҳам она тили ва инглиз тили материаллари интеграциялашган дарсларга қуйидаги мавзуларнинг мувофиқлигини кўрсатиш мумкин: масалан, 5-синф инглиз тили дарслигида грамматик маълумотлар бўлимида берилган “Сифат (adjective), Сон (numerals), Олмош (pronoun)” мавзуларини, 5-синф она тили дарслигида такрорлаш бўлимида берилган “Сифат сўз туркумини такрорлаш”, “Сон ва олмош сўз туркумларини такрорлаш” мавзулари мувофиқлигини кўриш мумкин. 7-

¹⁰¹ Колесникова Т. М. Опора на языковое чутье при обучении русскому языку в начальных классах. Автореф дис. канд. пед. наук. – Москва. 1999. 9 с.

синф инглиз тили дарслигида грамматик маълумотлар бўлимида берилган “Отларнинг қаратқич келишиги” (possessive case) мавзусини, 7-синф она тили дарслигида берилган “Сўзларнинг муносабат шакллари” бўлимидаги “Қаратқич келишиги шакли” мавзуси билан мувофиқлигини кўриш мумкин. 8-синф инглиз тили дарслигида берилган Unit 4 “Literature and Life (адабиёт ва ҳаёт)” бўлимидаги “How important is literature” (адабиёт қанчалик муҳим). “First in Literature” (адабиётда биринчи), “Why do we read?” (биз нима учун ўқиймиз) мавзулари билан 8-синф она тили дарслигидаги ҳар бир бўлимда берилган “Матн ва луғатлар билан ишлаш”, “Мумтоз матн ва луғатлар билан ишлаш” мавзуларини мувофиқлигини кўриш мумкин. 9-синф инглиз тили дарслигининг грамматик маълумотлар бўлимида берилган “Пайт эргаш гапли кўшма гап”, “Шарт эргаш гаплар” мавзулари билан 9-синф она тили дарслигида 25-дарсда берилган “Шарт майли воситасида эргашган кўшма гаплар” мавзуларининг мувофиқлигини кўриш мумкин.

Дидактик тизимда предметлараро асосда интеграциялаш ўқитувчи (таълим бериш) ва ўқувчи (таълим олиш) ҳаракатларининг мос келишини кўзда тутди. Иккала фаолият мақсад, сабаб, мазмун, восита, натижа ва назорат жиҳатидан умумий тузилишга эга бўлса ҳам, бироқ ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмунида фарқ бор. Ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини она тилидаги ҳамда инглиз тили атамалари асосида шакллантиришда топишмоқлардан фойдаланиш, мақолларни изоҳлаш, улар асосида матнлар яратиш, диалогларга айлантириш каби иш турлари ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришга имкон яратади.

Ўқувчиларга инглиз тилини ўргатишда интерфаол усуллардан фойдаланиш масаласи илгари сурилган Г.Самибоевнинг изланишларида “Муаммоли вазият ечими” (“Creative Problem Solving”), “Қувнок топишмоқлар” (“Merry Riddles”), “Чигил ёзди” (Warm up exercises), “Хотирани мустаҳкамлаш” (Memory game), “Мимика” (Miming), “Маслаҳат занжири” (“Suggestion chain”), “Огоҳлантириш, билдириш ибораларига оид ўйин” (“Notices and warbibg practices”), “Мантиқни кучайтириш”

(“Exaggerate”), “Гапни кенгайтириб айтиш” (“Expand the sentences”), “Синоним сўзларни топиш” (“Finding synonyms”) каби ўйинларнинг ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишдаги аҳамияти баён этилади. Масалан:

1. What is white when is dirty and black when it is clean? (a blackboard)
2. What has two arms and four legs (an armchair)
3. What man wears the biggest hat? (the one with the biggest head)
4. What islands are good to eat? (The Sandwich Islands)¹⁰².

Бундай ўйинлардан она тилини инглиз тили билан интеграциялаш жараёнида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Юқорида келтирилган “Қувноқ топишмоқлар” ўйини нотаниш сўзларни ўрганиш орқали топишмоқ жавобини топишга йўналтириши, шунингдек, топишмоқларни ҳазил тарзида тўқиш нуқтаи назаридан ҳам қизиқарлидир. Масалан, 7-синф она тили дарслигида берилган “Ўзлик олмоши” мавзусидаги 59-машқни мисол қиладиган бўлсак, машқнинг шарти қуйидагича: “Таркибида ўзлик олмоши қўлланган топишмоқларга мисоллар айтинг”.

Намуна: Ўзи пишиқ,

Бурни қийшиқ (нўхат).

Она тили ва инглиз материалларининг уйғун томонларини аниқлаштиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ундан дарснинг мустаҳкамлаш босқичида фойдаланиш ўринлидир. Жумладан, мақоллардан фойдаланишнинг боиси шуки, у халқ донишмандлигининг лўнда ва ихчам ифодасидир. Улар ўқувчиларни мантиқий фикрлашга, қиссадан ҳисса чиқаришга, ўз мақсадини баён этишга ундайди. Мақоллар ҳар иккала тилнинг энг гўзал, бой, нозик бадий хусусиятларини билиб олишда ва сўз бойлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

О.Фозиловнинг инглиз тилини ўқитишда халқ паремаларининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ёритилган илмий изланиши шу масалага бағишланган. Тадқиқотчининг фикрича, “ҳар бир мақол ҳам маъно, ҳам

¹⁰² Samiboyeva G. O'quvchilarga ingliz tilini o'rgatishda intefoal usullardan foydalanish // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2016. – № 7. – В. 17-19.

шакл, ҳам стилистик функцияси жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларда қандайдир умумийлик бор. Масалан, ўзбек халқида “Бир кун туз тотган жойга қирқ кун салом бер” мақоли кўп қўлланилади. Бу мақол орқали инсон яхшилик кўрган ерни, одамларни асло унутмаслиги, унга сира ҳам ёмонликни раво кўрмай, уни ҳамиша ҳурмат қилиш кераклиги уқтирилади. Ушбу мақолнинг инглиз тилидаги муқобили “Don’t look a gift horse in the mouth” мақолига мос келади”¹⁰³.

Ўзбек тилидаги мақолларни ва инглизча муқобилларини ўрганишда куйидагича график органайзердан (жадвал)дан фойдаланиш ҳар икки халққа хос урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзи, эътиқоди, ўзаро муносабатлар, тафаккур тарзи, ички оламини қийслаш ва хулоса чиқаришга шарт-шароит яратади (1.2-жадвалга қаранг):

1.2-жадвал

Ўзбек ва инглиз тиллари луғатидаги мақолларнинг боғлиқлик талқини

Ўзбек халқ мақоли	Инглиз халқ мақоли
Ҳар ким экканини ўрар	As you sow, so shall you reap
Сутдан оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичар	A burnt child dreads the fire
Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма	An open door may tempt a saint
Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан	Urses, like chichkens, come home to roost
Қозонга яқинлашсанг қораси, ёмонга яқинлашсанг балоси юқар	He that touches pitch shall be defiled
Пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга	Do as you would be done by

Ўқувчиларга мақолни шарҳлатиб қолмасдан, балки унга мос ҳикоят, ривоятлар айттириш, мазмунига мос расм чиздириш асосида фанлараро интеграция амалга ошади. Мақол киши эсида қолувчи, ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга ундайдиган жанрдир. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланиш, маъносини изоҳлатиш кабилар фойдадан холи эмас. Бунда

¹⁰³ Fozilov O., Murodov Sh. Chet tili o'qitishda xalq paremalarining ta'limiy va tarbiyaviy ahamiyati // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2020. – № 11. – B. 37.

синф ўқувчиларига мақоллар бўлиб берилади. Дарсинг бу қисмига “Мақол – чақилмаган ёнғок” деб сарлавҳа қўйилади. Ўқувчилардан ўзига тегишли мақоллар маъносини айтиб беришлари сўралади. Берилган мақоллар таркибида, албатта, турли атамалар мавжуд бўлиб, аввало, ўша атаманинг маъноси изоҳланади, сўнгра мақол шарҳланади. Масалан, ўзбек халқидаги “Туруч курмаксиз бўлмас” ёки “Одамнинг оласи ичида” каби мақоллар инсонлардаги айрим камчиликларга ишора қилади. Инглиз тилида бундай мазмундаги мақоллар “*Everyone-s faults are not written in ther foreheads*”, “*There is no garden without its weeds*” тарзида келиши шарҳланади.

Она тили дарсларида интеграциялаб ўрганишда иборалар, фразеологизмлар таҳлилида ҳам юқоридаги каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги Ш.Болтаева, М.Гулямова, А.Носиров, Б.Мустафоевларнинг тадқиқот ишларида алоҳида таъкидланган. Хусусан, М.Гулямованинг иборанинг бир кўриниши саналган идиомаларни ўрганиш муаммосига доир мақоласида келтирилишича, “Идиомаларнинг тасвирий маъноси унинг сўзма-сўз, асосий маъносидан ажралиб туради. Унинг таркибидаги сўзларни ҳоким ва тобе бўлакка ажратиб бўлмайди... Инглиз тилидаги бир қатор идиомаларнинг маъноси таркибидаги сўзлар мазмунидан англашилмайди. Масалан: “to be between two fires” (икки ўт орасида қолмоқ) идиомасини таржима қилиш осон, чунки бундай ибора ўзбек тилида ҳам учрайди. Уни айнан таржима қилиш орқали маъносини англаймиз. Лекин “to be all ears” (эҳтиёт бўлмоқ), “to chop and change” (иккиланмоқ), “to die game” (қаҳрамонларча ҳалок бўлмоқ) каби идиомаларнинг маъносини фақат ёдлаш билангина ўз ўрнида тўғри қўллай оламиз. Бошқача айтганда, агар идиомани тўғридан-тўғри таржима қиладиган бўлсак, бутунлай хатоликка йўл қўйишимиз мумкин. Натижада ўша айтилган гапнинг маъноси бутунлай ўзгаради ва у англатмоқчи бўлган ўз маъносини бутулай йўқотади”¹⁰⁴. (1.3-жадвалга қаранг).

¹⁰⁴ Gulyamova M. O‘zbek va ingliz tillarida idiomalrani taqqoslab o‘rganish // Til va adabiyot ta’limi. – Toshkent, 2015. – № 8. – В. 47.

Идиомаларни боғлаб ўрганиш жадвали

Инглиз тилидаги идиомалар	Ўзбек тилидаги фразеологик иборалар
to get out of bed on the wrong side	ўрnidан чап ёни билан турмоқ
on the tip of one's tongue	тилининг учида
to turn the conversation	гапни бошқа ёққа бурмоқ
to turn one's brain	бирор кишининг бошини айлантормоқ

Она тили дарсларини интеграциялаб ўқитишда эстетик йўналишдаги тасвирий санъат фани мавзуларига мурожаат қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бундай интеграциялашган дарслар натижасида ўқувчилар диққати муаллифларнинг таржимаи ҳоли, санъат асарларининг яратилиш тарихи билан танишиш, сюжет элементлари, образлар ёки муайян воқеликни муҳокама қилишга қаратилади. Асар билан танишиш баробарида болалар картинани ҳаётда кўрганлари билан таққослайдилар, бу эса уларда мантикий фикрлашни шакллантиришга хизмат қилади. Тасвирий санъат намуналаридан фойдаланиш ўқувчиларда кўтаринки кайфиятни юзага келтиради, нутқини бойитишга ёрдам беради, мустақил равишда ижодий ёндашувига имконият яратади.

Она тили дарсларида ёзма топшириқларни бажаришдан аввал ўқитувчи ўқувчиларга уйларида мактабгача бўлган йўлни дафтарларига чизиш, ҳар бир бурилиш, чорраҳалар ўрнини аниқ кўрсатишни таклиф қилиши мумкин. Бу хилдаги машқ, энг аввало, ўқувчиларда хотирани мустаҳкамлайди, қизиқишини орттиради, бажариши керак бўлган вазифага тайёрлайди, энг асосийси, ёзиш техникасини мустаҳкамлашга тайёрлайди. Шу хилдаги топшириқларнинг турли шаклларини ўйлаб кўриш ва жорий этиш, асосан, ўқитувчининг ижодкорлигига боғлиқ. Дафтарга ўйлаб чизилган чизиқлар ўқувчининг ҳуснихати янада чиройли бўлиши қатори қўл ҳаракатининг ривожланишини таъминлайди.

Интеграциялашган дарсларни ташкил этиш нисбатан мураккаб, сабаби уларда ҳажм ва вазифалар кўлами ҳам катта. У ўқитувчидан ижодий меҳнатни талаб этади.

6-синф она тили китобидаги қуйидаги “Ҳимоячи жигар” матни орқали ўқитувчи ўқувчини дарс жараёнида ўзга фан ичра саёҳатга чорлайди:

“Одам танасини улкан заводга ўхшатиш мумкин. Овқатланганимизда, юрганимизда, ўйлаганимизда, ҳатто ухлаётганимизда ҳам танамиздаги миллиардлаб ҳужайралар тинимсиз ишлаб туради. Бу “завод”нинг энг катта ва энг меҳнаткаш ишчиси нималигини биласизми? Бу – жигар. У инсондаги энг катта ички орган бўлиб, оғирлиги 1,5 кг келади. У бир вақтнинг ўзида 500 дан ортиқ вазифани бажаради. Шифокорлар бежиз жигарни одам организмнинг фильтри деб аташмайди. Чунки жигар ичимизга кириб қолган турли зарарли моддалардан бизни ҳимоялаш учун тинмай ҳаракат қилади”. (“Жажжи академик”) журналидан .

1. Нима учун инсон танасини улкан “завод”га ўхшатамиз?
2. Жигарнинг кўриниши, тузилиши ҳақида нималарни билиб олдингиз?
3. Қон айланиш тизимининг яхши ишлашида жигарнинг ўрни қандай?
4. Матн таркибида қўлланган қўштирноқларга эътибор беринг, уларнинг қўлланиш сабабларини тушунтиринг.¹⁰⁵

Ўқувчи ушбу саволларга жавоб излар экан, у ўз диққатини биологик терминларга қаратади. Мана шу ҳолатнинг ўзидан кўриниб турибдики, она тили фанини ўрганишда барча фанлар мужассамлигини кўришимиз мумкин. Бундай дарсларни тез-тез ўтказиш ҳам нотўғри, чунки улар ўзининг янгилиги, қизиқарлилигини йўқотади. Шунингдек, дастурдаги барча мавзулар ва бўлимларни интеграциялаш ҳам мумкин эмас.

Тадқиқотимиз давомида 5–9-синфлар она тили ва инглиз тили фанларининг ўқув дастурлари¹⁰⁶ ўрганилиб, таҳлил қилинди. Дастурдаги

¹⁰⁵ Azimova I, Mavlonova K va b. Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Yangi nashr, –Toshkent: Respublika ta’lim markazi, 2022 – 61-b.

¹⁰⁶ Umumiy o‘rta ta’limning davlat ta’lim standarti va o‘quv dasturi. Ona tili Adabiyot. (5–9-sinf) // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. – Toshkent: 2017-yil 14 (774)-son, 230-modda. Узлуксиз таълим

мазмунан ва моҳиятан ўзаро яқин бўлган мавзуларни аниқлаш ва интеграциялаб ўқитиш асосида ўқувчиларнинг нотаниш матнлар орқали теварак-атрофдаги ҳар бир нарса-предмет, воқеа-ҳодиса ва ўзгаришларни англаш ва янги тушунчаларни ўзлаштириш кўникмаларини ривожлантириш масаласи назарда тутилди. Бундан ташқари, матнга сарлавҳа топиш, режа тузиш, қаҳрамонларга исм қўйиш, бошланиши берилган матнни давом эттириш каби топшириқларни бериш орқали мантиқий фикрлашга йўналтириш мақсади ҳам мужассамлигини таъкидлаш мумкин.

Кўрсатилган мазмундаги дарсларни ташкил этиш давомида ўқувчилар фалсафадаги мантиқ қонунларига амал қиладилар, умумийлик ва хусусийликни аниқлайдилар. Бутун ичидан бўлакни ажратишни ёки қисмларни бутунга айлантириш йўл-йўриқларини мустақил ҳолда бажарадилар. Буларнинг барчаси тил таълимидан олинган назарий билимларни амалиётда синаш ва мустаҳкамлаш омили бўлиб ҳисобланади. Интеграциялашган дарсларни ташкил қилиш жараёнида ҳамма тенг ишлайди, фикрлайди, излайди, аниқлайди, топади, натижада тафаккур ва нутқ ривожланади.

Ўрганилган барча грамматик бирликлар она тилида ўз мамлакатини тавсифлаш, ўқиш ва тинглаш пайтида ижтимоий-маданий муаммоларни англаш кўникмаларини ўз ичига олади. Интеграл даврийликни амалга ошириш юқори даражадаги маҳорат ва касбий сифатларни тақозо этади. Интеграциялашган дарсларни режалаштиришнинг муҳим омилларидан бири бу уни амалга ошириш учун материал танлашдир. Дарс материаллари нафақат ўқувчилар ёшига мос келиши ёки уларнинг қизиқишларини қондириши, балки тарбиявий таъсир кўрсатиши ҳам зарур.

Шунга кўра, таълимда мультимедиа воситаларининг ўрни жуда муҳим. Чунки у презентациялар, аудиоматериаллар ва видеофайлларни намойиш этиш учун ишлатилади. Машғулотларни самарали ташкил этишдан олдин

мактабда фанлараро интеграцияни қўллаш тўғрисида изчил дарс схемасини яратиб олиш лозим. Шунинг билан таъкидлаш керакки, кўплаб психологик, педагогик ва услубий омиллар элементлари ҳаракат ривожланишининг мантиғидир.

Дидактик ўйинлар талаффузда равонликка эришишга имкон беради. Товуш ва ҳарфни ўргатишга қаратилган ўйинлардан фойдаланган ҳолатда биринчи ва иккинчи гуруҳ товушларини ўрганиш, шунингдек, машқ қилиш учун ишлатилиши мумкин учинчи гуруҳ товушларини ҳам ёдлаб олиш зарур. Бундай ҳолатда ўқитувчи тасвирлардан фойдаланиши мумкин. Хаёлий ҳайвонларни сунъий сўзлар деб атаб, ўқувчиларга улар қандай товуш чиқаришлари ҳақидаги савол берилади. Ушбу ўйинда болалар хаёлга тақлид қилишади, ҳайвонлар ҳаракатининг мотиви – бу товушнинг талаффузи.

Бундан ташқари, фонетик воситалар устида ишлашга оид материал ўрганилган кўшиқлар, жисмоний машқларда мавжуд. Талаффуз ва интонациянинг шаклланиши дастлабки босқичдаги кўникмалар интеграцияси орқали амалга ошириладиган фонетик машқларга қуйидагилар киради:

1. *Ўйин ҳаракатлари билан.* Масалан, “Овоз қаерда яширин?” ўйини (“Where is the voice hidden?”).

Жейннинг кўғирчоғи унга ёқадиган товушларни чиқаради. Айтинг-чи, сарлавҳалардаги товушларда қандай маҳсулотлар номи яширинган?

Jeyn: [p] potato, apple

PP: kartoshka, olma.

Jeyn: [Sh va S]

PP: shirinliklar, sendvich, salat.

sweets, sandwich, salad.

2. *Муסיқа билан.* Бу муайян товушларни, нутқ услублари ва кўшиқларни ўрганишдир.

3. *Театрлаштириш ва драматизация билан,* яъни содда сахналаштириш билан тушунтириш.

4. *Ўқиш / ўрганиш қофиялари билан.*

They call the Little Sleepy Head.

I yawn at work, I yawn at play!
I yawn and yawn and yawn all day.
Then take my sleepy yawns to bed.
That's why they call me Sleepy Head.

5. *Рол ўйнаш ўйинлари билан.* Масалан, “Чет эллик киши ўзбек тилида гаплашади”. Инглизча акцент.

Болалар учун қийин бўлган товушлар талаффузи учун махсус машқлар мавжуд. Ўйинда индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишланади. Одатда, бундай ўйинларда умумий қабул қилинган тахминий принципларга риоя қилинади.

Фонетик-интонацион минимумни чеклашда сўз бойлиги фаол ва суствозда эшитиш орқали тушунилади, идрок қилинади. Ўқувчилар аста-секин исмга бошқа қисмларни қўшиш вазифасини бажартириш орқали мулоқотга ўргатилади. Бунда қуйидагилар тавсия этилади:

- а) исм
- б) феъл – тўлдирувчи – исм
- в) от – феъл – тўлдирувчи – сифат
- г) олмош (ёки исм) – феъл – исм – сифат

Масалан:

A ball.- Копток.

The ball is red.- Копток қизил.

I see a red ball.- Мен қизил коптокни кўряпман.

Лингвистик билимлар тил бирликлари, хусусан, сўз, морфема, сўз бирикмаси ва гапга муносабатни параллел шакллантириш орқали ўзлаштирилади. Сўзга лингвистик муносабат товуш-ҳарф томонидан таҳлил қилиниб, улар ўртасидаги боғланишни аниқлаш; морфемик таҳлил қилиш, лексик маъно беришда морфеманинг ўрнини тушуниш; грамматик таҳлил қилиш ва унинг муайян сўз туркумига хослиги билан ўзаро боғлиқлигини англаш кўникмасини шакллантириш орқали такомиллашиб боради. Масалан, 5-синф ўқувчилари гапдаги сўз бирикмаларини топа олсалар ҳам, уларнинг боғланиш муносабатини тушунишда маълум қийинчиликларга дуч

келишади. Улар сўз бирикмаларининг келишик, эгалик қўшимчалари, кўмакчилар ёки оҳанг ёрдамида боғланишини кўрсата оладилар. Бироқ бу элементар даражадаги тушуниш бўлиб, уни юқори синфларга ўтганда чуқурроқ (сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг боғланиш турлари, бош ва эргаш сўзнинг хусусиятларини) англаб етадилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг сўз, сўз бирикмаси ва гапга лингвистик муносабатини шакллантириш, хусусан, ўрганиладиган категорияни тушуниб олишига кўмаклашади.

Янги тушунчани илгари ўрганилган тушунчалар тизимига киритиш ўзлаштириш ва эгалланган билимни нутқ тажрибасига татбиқ этишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Тушунчалар орасида боғланишни амалга ошириш ўқувчиларнинг ўзбек тилидан эгаллайдиган билимлар тизимига ҳамда инглиз тилидан онгли фойдаланишига замин яратади. Тушунчалар орасидаги боғланишни билиб олиш амалий (грамматик, орфографик, нутқий) вазифаларни ҳал қилишда назарий билимларни кўпроқ татбиқ этишга имкон беради. Тушунчалар орасидаги боғланишни аниқламай, уларни билимлар тизимига киритмай туриб, ўқувчилар тилни чуқур ўзлаштира олмайдилар. Ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган асосий боғланиш йўллари куйидагилар:

1. *Сўзга бериладиган морфологик сўроқлар ва уларнинг грамматик белгилари* (ким?, нима? сўроғига жавоб бўлган сўз шахс ва нарсани билдиради → бирлик ва кўпликда қўлланади → эгалик қўшимчалари билан ўзгаради → келишиклар билан турланади; қандай?, қанақа? сўроғига жавоб бўлган сўз шахс ва нарсанинг белгисини билдиради → ўзгармайди; неча?, нечанчи? сўроғига жавоб бўлган сўз шахс ва нарсанинг сони ва тартибини билдиради → асосан, ўзгармайди; нима қилди? нима қиляпти?, нима қилади? сўроғига жавоб бўлган сўз предмет ҳаракатини билдиради → бўлишли ёки бўлишсиз шаклда қўлланади → шахс-сон қўшимчалари билан тусланади → ўтган, ҳозирги ва келаси замондан бирини кўрсатади).

2. *Сўз туркуми гап бўлаги вазифасини бажаради* (от гапда эга ёки иккинчи даражали бўлак, сифат – иккинчи даражали бўлак, сон – асосан,

иккинчи даражали бўлак, феъл – кесим вазифасида келади).

3. *Бош келишикдаги от* – эга, бошқа келишиклардаги отлар – иккинчи даражали бўлак саналади.

4. *Кишилик олмошлари феълларда шахсни ифодалайди* (агар феъл мен ёки биз олмошлари билан қўлланса, I шахс; сен ёки сиз олмошлари билан қўлланса, II шахсни ифодалайди).

5. *Ўзак ва ўзакдош сўзлар маъносидаги умумийлик* (ўзакнинг умумийлиги ўзакдош сўзларнинг маъносидаги ўхшашликка сабаб бўлади).

6. *Сўзнинг лексик маъноси ва унинг морфемик таркиби* (сўзнинг морфемик таркиби ўзгарса, кўпроқ унинг лексик маъноси ўзгаради: *гул* – *гулчи*, *гулдон*, *гулла* каби).

Айрим тил категорияларининг боғланиши моҳияти янги тил категориясини ўрганиш, шунингдек, бир ёки бир неча тил категорияси ўрганилгандан кейин ойдинлашади. Масалан, сўзнинг лексик маъноси ва унинг морфемик таркиби унинг маъноли қисмларини ўрганиш жараёнида муҳокама қилинади. Бинобарин, у ёки бу морфеманинг ролини бошқача йўл билан тушунтириб бўлмайди. Ўқитувчи сўз таркибини ўзгартиради ва шу билан боғлиқ ҳолда сўз маъносининг ўзгаришини кўрсатади. Айни шу ўзгариш сўзнинг қайси қисми (сўз ясовчи қўшимча) ҳисобига ҳосил бўлганини тушунтиради. Масалан, *иш* – *ишчи* – *ишла* – *ишчан*; *пахта* – *пахтакор* – *пахтазор*.

Феълларнинг шахс-сонда тусланиши кишилик олмошлари ўрганилгандан сўнг, феълда шахс кишилик олмошларининг уч шахсни кўрсатиши билан боғлаб ўрганилади. Мактабда грамматик материални ўрганиш амалий йўналишга эга. Бу ўқувчиларнинг нутқий ва ақлий ривожланишига хизмат қилиши баробарида маълум тил категорияси бошқасига тобелиги ва бир-бирини тақозо этишини тушунишни, амалий вазифаларни ҳал қилишни, яъни сўз бирикмаси ва гап тузиш ёки таҳлилга ўргатиши билан ҳам муҳимдир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг нутқий тажрбасига суянган ҳолда тил категорияларининг боғлиқлиги ҳақидаги билимларни

амалий жараёнга йўналтиради. Ўқув-билиш компонентлари ўртасидаги боғланишни аниқлаш билимни тажрибага, ёзма ва оғзаки нутққа татбиқ этиш имконини беради. (1-иловага қаранг)

Тушунчаларни кўргазмали ўрганиш. Тушунчани шакллантиришнинг турли босқичида кўргазмалиликдан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Тушунчага хос белгилар билан таништиришнинг бошланғич босқичида кўргазмалиликдан ўрганиладиган ҳодисанинг белгиларини нутқда аниқ кўрсатиш мақсадида фойдаланилади. Тил тушунчаларини шакллантиришда фойдаланиладиган кўргазмали воситаларнинг ўзига хос хусусияти ўрганиладиган объект (сўз, сўз бирикмаси, гап, гап бўлаги)нинг бошқаларга мос бўлишидадир. Бу борада тадқиқотчи А.Муртазаеванинг таъкидлашича, янги термин маъноси билан танишув икки усул – таржимасиз ва таржима воситасида бажарилади. Таржимасиз усулда ички ва ташқи кўргазмалиликдан фойдаланилади. Янги лексик бирлик маъносини эгаллаш чоғида қўлланиладиган методик усуллар қуйидаги омилларга боғлиқ:

а) терминнинг хусусияти; б) фаол ва кам қўлланиладиган терминга оидлиги; таълим босқичи ва ўқувчилар савияси; в) янги терминнинг тақдим этиладиган шакли (эшитиб ёки ўқиб идрок этиш); г) янги бирликни таништириш жойи (дарс, дарслик, луғат) кабилар.

Янги сўз таржимасиз усул билан ўргатилганда баён, расм, матн, аудиотасмада эшиттирилиб намоёниш қилинади ва тахминан қуйидагича топшириқлар берилади: “термин маъносини фаҳмлаб олинг; таржима қилинг; гапда қўлланг”¹⁰⁷.

Кўргазмали воситаларга жадвал, чизма, бирор предмет, унинг расми билан бир қаторда тил материалининг ўзи ҳам киради. Танланган матнлар, алоҳида сўз ва гапларда ўрганилаётган ҳодиса лўнда, нутқий вазифаси ва грамматик хусусияти аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Бу ички кўргазмалилик ўқувчиларга тушунча белгиларини мавҳумлаштириш, ўрганилаётган ҳодисани бирор томондан ўхшаши бўлган бошқа ҳодисалар

¹⁰⁷ Murtazayev A. Ingliz tilida texnikaga oid terminlarni o'rgatishning lingvovodiy asoslari // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2020. – № 5. – B. 31.

орасидан топиш имконини беради. Масалан, ўзакдош сўзларни ўрганишда таркибида бир неча ўзакдош сўз бўлган матндан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. *Мактабимиз ҳовлисида катта гулзор бор. Унга ҳар хил гул экилган. Гулларни гулсевар ўқувчилар парвариши қиладилар.*

2. *Раҳимнинг отаси заводда ишлайди. У илгор ишчи. Раҳимнинг ўзи – ишчан бола.*

Бу икки матндаги ўзакдош сўзларнинг муҳим белгилари (бир хил умумий қисмга эгаллиги ва маъноларидаги ўхшашлик)ни ҳисобга олган ҳолда, ўзакдош сўзлар юзасидан умумлаштириш имкони туғилади. Бундан ташқари, ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ўзакдош сўзни шу сўзларнинг бир шакли бўлган сўз (*гул, иш*) билан таққослаб, ўзакдош сўзлар билан сўз шакли ўртасидаги фарқ ҳақида элементар тушунчага эга бўладилар.

Тушунчанинг моҳиятини очишга қаратилган вазифаларнинг ўзи ўқувчиларни уларни бажаришга ундаши, мажбур этиши лозим. Бу билан тушунча кўргазмалилиги таъминланади. Масалан, гапнинг уюшиқ бўлаклари тушунчасининг моҳиятини очишда икки-уч гапдан битта гап тузиш вазифасини бериш мақсадга мувофиқ. Масалан:

Баҳорда биз қалдирғочларни қувониб кутиб оламиз. Баҳорда биз майналарни қувониб кутиб оламиз. Баҳорда биз чуғурчуқларни қувониб кутиб оламиз. – Баҳорда биз қалдирғочларни, майналарни, чуғурчуқларни қувониб кутиб оламиз.

Гаплар синтактик жиҳатдан таҳлил қилинади, ўқувчилар учала гапда такрорланган сўзларни айтадилар, бундай ҳолларда улар уч гап ўрнига битта гапдан фойдаланиш зарурлигини тушунадилар. Шундай қилиб, улар учта гапдан битта гап тузадилар, уни гап бўлакларига кўра таҳлил қиладилар, чизмасини тузадилар. Бу вазифаларни бажариш билан ўқувчилар тегишли хулоса чиқарадилар: бир кесимга бир неча иккинчи даражали бўлак боғланиши ва улар бир хил сўроққа (нималарни?) жавоб бўлиши мумкин; бир бўлакка қарашли ва бир хил сўроққа жавоб бўлган бундай сўзлар *гапнинг*

уюшиқ бұлақлари дейилишини тушуниб оладилар ёки бу ҳақдаги билимларини такрорлаб мустаҳкамлайдилар. Юқорида келтирилган мисолларда фойдаланилган кўргазмалилик ўрганилаётган тил ходисаларининг белгиларини ажратишга қаратилган, яъни кўргазмалиликдан тушунчани таърифлашдан олдин фойдаланилган.

Услубий ҳушёрликни ривожлантириш, иборалар ва жумлаларни тузиш йўллариини ўзлаштириш учун ўқувчиларга алоҳида топшириқлар бериш мақсадга мувофиқ. Таниқли рус тилшуноси А.М.Пешковский таъкидлашича, бешта тўлиқ сўздан иборат жумла (*Мен эртага тонгда юриш учун бораман*) 120 та алмаштиришга имкон беради. Она тилидаги сўзларнинг эркин тартибини ҳисобга олган ҳолда, гапнинг турли хил вариантларини яратишга ҳаракат қилинг.

Кечқурун дўстларим меникига келишади.

Гапларни интонация, маъно, мантиқий стресс нуқтаи назаридан таҳлил қилинг. Ушбу жумланинг инглиз тилидаги вариантыда бундай алмаштиришлар мумкинми? (Дўстим кечқурун меникига ташриф буюради) Биз қандай хулоса қилишимиз мумкин?

¹¹⁶ Muhammadiyev K. Ta`lim samaradorligini oshirishda fanlararo bog`lanishni tashkil etish //Ta`lim, Fan va Innovatsiya. – Тошкент, 2021. № 5 – В. 47-48.

Гапни таҳлил қилганда, кўпинча предикатни ажратиш қийин бўлади. Феъл билан ифодаланган кўшимчалар кўшма феъл предикати сифатида ажратилган бўлса-да, гуманитар фанлар чуқур ўрганиладиган баъзи мактабларда ўқитувчилар она тилини амалда олий таълим ўқув дастурларига мувофиқ ўқитишга ҳаракат қилишади. Бундай ҳолда, “*олиб келишни сўради*” жумласидаги “*олиб келинг*” сўзи кўшимча деб ҳисобланиши керак. Ушбу мисолни кўрсатиш ва исботлаш учун инглиз тили воситаларига мурожаат қилиш мумкин. Кейинги жумла:

У сув олиб келишни илтимос қилди. Бунда “*сув олиб келишни сўрамаган*” деб таржима қилинади. Аниқ айтилганки, “*олиб келишни сўраган*” – бу ўтмишдаги ноаниқ замон (сўраган) шаклидаги феъл ва унинг инфинитиви (олиб келиш), она тилида гапга кўшимча бўлиши мумкин. Шунингдек, тиллараро таққослашлар оддий икки қисмли гапларни ўрганишга бағишланган дарсларда, хусусан, 6-синфда “*Мавзу ва предикат ўртасидаги чизик*” мавзусида қўлланилиши мумкин. Мактаб ўқувчилари учун бу жуда мураккаб мавзу; улар кўпинча чизик кўйишни унутишади. Бироқ инглиз тилига таржима қилиш учун шунга ўхшаш жумлалар мавжуд (бу ўринда предикат бўлиши керак ва у ҳар доим феъл билан ифодаланади), шунда кўп хатолардан қочиш мумкин. (2-иловага қаранг)

Имло. Орфография дарсларида тиллараро боғланиш усулидан фойдаланишга доир билимлар етарли эмас. Ўқувчилар тил таълими жараёнида “*луғат сўзлари*” деб аталадиган жумлаларга дуч келишади, уларнинг имлосини имло луғатисиз текшириш мумкин эмас. Ушбу сўзларни келиб чиқиши бўйича учта гуруҳга ажратиш мумкин: тарихий, узоқ вақт давомида қўлланадиган олинма сўзлар (шунинг учун архаик сўзлар сифатида қабул қилинган) ва нисбатан янги олинма сўзлар.

Она тили луғатининг катта қатламини ташкил этадиган сўнги сўзлар гуруҳини мактабда ўқиган чет тили асосида текшириш мумкин. Ўқувчилар ўртасида махсус ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, мактаб ўқув дастурига она тилини ўқитишнинг асл тили сўзлари ёрдамида қийин

имлоларни (урғусиз унлилар, ундовсиз ундошлар ва бошқаларни) текшириш амалиётини жорий этиш деган хулосага келинди.

Умуман саводхонликни оширишда орфография (имло) қоидаларини эгаллаш қанчалик зарур бўлса, тиниш белгиларини ўринли қўллай билиш малакасини ҳосил қилиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир ¹¹⁷.

Бу амалий аҳамиятга эга бўлиб, имло саводхонлиги ва ўқиш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, *велвет* – *velvet*, *капитан* – *captain*, *гараж* – *garage*, *коттеж* – *cottage*, *монумент* – *monument*, *пакет* – *packet*, *трамвай* – *tram + way*, *фаол* – *active*, *коктейл* – *cock+ tail*, *гербарий* – *herbal*, *гандбол* – *hand+ball*, *комета* – *comet* ва бошқалар.

Инглизча *диспетчер* сўзидаги каби ўқилиши мумкин бўлмаган ундошлар ёки *ландшафт* сўзлари синонимик томондан текширилиши мумкин. *Ландшафт* сўзи немис тилидан олинган, аммо сегментар заиф ҳолатдаги *д* ҳарфи инглизча *ланд* – *ланд* сўзи билан текширилиши мумкин. Шу орқали ўқувчилар дунёнинг кўплаб тиллари фонетик ва баъзан грамматик ўхшашликларга эга бўлишига, алоҳида тилларнинг ҳақиқий “қариндошлари” эканлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Шунингдек, ёнма-ён келган “*мс*” ҳарфлари иштирок этган сўзлар имлосини ўзлаштиришда қиёсий лингвистика элементлари ёрдам беради: *circle* – *айлана*, *circus* – *цирк*, *cistern* – *цистерна*, *civilization* – *цивилизация*.

Нутқни ривожлантириш. Тиллараро интеграцияни қўллаган ҳолда ўқувчиларнинг изчил нутқини ривожлантирадиган самарали машқлардан бири бу таржималардир. Таржима қилишда синонимларни танлаш, мос ва керакли сўзни топиш фойдали бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *порлаш* феълини (порлаш, порлаш – қуёш ҳақида) контекстга қараб, она тилига турли хил таржима қилиш мумкин.

Агар биз *тикник* ёки *замми* кутиб турадиган баҳорнинг ёқимли куни ҳақида гапирадиган бўлсак, унда таржима қуйидагича бўлиши мумкин: *порлаган*, *порлаган*, *ёритилган*, *иситилган* ва ҳ.к. Агар биз чўлда чарчаган

¹¹⁷Mahmudov N.O'zbek tili me'yorlari (punktuatsiya). -Toshkent: Zamin nashr, 2021. –B.7.

саёҳатчилар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда бу феълни *қуйиши, ёқиши, ёқиши* ва ҳоказо деб таржима қилиш мумкин. Шундай қилиб, ўқитувчи таржима қилинган жумланинг контекстдаги ўрнини ҳисобга олиши, лингвистик таққослашдан фойдаланиш муддатини иложи борича аниқроқ танлаши, натижалар зарурлиги ва унинг самарадорлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Тажриба-синов жараёнида ўқувчилардан урта ибора таржима қилиш сўралди. Сўнгра бажарилган ишлар таққосланди. Таҳлил асосида ўқувчиларнинг нафақат ҳар бир вариант учун бир хил даражада яхши ишлагани, балки матнга ранг-баранглик киритган турли хил синонимларни нутқда қўллаш билиш кўникмаларига эга эканликлари аниқланди.

My mother used to say...

Таржима вариантлари %

1. Менинг онам гапирарди... 42%
2. Менинг онам гапиришга одатланган... 21,8%
3. Менинг онам одатда гапирарди... 16%
4. Илгари менинг онам гапирарди... 9,5%
5. Менинг онам тез-тез гапириб турарди... 6,7%
6. Менинг онам доимий равишда гапирарди... 4%

Бунда барча таржима вариантлари қабул қилиниши мумкин, аммо 1-вариант (энг кўпи) иборанинг маъносини тўлиқ акс эттирмайди, чунки ишлатилган барқарор ибора таржима қилинмаган. Айниқса, 4-вариантдаги гапни таъкидлаш ўринли. Ўқувчилар инглизча гапни она тилига мослаштирганда, сўзларнинг тартибини ўзгартириб, уларнинг маъносини жуда аниқ таржима қилганликлари билан ажралиб туради.

But now she doesn't.

Таржима вариантлари %

1. Лекин ҳозир у бундай гапирмайди. 60%
2. Лекин ҳозир у буни гапирмайди. 22%
3. Лекин энди у бундай гапирмайди. 11,5%
4. Деярли ҳозир у бундай гапирмайди. 6,5%

Бундай ҳолда, биринчи вариант энг аниқ, учинчи вариант эса унга яқин. Барча вариантлар қабул қилинади, лекин 4-вариантдаги гапни адабий тил меъёрларига яқин деб қабул қилиш мумкин.

Ne knows the name of every kind of car.

Таржима вариантлари %

1. У ҳар қайси машинанинг маркасини билади. 34,4%
2. У ҳар бир машинанинг номини билади. 22,2%
3. У барча машина маркасини билади. 11,1%
4. У барча машиналарнинг аталишини билади. 10%
5. У машиналарнинг барча моделларини билади. 8,5%
6. У турли машиналарнинг аталишини билади. 7,4%
7. У кўп машиналарнинг номини билади 6,4%

Ушбу жумлани таржима қилишда кўплаб синонимлар туфайли қийинчиликлар кузатилади. Унинг сўзма-сўз таржимаси “У ҳар бир автомобил маркасининг моделини билади” тарзида бўлади. Аммо ўқувчиларнинг таржималаридан 1-, 3- ва 5-вариантлар энг мақбул вариант сифатида қайд этилган. Ўқувчилардан олинган натижалар берилган жавоблари натижаларидан келиб чиқиб ўртача баҳоланади.

“Исм” сўзи билан барча вариантлар унчалик муваффақиятли эмас, чунки бу ҳолатларда *name* сўзи (исм, сарлавҳа) контекстни ҳисобга олмаган ҳолда сўзма-сўз таржима қилинади.

Она тили дарсларида матнни тўлиқ ҳолда эмас, балки унинг алоҳида қисмлари, жумла ва ибораларини таржима қилиш керак. Бундай ҳолда, уларнинг танлови, долзарблиги, бадийлиги билан янглишмаслик муҳимдир. Эҳтимол, бундай вазифалар нутқни ривожлантириш учун турли хил машқларни таклиф қилиш мумкин бўлган доираларда ёки мусобақаларда ўз ўрнини топади. Масалан, барча синонимлардан фойдаланган ҳолда имкон қадар кўпроқ таржима вариантларини танланг. Бундай мазмундаги машқлар ўқувчиларнинг лингвистик қобилиятини ва сўзга бадий муносабатини ривожлантиради.

2.3.§. Тил таълимига интегратив ёндашувнинг педагогик-психологик хусусиятлари

Тадқиқот давомида таълимнинг коммуникатив йўналиши, ўқувчиларнинг тил таълимидаги нутқий компетенция каби принциплар умумлаштирилиб бирлаштирилди. Ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришда коммуникатив муҳит яратиш, мотивация бериш муҳим ўрин тутиши асосланди.

Бизга маълумки, ўқувчиларга тил ўргатишда ўқув жараёнини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда, энг муҳими, ўқувчи олдига қўйилган вазифа уларнинг қобилиятларига яраша бўлиши керак, яъни у ўқувчига ҳаддан ортиқ қийинчилик туғдирмаслик керак. Масалан, 7-8- синф тил материални ўрганишнинг тематик ва интенсивлиги билан ажралиб туради. Бу босқичда ўқувчилар ҳаракат қилиб, ҳаракатсиз (бирор топшириқсиз) туриб қолишни ёқтирмайдилар. Шунинг учун 6-7- синфда тил ўрганишга бўлган талабларини асло сусайтирмаслиги керак. Баъзи илмий ишларда кўрсатилишича, 8-синфга келиб ўқувчиларда тил материални эслаб қолиш қобилияти ўсади, билиб олишга бўлган қизиқиши сўнади. Кўп ўқувчилар дарсда зерикиб ўтиришади ва фаоллик кўрсатмайдилар, вазифани бажаришга бефарқ қарайдилар. Бу ёшдаги ўқувчиларда ўзини-ўзи бошқаришдаги иродалилик етарли даражада шаклланмаса ва улардан ички норозилик, тез жаҳли чиқиш, қаршилик билдириш каби хусусиятлар кучли бўлиб, бу она тилини фан сифатида ўрганишга бўлган қизиқишининг кескин камайишига олиб келади. Уларда ўз кучига ва ўз қобилиятларига бўлган ишонч сусаяди.

Умумтаълим мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида “Гўзаллик туйғусини ривожлантириш, юксак эстетик дидни шакллантириш, санъат асарларини, тарихий ва меъморий ёдгорликларни, табиатнинг гўзаллиги ва бойлигини муҳофаза қилиш, тўғри тушуниш ва қадрлаш

кўникмаларини шакллантириш керак”¹¹⁸.

Методик адабиётлардан бизга маълумки, мактабда она тили дарси жараёнида интеграциядан фойдаланиш икки тиллилик шароитида амалга оширилади. Ўқувчиларнинг чет тили ўргангунга қадар она тили бўйича тил тажрибаси бир қанча ривож топган бўлади. Улар ўз она тилларига оид кўп грамматик терминлар, ҳодисалар, қоидалар ва малакаларни эгаллайдилар. Улардаги бу тажрибани шу синфда, гуруҳда дарс бераётган ўқитувчи ҳисобга олиши ва талаб қилинган жойларда улардан фойдаланишга ўргатиши керак. Масалан, инглиз тили морфологиясини кўп ҳодисаларини ўқувчиларга ўргатишда улар эгаллаган она тили ва рус тилига оид тил тажрибасидан ижобий кўчирилишни амалга ошириш мумкин. Агар биз 4-5-синф ўқувчилари билан 6-7-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини солиштирсак, у ҳолда шу маълум бўладики 4-5-синф ўқувчилари учун муҳими ўқишдир. 6-7- синф ўқувчилари эса кўпроқ сўзлашишни афзал билишади. Бу ёшдаги ўқувчиларда мустақилликка интилиш ўз-ўзини бошқариш каби масалалар кучли. Баъзан бир ўзини бутун синфга қарши кўйиб, бошқалар олдида ўзини, ўзлигини кўрсатиш, баъзи болаларда бошқа болалар олдида ўзининг қобилятлилигини кўрсатиш истаги кучли бўлади. Айни шу ерда болаларнинг келажаги ҳақида ўйлаб кўриш, бирор касбга қизиқиши шакллана бораётганлигини ташхислаш мумкин. Юқорида баён қилинганларнинг барчаси чет тилига ўқитишни ва ўқувчилар фаолиятини назорат қилишни қийинлаштиради. Ўқувчиларда тил ўрганишга бўлган талабни кучайтириш учун тил ўрганишнинг лингвистик ҳодисаларини ўқувчилар онгига сингдириб бориш зарур. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, агар ўқувчи ўз она тилини яхши билса, қонун-қоидаларига амал қилиш малакасига эга бўлса, унинг мавжуд лингвистик тажрибаси бошқа чет тилини ўзлаштиришига ҳам замин бўлади. Тилнинг грамматик тушунчаларини ва атамаларини тезроқ ўзлаштиришига ёрдам беради. Шу

¹¹⁸ Suyunov M . Ways to use integration in literature classes ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 5, May 2021: SJIF 2021 = 7.492 *Academicia* An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) DOI: 10.5958/2249-7137.2021.01343.4-p-49.

тариқа, тиллараро ўхшашлик ва фарқ қилувчи омилларини ўрганиб, бошқа тилни осон ўзлаштиради. Фонетик, лексик, грамматик даражада тил ҳодисаларини солиштириш лингвистика соҳасини бойитувчи материал беради.

Шу боисдан, тиллараро боғлиқлик муҳим аҳамиятга молик. Бу чет тилидаги янги материални шунчаки ўзлаштиришгина эмас, балки унга ўқувчиларда алоҳида қизиқиш билан ёндашувни ҳам талаб қилади. Агар ўқувчи муайян тилнинг қоидалари ва асосий тушунчаларини яхши билса, бошқа тилни ҳам ўргана олишига ишонч билан қарайди. Она тили ва иккинчи тил таълимидаги қоидалар тизимли (узвий) лингвистик мазмун касб этади. Чунки, тилни табиий муҳитда амалий ўрганиш ва унга ажратиладиган вақт (соатлар) миқдори мукамал қоидалар бериш имкониятини яратади.

Шахсининг лингвистик билимларни эгаллаб бораётганлиги гўё илмий янгиликларни ўз онгида кашф этиб бораётгандек, ҳам қизиқарли, ҳам янада кўпроқ билиш мотивациясини кучайтиради. Бу борада дарс жараёнида ўқитувчи тиллар орасидаги фарқлар ва ўхшашликларни тушунтириб бориши ҳам катта аҳамиятли ўрин тутаяди, айниқса, замонавий ахборот технологиялари воситаларидан, электрон ресурслардан фойдаланиб дарс ўтилиши ўқувчиларга дарсни осон ўзлаштириш ва тилнинг лексик ҳамда грамматик ҳодисаларини боғлаб ўрганиб, турли машқларни бажаришда катта имконият яратади. Бундан ташқари, кейинги даврларда кўпайиб бораётган тил ўрганишга оид махсус сайтлар нафақат мураккаб ва зерикарли бўлган тил ўрганиш лексик бирликларни ўзлаштириш жараёнини осонлаштиради, балки мазкур ресурслар ёрдамида кўнгилочар ўйинли машқларни завқланиб бажариш билан маълум маънода маънавий озуқа, қолаверса, дам олиш имконини яратишига ҳам эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга, бундай луғатдаги ҳар бир сўз фойдаланувчига кўп бор қайта тақдим этилиши мумкин, бу эса уни ўзлаштиришда мазкур сўзнинг тўғри ёзилиши, тилда сўзлашувчи халқ вакиллари томонидан лексик талаффузи хотирада мустаҳкам жойлашиб, матнларни таржима қилишда қийинчиликларни

бартараф этишга ёрдам беради. Ўқувчилар завқ билан томоша қиладилар ва топшириқларни қизиқиб бажарадилар. Натижада, фильмларни ўз соф тилида кўриб, тилни ўзлаштиришлари осон бўлади. Бироқ фильмларни тўлиқ томоша қилиш жуда кўп вақтни олиши, бунга эса дарсга ажратилган вақт имконияти етарли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли ҳам интернет ресурсларидан уйда ҳам фойдаланиб, тармоқдан фойдали ахборотларни олиш, масалан: MOOC (Massive Open On-line Courses)ни тавсия этиш мумкин. Шунини ҳам унутмаслик керакки, интернет ҳақиқий тил муҳитини ҳис этишга ёрдам беради ва унинг ёрдамида тилни ўрганишга эҳтиёж шаклланади. Сабаби тил ташувчи, яъни мазкур тилда сўзлашувчилар билан мунтазам мулоқотда бўлишга тўғри келиши, турли ахборотлардан фойдаланиш, фильмлар томоша қилиш, кўшиқларни тушуниш истаги пайдо бўлиши мумкин.

Маълумки, замонавий ёшлар ўз даврининг маданияти вакиллари бўлиб, уларга кўпроқ визуал образлар таъсир кўрсатади, бошқача айтганда, материал анъанавий усулда эмас, балки аудиовизуал воситалар ёрдамида янада тезроқ ва самарали ўзлаштирилади. Замонавий таълим усулларида эса мазкур муаммони ҳал этишга ўзининг кўргазмалилиги ва интерактивлик бахш этувчи Power Point дастурида тайёрланган тақдимотлар, фильмлар, слайдшоу, шунингдек, виртуал саёҳатлар, интернет сайтлар ёрдам беради. АКТ воситаларидан фойдаланиб, дарс ўтиш жараёнида чет тилида видеоролик намойиш этиш янада кўпроқ самарали бўлади. Ўқувчиларга доимо ўрганилаётган тил материали аввал тўла тушунилгандек бўлади, лекин бу хато, уларни албатта, маълум вақтдан сўнг такрорланмаслиги хотирада сақлаб қолинмайди. Материал такрорланиб турсагина у ўзлаштирадиган дейилади. Бажарилаётган машқлар ўқувчилар олдида қўйилган вазифалар муаммоли ҳаракатга эга бўлиши керак, улар интеллектуал ҳиссиётни келтириб чиқаришга ундовчи рағбатлантириш бўлиши керак. Дарс коммуникативлик тамойили асосида олиб борилмоғи зарур унда ҳар бир нутқ фаолиятини ҳаётий вазиятдан келиб чиқиши муҳим аҳамиятга эга.

Юқори синфларда дарсга қўйилган талаблар олдинги этаплардагидан фарқ қилади. Энди дарс оғзаки нутқ асосида кўрилмайди, чунки бу босқичда тил материалнинг кўпчилик қисми алоҳида ўзига хос равишда ўрганилади. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрта мактабларда тил ўрганишда талаффузни ўргатиш асосан нутқ фаолияти турларини шакллантиришга, ўстиришга, ривожлантиришга қаратилиши, керак. Инглиз тилида товушлар ўзбек тилидаги товушлардан кучли фарқ қилиб талаффуз қилинади. Бу эса ўқувчиларда малака ва кўникмаларни шакллантиришни тақазо этади.

Коммуникатив йўналиш принципи. Оғзаки нутқни шакллантириш учун зарур вазифалар бажарилиши керак. Коммуникатив ёндашув тил аспекти билан боғлиқ ҳар қандай тренингни ўтказиш олмасликни кўрсатади. Нутқ кўникмаларини ривожлантириш учун ҳар қандай тилни ўқитиш босқичи зарур. Ўқувчи учун ўқув материали мазмунини иложи борича яхшироқ ифода этириш муҳимдир. Бунда расмлар, диаграммалар, жадваллар каби турли хил воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Нутқни аллақачон маълум бўлган тил воситаларидан фойдаланган ҳолда ифодалаш ўқувчи фикрларни шакллантиришга йўналтиради. Коммуникатив йўналиш принципи мактабда она тили дарсларида ўқитишнинг аниқ моделлаштириш усулларини ишлаб чиқишга ундайдиган элементар алоқа ҳолатлари, мазмуни ва шакли бўйича содда гапларни тузиш ҳамда сўзлаб беришни ўргатади. Тадқиқотимиз давомида аён бўлдики, 6-синф она тили дарслигининг “Рақамлашган дунё” бўлимида берилган машқ ва топшириқлар айнан она тили дарслари жараёнида инглиз тили билан боғлаб интеграциаланади. Бунда ўқитувчи дарсликда берилган топшириқларни ўқувчиларга тушунарли тарзда етказилади. Масалан: “Хорижий тиллардан олинган сўзлар билан танишинг. Китоб охирида берилган луғатдан изоҳини топиб, кўчиринг.”

*онлайн электрон, биткоин, интернет, криптовалюта, виртуал*¹¹⁹

Топшириғини бажариш учун ўқувчи инглиз тили дарсларида ўрганган

¹¹⁹ Mavlonova K va boshq. Ona tili. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Respublika taʼlim markazi, 2022. – 117 b.

сўз ва ибораларга таянади ва машқни бажаради. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин, чунки барча фанлар бир-бирига мутаносиб.

Ўқувчиларнинг тажрибасини ҳисобга олиш принципи. Мазкур принцип доирасида ўқувчиларга таниш материални ўрганиш ва улардан фойдаланиш йўллари таклиф қилинади. Дарснинг муваффақияти ўқитувчининг ёндашуви қанчалик аниқ ва пухталигига, шунингдек, янги материални ўтган мавзу билан қандай боғлашига ҳам боғлиқ. Илгари олинган билим, кўникма ва малакалар, таъсир қилувчи қўшимча стимуллар ва қўллаб-қувватловчи омиллар сифатида ҳаракат қилиш ўқувчилар фаолиятини интенсифлаштириш ғояси билан боғлиқ. Ҳар қандай ўрганиш янги шаклланишга айлантирилади. Шундай қилиб, ушбу принципни танлаш ҳақиқат билан изоҳланади. Янги билимни ўзлаштиришда ҳаракатни таниш тушунчалар билан бирлаштириш – бу барқарор лингвистик алоқаларни яратиш орқали материални ўзлаштиришга имкон яратади.

Билимларни ўзлаштиришда она тили ниҳоятда муҳим ўрин тутаяди. Ўқувчилар ҳам алоқа воситасида, ҳам алоқа фаолияти орқали зарур тушунчаларни эгаллайдилар. Шундай қилиб, талаффузни ўргатиш унинг умумий ва турлича бўлиши учун муҳимдир. Тилга хос товушлардан фойдаланган ҳолда вақтни тежашга эришиш мумкин. Она тилига мос келадиган товушларга яқин бўлган талаффуз нутқ жараёнига таъсир қилмайди.

Лингвистик кўникмаларни диалогик ва монологик нутқлар орқали шакллантириш 1) таъсир ўтказиш; 2) тасвирлаш; 3) айтиб бериш; 4) сабаб кўрсатиш; 5) исботлаш; 6) сўраш каби фаолият турларига чамбарчас боғлиқ.

Ўйинга асосланганлик принципи. Таълим жараёнида ўқувчилар фаолияти босқичма-босқич ўзгариб боради. Турли шакл ва мазмундаги ўйинлардан таълим фаолиятига ўтиш ўқувчининг билимларни ўзлаштиришида муҳим роль ўйнайди. Айнан шу жиҳат таълим фаолиятини ташкил этишда энг муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотчи К.Матназарованинг фикрича, ўйинлар “жамиятнинг

меъёрий қоидалари ва кадриятларига киришишни осонлаштириш; муҳит шароитларига мослашиш; ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини бошқариш; мулоқот қилишни ўрганиш; ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда баён қилиш; муомала ва юриш-туришнинг кенг спектрини эгаллаш, ўз фикрини исботлаш, ишонтириш ва бошқаларнинг фикрига қўшилиш ва қўшилмаслик маҳоратини ўстириш имконини беради”¹²⁰.

Тадқиқотчи Ғ.Тожибоевнинг бошланғич синф ўқувчиларининг инглиз тили бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришда ўйинлардан фойдаланишнинг аҳамияти юзасидан роль ижро этиш, ўйин ўйнаш, хусусан, “Total Physical Respond” (жисмоний ҳаракатлар билан жавоб қайтариш), машқларини кўпроқ ўтказиш кераклиги¹²¹, шунингдек, нутқий ривожланишида “Role play” (ролли ижро) коммуникатив ролли ўйин технологияси самарали эканлиги ёритилади. Нутқий кўникмаларни ривожлантиришга доир ўйинларда “олдиндан тайёрланган репликалар ишланади ва улар ўқувчининг механик хотирасини мустаҳкамлаш билан чегараланади. Шундай бўлса-да, тайёрланган нутқ намуналарининг ёд олиниши ва улардан ўйинларда кенг фойдаланиши ўқувчиларнинг талаффузи ва сўз бойлиги кенгайишига олиб келади”¹²².

Бизнингча, ўйинлардан юқори синфларда ўқувчиларнинг ёши, ўзлаштириш даражаси, мавзунинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб фойдаланилса, албатта, кутилган самарадорликка эришиш мумкин. Шунингдек, таълимий ўйинлар юқори синфларда нафақат нутқий кўникмаларни шакллантириш, балки тафаккурни ривожлантириш мақсадига қаратилиши билан ҳам фарқланади. Ҳақиқатан ҳам, ўйинлар шунчаки эмас, ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини фаоллаштириш мақсадига хизмат қилади. Таълимий ўйинларнинг асосий функциялари бу мотивация бериш ва рағбатлантиришдир. Ўйин билвосита таъсир қилиш усуллари назарда

¹²⁰ Матназарова К. Ишбилармонлик ўйинлари – ўқитишнинг фаол методи // Xalq ta’limi. – Toshkent, 2011. – № 4. – Б. 31.

¹²¹ Tajibayev G’. Boshlang’ich sinf o’quvchilariga chet tilini o’qitishning o’ziga xos xususiyatlari // Xalq ta’limi. – Toshkent, 2014. – № 4. – Б. 17.

¹²² Tajibayev G’. Boshlang’ich sinf o’quvchilarining ingliz tili bo’yicha bilim, malaka va ko’nikmalarini rivojlantirishda rolli o’yin texnologiyalaridan foydalanish // Xalq ta’limi. – Toshkent, 2016. – № 6. – Б. 60.

тутади. Ўқувчи ўзини катталарнинг таъсир объекти деб билмайди, у фаолиятнинг тўлақонли субъекти вазифасини бажаради. Шунинг учун, бу жараёнда ўқувчилар ўзлари қийинчиликларни енгишга интилишади.

Ўйинларни ўтказишда ўқитувчининг ўзи уларнинг методикасини яхши билиши керак. Айниқса, тил таълими интеграциялашган машғулотларда айнан шу жиҳатлар муҳим саналади. Буни иккинчи тил хусусиятлари ҳам тақозо қилади. Масалан, она тилини инглиз тили билан интеграциялашда, айниқса, она тили фани ўқитувчиси ҳам бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда инглиз тилидан кўникма ва малакаларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчи хорижий тил таълимида қўлланиладиган методлардан ҳам яхши билиши қўл келади. Хорижий тил ўқитувчисига қўйиладиган талаблар ўрганилган Т.Саттаровнинг ишида FIAS (Flanders interaction analysis categories – Фландерснинг ўзаро алоқа қилиш таҳлилининг категориялари), microteaching (микроўқитиш), flow-chart (жадвал-модель билан ишлаш), peer-teaching (ўз тенгдошларига дарс ўтиш), classroom teaching (дарс ўтиш техникаси), team-teaching (гурух бўлиб дарс ўтиш), role play (ролли ўйин), group discussion (гурух бўлиб муҳокама қилиш), information gap (зарур даражада кифоя қилмайдиган маълумотни тўлдириш), acting as teacher's assistant in a genuine class (ўзининг синфида ўқитувчига ёрдамчи сифатида ўқув жараёнида қатнашиш) методларидан фойдаланиш аҳамияти ёритилади. Тадқиқотчи ўз ўрнида бугунги кун талаби ўқитувчининг “тили ўрганилаётган халқнинг миллий маданиятини чуқур билиши, уларни тўғри таққослай олиши, таълимни ахборотлаштириш, таълимга дифференциал ёндашиш каби хусусиятларга эга бўлиши лозим”¹²³лиги замон талаби эканлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, юқоридаги таркибдаги таълимий ўйинларни ташкил этиш нафақат ўқитувчининг, балки ўқувчининг ҳам келгусидаги касбий омилкорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, бундай ўйинлар орқали ўқув жараёнида ўқувчилар ўзини ўзи идора этиш, атрофидагиларни

¹²³ Саттаров Т., Имомов И. Хорижий тил ўқитувчисининг касбий омилкорлиги(лаёқати)ни шакллантириш тажрибасидан // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2012. – № 12. – В. 13.

бошқариш, мустақил ишлаш, гуруҳ фикрларини тинглаш ва уларни бирлаштириш, хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантира боради.

Таълимий ўйинлар: а) тасаввур, ташқи ва ички ижодий қобилиятларни ривожлантириш; б) беихтиёр ёдлаш; в) ўрганилаётган материални ўзлаштириш омили саналади. Қизиқиш барча руҳий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, хотирага қизиқишнинг таъсири жуда катта. Қизиқарли материаллар таълим жараёнини қизиқарли қилади, маълумотлар осонлик билан ўзлаштирилади, хотирага тез муҳрланади. Айрим ахборотлар хотирага катта қийинчиликлар билан мос келади ва ундан осонгина кўчирилади. Қизиқиш кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ошишига ёрдам беради.

Тадқиқотчи З.Матмуротованинг чет тили, хусусан, француз тили машғулотида ўйинларни қўллаш масаласига бағишланган мақоласида “Бўлиши мумкин эмас” (*Vrai ou faux*) ўйинининг аҳамияти сифатида кўйидагилар кўрсатилади:

Таълимий ўйинларнинг кейинги вазифаси тарбиявий бўлиб, у билим эгаллаш, кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда маълум бир алоқа шароитида чет тилларини билишни тарғиб қилади. Улар махсус фаолият сифатида асосий педагогик мақсад бўлган ўқитиш воситасида ҳаракат қилишни ўргатади. Ўйин шартлари ўқувчини такрорлашга ундайди, маълум бир ҳаракатларни бажариш, уларни амалга ошириш ёки яратиш воситалари ёки усулларини маълум бир маҳсулот (баёнот)га қўллашни тақозо этади. Ўйинни танлаш, унинг мазмуни ва ташкил этилиши таълим мақсади ва унинг самарали натижасига ҳисса қўшиши керак. У орқали ўқув мақсадларини комплекс равишда амалга ошириш принципи жамоавий равишда индивидуал таъсир ўтказиш ва ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини фаоллаштиришга қаратилади. Э.Уккиевнинг хорижий тил дарсларида ўйинлардан фойдаланиш борасидаги тадқиқот ишида бир қатор янги ўйинларнинг ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш, гапириш компетенцияларини ривожлантиришдаги ўрнига тўхталинади. Жумладан,

“Рақамларни топ!”, “Уқалаш”, “Юмуқ кўзлар”, “Жуфтини топ”, “Менга сендаги ... ёқади”, “Тана машқлари”, “Менга ...олиб кел” каби дидактик ўйинларнинг ўқувчиларни “бир-бири билан яқинроқ таништириш, гуруҳларда бирга, дўстона ишлаш, фанга, тил ўрганишга қизиқтириш, машқлар оралиғида чарчоқни қолдириш, иштиёқларини ошириш ва дарс давомида янада фаол иштирок этишлар учун” кенг имконият яратиши таъкидланади¹²⁴. Бизнингча, қайд этилган ўйинлар ўқувчилардаги билишга бўлган ташаббускорликни ҳам ривожлантиради.

Таълим мақсадларини комплекс амалга оширишнинг моҳияти амалий, ривожлантирувчи, тарбиявий вазифаларни, шунингдек, ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш орқали ўқув жараёнини ташкил этишни ўзида мужассам этади. Шу муносабат билан устувор амалий мақсадни ажратиб кўрсатиш зарур саналади. Тил таълимида ижобий мотивацияни ошириш, она тили дарсларида интеграциядан фойдаланиш муайян чет тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш учун асос яратиш ҳамда ўқувчиларнинг қизиқишини сақлаб қолиш муҳим саналади. Бу эса, ўз навбатида, она тилини ўрганиш вақти ва ўрганиш истагини қондиришга доир интегратив дастурлар тузишнинг долзарблигини кўрсатади.

Интеграциялашган дарсларга оид ўқитиш техникасида ўқувчилар ўзлаштирган ҳаракатларга – мусиқа, рақс, нутқ ҳаракатлари билан бирга амалга ошириладиган ўйинлар алоҳида ўрин эгаллайди. Уларда қуйидаги имкониятлар интеграцияланади:

- 1) тил / нутқ ҳаракати + мусиқа;
- 2) тил / нутқ + мусиқа + ўйин ҳаракати;
- 3) лингвистик / нутқий ҳаракат + ҳаракатлар;
- 4) тил / нутқ ҳаракати + ҳаракат + ўйин ҳаракати;
- 5) тил / нутқ + театрлаштирилган ҳаракатлар;
- 6) тил / нутқ ҳаракати + расм.

Шу ўринда она тили дарсида интеграция асосида ташкил этилган

¹²⁴ Ukkiyev E. Xorijiy til darslarida yangi o‘yinlar // Til va adabiyot ta’limi. – Toshkent, 2016. – № 10. – B. 28.

усулдан намуна келтириб ўтмоқчимиз. 6-синф она тили дарсида “Турдош отлар” мавзуси мисолида: Ўқувчи дарсни ўқувчиларга синф хонасидаги нарса-буюмлар номини айттириш билан бошлаб, уларни қандай сўроқларга жавоб бўлишини сўрайди. Масалан: стол, стул, парта, китоб, дафтар, шкаф, гул каби.

Ўқувчилар юқоридаги сўзлар от сўз туркумига мансублиги ва улар нима? сўроғига жавоб бўлишини айтгач, худди шу тартибда дарсликда берилган 1-топшириққа кўра қуйидаги жадвал тўлдирилади:

Шахс отлари	Ота
Нарса отлари	ўрок
Ўрин отлари	пахтазор

2-топшириқда берилган сўзлар атоқли ва турдош отларга ажратилади. Буни “**Ким топқир ва зукко?**” ўйини асосида бажариш яхши самара беради. Назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида машқлар бажарилади.

Шахс номи	Шахс оти
Дилдора	Ўқувчи

Нарса номи	Нарса оти
Сникерс	шоколад

Ўрин номи	Ўрин оти
Ўзбекистон	давлат

Ўқувчилар 300-машққа кўра турдош отларни аниқлаб, тавсиф берадилар, маъно гуруҳларига ажратадилар.

Намуна: *Тогликларнинг бирон тўйи, маъракаси, гап-гаштаги усиз ўтмайди. (Саид Аҳмад) Тўй, тогликлар, гап-гаштак* — турдош отлар.

301-машқ оғзаки тарзда бажарилади. Ўқувчилар берилган гаплардан турдош отларни топиб, уларни изоҳлайдилар.

Намуна: *Шамол қорни юз-кўзларга келтириб уради. (П.Қодиров)*
Шамол — нарса оти, турдош от каби.

302-машқ шартига кўра ўқувчилар 4 гуруҳга бўлинадилар ва “**Бу сўз бизники**” ўйини ўтказилади. Бунда биринчи гуруҳ шахс, иккинчи гуруҳ нарса, учинчи гуруҳ ўрин-жой, тўртинчи гуруҳ фаолият-жараён отларига ўнтадан мисол ёзади. Намуна:

“**1-гуруҳ**” - шахс отлари: *инсон, тоза, хола.*

Янги мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида шу топшириқни рус ва инглиз тилларида бажарилади. Дарсда “Инглиз тили дақиқаси” ўтказилади.

Dog Hedgehog Egg Glu Suit Pilot Driver Aunt Daughter Uncle Teaching Examination Muting Election Competition Village Playground Canteen Pasture Residence. Дарс жараёнида “Рус тили дақиқаси” ҳам ўтказилади. Юқоридаги шарт асосида рус тилида берилган сўзлар гуруҳларга ажратиб ёзилади. Яна бир мисол тариқасида “Тўртинчиси ортиқча” таълимий ўйини ўтказилиши ҳам мумкин. Бунда ўқувчиларга тарқатмалар тарқатилади. Ҳар бир тарқатмада тўрттадан сўз жойлаштирилган. Улардан бири ортиқча.

Масалан: **уруш, сайлов, қатнов, олов** (бу ерда олов сўзи ортиқча чунки, олов нарса оти, қолганлари фаолият жараён оти)

1. Шахс отлари деб нимага айтилади?
2. Нарса отларига мисоллар келтиринг.
3. Ўрин-жой отларига мисол айтинг.

Шу тарзда она тили дарсларида интеграциядан фойдаланиш мумкин.

Психолог олим Л.С.Виготский томонидан ўйинларнинг болаларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашдаги аҳамияти тадқиқ этилган. Унга кўра, барқарор вазиятга асосланган ўйинлар таълим ва нутқий фаолиятда ўзини мужассам этади. Динамик вазиятга асосланган ўйинлар симуляция қилинади, таълим ва нутқ вазиятлари дидактик ўйинлар шаклида ўзаро уйғунлашади¹²⁵.

Она тилини инглиз тили билан интеграциялаб ўқитишни ташкил этишда лексик ва грамматик қоидаларни ўрганиш лозим. Бу борада тилшунос олим Л.В.Щерба таъкидлаганидек, “тил материали тилга айланганда, яъни

¹²⁵ Виготский Л. С. Психология развития ребенка. – Москва: Изд-во Смысл, Изд-во Эксмо, 2004. – 215 с.

ўқувчида грамматик ва лексик қоидалар вужудга келган тақдирдагина сўзлашув пайдо бўлади”¹²⁶. Шу тарзда иккинчи тилни ўрганиш, аввало, ўқувчиларни қайта ўқитиш, уларни она тилига доир тезкорлашган малакалардан холи қилиш, иккинчи тилнинг тузилиши ҳақидаги тушунчаларни сингдиришдан иборатдир. Бунда она тили билан ўрганилаётган тилнинг ўхшашлиги ҳамда фарқларини аниқлаш она тилнинг таъсирини кучайтиришга ёрдам беради. Ўқувчилар иккинчи тилнинг белгисини она тили белгисининг таржима эквиваленти сифатида олиб, унга она тилнинг семантик-структура боғланишларини кўчирадilar. Бунда тиллар ўртасидаги боғлиқ ресурслардан фойдаланилади.

Тил ўрганишда ўқувчиларга ана шу тил фақат ўқув предмети эмаслигини, балки алоқа воситаси ҳам эканини англашиш, тафаккурнинг бошқача, янада боғланишли йўллари тушунишга ёрдам берадиган таълимий усуллари қўллаш жуда муҳимдир. Шунингдек, ўқувчилар диққатини ўзлари одатланган она тилидаги тафаккур шаклларида четга тортадиган махсус ишларни амалга ошириш зарур. Таълим жараёнида кишиларнинг ҳаётдаги, меҳнатдаги, турли ақлий ва амалий фаолиятдаги алоқа ҳамда муносабатларига оид аниқ масалаларни ҳал қилиш иккинчи тилни ўзлаштиришнинг асосидир.

Ўқитишда таълимнинг самарали методларини белгилаш учун бошланғич нуқта бўлиши муҳим. Дарсда ўқувчилар кўпроқ ўрганилаётган тил муҳитида бўлиб, иккинчи тилига камроқ мурожаат қилишлари, ўрганилаётган тил имкониятларидан унумли фойдаланишлари лозим. Бунда ўқитувчи психологик омиллар ҳамда методик омилларга таянган ҳолатда ўқувчиларни дарс жараёнига тўлақонли жалб этишлари асосли ҳисобланади.

Психологик омиллар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишни, методик омиллар эса таълим жараёнини янада изчил бошқаришни тақозо этади. Фанлараро интегратив ўқитишда дарс жараёнида сўз бирикмалари, гаплар, айрим сўзларнинг тузилишини ўрганишга эътибор

¹²⁶ Самарин Д.А. Методологические особенности концепции активной грамматики Льва Влдимировича Щербы: автореф. дисс. канд. пед. наук. Иркутск..2010 г. –8с.

каратилади. Шундай экан, тил таълимида ана шу тилдаги нутқ фаолияти бошқа тилни ўқитишнинг бутун жараёни ўқувчиларнинг зарур талаффуз ва лексик-грамматик қурилмаларни ўзлаштиришлари, ўрганилганларни такрорламайдиган, балки бошқа тилда алоқа боғлашнинг ҳақиқий доирасига кўра қайта тақсимлаш ва шакл ўзгаришини тақозо этадиган мустақил фикрлар яратишлари асосида олиб борилади. Бунда ўқув материалидан бошқа тилда фикр алмашишнинг воситаси сифатида фойдаланиш лозим. Тил назариясини ўрганиш нутқдаги ўқув бирликларидан фойдаланиш амалиёти билан алмашинади. Яъни нутқ қурилмалари: лексик, грамматик, талаффузга доир вазифаларни бажаришларида, сўзлаш, ўқиш ва ёзишни ўрганаётганларида ўқувчиларда нутқ малакалари шаклланади ва ривожланади.

Ўқувчиларнинг тиллараро интеграцияда она тилига таянишлари жуда муҳим ва фойдалидир. Чунки ўз она тилисини тўлиқ ўзлаштириш, иккинчи тилнинг ўзига хос қонуниятларини билиб олишларида, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ тушуниб етишларида катта ёрдам беради. Бинобарин, бошқа тилни билиш ҳам, она тилини тўлиқ идрок этишларига имкон яратади. Бу ҳолатда иккала тилдаги семантик ўхшашлик ва фарқларнинг аниқланиши ҳамда ўзаро боғланиши, сўзлар, иборалар, ва контекстларнинг маъноси тўғри ўзлаштирилганлигини текшириш катта аҳамият касб этади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Ўрта мактабга ўтиш даврида ўқувчилар сўз бойлигига эга, элементар грамматик тузилмалар ва категориялар билан таниш бўладилар. Улар 5-синфга ёзиш, гапириш, ўқиш ва тинглаш бўйича шаклланган кўникмалар билан келишади. Бу эса тилларни қисмларга бўлиб боғлашга имкон яратади. Натижада ўқувчиларнинг тил ўрганиш ва мулоқот қобилиятларини шакллантиришга кам вақт сарфланади, интеллектуал салоҳият тарбияси анча интенсиф бўлади.

2. Ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини она тили ҳамда инглиз

тилидаги атамалар асосида шакллантиришда умумий маъноли атамаларнинг хусусий маъноларини топиш, уларни эса, ўз навбатида, муайян уядош сўзларга ажратиш, шарҳлаш ва изоҳлаш, кичик изоҳли луғатини тузиш; берилган атамалар уясини давом эттириш, алифбо тартибида жойлаштириш, ҳар икки фанга оид атамаларнинг талаффузи ва имлоси устида ишлаш сингари ижодий-амалий ишлар муҳим ўрин тутади.

3. Она тили дарсларида интеграциялаб ўрганиш машғулотларида қайта ҳикоя қилишга доир машқлар бажартирилиши ўқувчилар нутқий малакасини оширади, топшириққа нисбатан ижодий мушоҳадага чорлайди. Бунинг учун эса қўшиқ, мақол, топишмоқ, ибора каби халқ оғзаки ижоди намуналарини шарҳлаб ёки қиёсий ўрганиш самарали ҳисобланади.

4. Она тилини интеграциялаб ўрганишда ўзаро уйғунлашадиган тилнинг ўқув дастурларидаги мазмунан ва моҳиятан ўзаро яқин бўлган мавзуларни аниқлаш ва интеграциялаб ўқитиш асосида ўқувчиларнинг нотаниш матнлар орқали теварак-атрофдаги ҳар бир нарса-предмет, воқеа-ҳодиса ва ўзгаришларни англаш ва янги тушунчаларни ўзлаштириш кўникмаларини ривожлантириш масаласи назарда тутилади. Бунда матнга сарлавҳа топиш, режа тузиш, қаҳрамонларга исм қўйиш, берилган матнни давом эттириш каби топшириқларни бериш орқали мантиқий фикрлашга йўналтириш мақсади мужассамлигини таъкидлаш мумкин.

5. Она тили дарсларида интеграциялаб ўрганиш тавсифига асосланиб, мактаб амалиётида қўлланиладиган материалнинг жойлашуви принципи асосида фонетика, сўз бойлиги, фразеология каби тил бўлимларини ўрганиш мумкин.

III БОБ. ТИЛ ТАЪЛИМИГА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА 5–9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ МАЗМУНИ

3.1.§. 5–9-синфларда тил таълимига интегратив ёндашув жараёнини экспериментал асослаш

Интеграцион таълим фанлараро боғлиқликни кашф қилади. Фанларни ўзаро боғлаб ўрганиш дарс жараёнида ўқувчини фаолликка, креатив фикрлашга ундайди. Ушбу фаслда тил таълимига интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш усул ва методлари таҳлил қилинади. Тил таълимига интегратив ёндашув асосида ўқувчиларининг лингвистик кўникмаларини шакллантириш бўйича тажриба-синов таълимнинг уч ўқув йили мобайнида ўтказилди. Муаммога оид педагогик тажриба-синов ишлари 2020–2022- йилларда Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 5-, Кармана туманидаги 4-, Самарқанд вилояти Қўшрабат туманидаги 21-, 66-, Бухоро вилояти Гиждувон шаҳридаги 14-, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 262- мактабларнинг 5–9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилди. Тажриба-синов ишлари махсус ишлаб чиқилган методик тизим, турли усул ва воситалар асосида уч босқичда ташкил қилинди ва олиб борилди. Тажриба-синов ишларига жами умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфлардан ҳар биридан 1 тадан синф танлаб олиниб, 710 нафар ўқувчи тажриба гуруҳлари сифатида жалб қилинди. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфларнинг ҳар биридан 1 тадан синф танлаб олиниб, 703 нафар ўқувчи назорат гуруҳлари сифатида жалб қилинди. Тажриба-синов ишларида қатнашган таълим муассасалари худудлар кесимида танланиб, ҳар бир худудда қатнашган ўқувчилар тажриба ва назорат синфларига ажратилди (3.1-жадвалга қаранг).

Тажриба-синов ишларида қатнашган ўқувчиларнинг ҳудудлар ва синфлар бўйича тақсимооти

Ҳудудлар	Тажриба синфидаги респондентлар	Назорат синфидаги респондентлар	Жами
Навоий вилояти	310	304	614
Бухоро вилояти	143	146	289
Самарқанд вилояти	90	97	187
Тошкент шаҳри	167	156	323
Умумий	710	703	1413

Дастлабки изланувчи-таъкидловчи босқичда (2020–2021 йиллар) она тили ўқув дастурида режалаштирилган мавзуларни ўрганиш бўйича изланишлар йўлга қўйилди. Ўқувчиларда лингвистик кўникмаларни шакллантириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ҳолати ҳамда таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти ўрганилди. Ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришга доир педагогик, методик адабиётлар таҳлил қилинди. Бунда ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришда, тушуниш ва тушунтириш ишларида муаммолар мавжудлиги аниқланди. Кўп ҳолатларда мавзуларни ўрганишда оддийликка берилиш устунлиги кузатилди.

Ўқувчиларда лингвистик кўникмаларни шакллантириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш илмий-методик муаммо эканлиги кўрсатиб ўтилди. Тил таълимига интегратив ёндашув орқали ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришни исботлаш мақсадида тажриба ўтказилган синфларда босқичма-босқич дарслар олиб борилди. Дастлаб 5–9-синфларда ўзлаштирилган билимларни дастур ва дарсликлардаги, шунингдек, ўқитувчи томонидан берилган маълумотларни амалда қўллаш даражасини белгилаб берувчи мезонлар аниқлаб олинди.

Ўқувчиларнинг ҳар тилдаги фонетик ўзгаришлар, имло ва тўғри

талаффуз қоидаларини билиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларни амалга татбиқ этиш масаласига эътибор қилинди. Лингвистик кўникмаларни шакллантиришга оид турли хил матн, ҳикоя, эртаклардаги сўзларнинг шакл ва маъно муносабатини идрок этиш, уларни амалда қўллаш олиш; матнлардаги сўз бирликларини тушуна олиш, уларнинг контекстуал ҳолатини ҳис этиш; синтактик бирликларнинг услубий вазифаси, шунингдек, таржиманинг ўзига хослигини таҳлил қилиш ҳамда ёзма ишларда қўллаш олишларига доир чора-тадбирлар белгиланди. Шулар асосида тадқиқотнинг мақсади ва назарий-амалий аҳамияти ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида ўқитувчиларнинг ўз касбига дахлдор бўлган фанлараро боғлиқлик, интеграция тушунчалари ҳақида қарашлари кўнгилдагидек эмаслиги аниқланди. Дастлаб, бу борада 2021 йил биз тажриба-синов ишларини ўтказадиган мактабларга ташриф буюриб, у ерда 31 нафар ўқитувчилар билан суҳбат ўтказилиб, уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинди:

1. Фанлараро интеграция тушунчаси маъносини ифодалаб беринг.
2. Интегротив ёндашувнинг фанни ўқитишдаги аҳамиятини изоҳланг.
3. Лингвистик кўникмалар деганда нимани тушунасан? Улар таълим оловчиларда қандай шакллантирилади?
4. Лингвистик кўникмалар ва уларнинг тил ўқитишдаги аҳамиятини тушунтиринг.
5. Она тили дарсларини интеграциялаш асосида ўқитиш тил таълимига нима беради?
6. Сиз фаолиятингиз давомида интеграциядан қандай мақсад ва қандай шаклда фойдаланасиз?

Сўровда қатнашган 31 тингловчидан 17 нафари интеграция тушунчаси маъносини изоҳлай билди, 7 нафаридан етарли даражада жавоб олинмади.

Интегротив ёндашувнинг фанни ўқитишдаги аҳамияти борасидаги 2-саволнинг жавоби деярли асосланишга ҳаракат қилингани сезилади, лекин талаб даражасида эмас.

3-саволга 29 нафар тингловчидан жавоб олинди, аммо саволнинг иккинчи қисмига келганда уларнинг 10 нафари аниқ ва жўяли фикрлагани маълум бўлди.

Лингвистик кўникмалар ва уларнинг ўқитишдаги аҳамияти ҳақидаги 4-саволга 7 нафар ўқитувчи қониқарли жавоб берган, аммо унинг ўқитишдаги аҳамияти тўлиқ очиқ берилмаган.

Кейинги икки савол муҳокамасида ўқитувчиларнинг фикрлашлари анча жонлангани сезилди. Лекин уларнинг она тили дарслари интеграцияси борасидаги қарашлари анча юзаки эканлиги аён бўлди. Мазкур саволлар кейинчалик яна бир гуруҳ ўқитувчиларда синаб кўрилди. Фарқ унчалик катта эмас. Бироқ тажриба-синов объектлари бўлган мактаб ўқитувчиларида бу саволларни идрок этиш, амалий жиҳатдан асослаш даражаси тадқиқотимиз сўнгида бошланган пайтига қараганда ижобий томонга ўзгарганлиги билан фарқ қилди.

Тадқиқотнинг иккинчи шакллантирувчи тажриба-синов босқичида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш бўйича ташкил этиладиган дарслар мазмуни, шакл ва методлари ишлаб чиқилди. Она тили дарсларини интегратив ёндашув ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш методикаси тизимлаштирилди. Бунга имкон берувчи дарслар, методик тавсия ва қўлланмалар ўрганилди. Дарс ишланмалари яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди ва амалда синовдан ўтказилди. Жумладан, она тили фанидан замонавий ёндашувлар асосида ташкил этилган дарслар методикаси таҳлил қилинди, умумлаштирилиб, ягона умумлашган кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

Учинчи якуний босқичда тадқиқотнинг тажриба-синов натижалари умумлаштирилиб, танқидий таҳлил қилинди. Тадқиқот мақсади ва илмий фаразнинг ҳамда ишлаб чиқилган методиканинг асосланганлиги ўқув жараёнида ишлаб чиқилган илмий-методик ишланмалар асосида текширилди. Тадқиқот ишининг асосий хулосалари шакллантирилди, ўқувчиларда лингвистик кўникмаларни шакллантириш бўйича инновацион

ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида яратилган методик қўлланмалар ўқув жараёнига қўллаш учун тавсия қилинди. Тадқиқотнинг шакллантирувчи тажриба-синов босқичида она тили фани ўқув дастурлари асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришга оид даражаларини белгилашнинг қуйидаги стратегиялари ривожлантирилди:

1) *ақлий ёки когнитив фаолиятда ишлашни белгилайдиган стратегиялар* она тили ва инглиз тили фани ўқитувчиларининг психологик-педагогик билимлари, ўқувчиларнинг билиш, фикрлаш, идрок этиш хусусиятлари, ахборотни сақлаш ва ташқи дунёни талқин қилишга имкон бериши;

2) *қабул қилиш ва диққат жараёнлари стратегияси* ўқитувчининг ўқувчилар билан педагогик мулоқотни ташкил қилиш маҳорати; ўқувчиларнинг эшитиш, тинглаб тушуниш, кўриб тушуниш, гапириш лаёқати, янги билимларни эгаллашларида турли хил топшириқларнинг тушунарлилиқ даражасини анализ-синтез қилиш, диққатни тўғри стимуллаш, креатив фикрлаш муҳитини яратиш, ўқувчилар билан дўстона муносабат ўрната олиш лаёқати;

3) *интегратив ёндашувли стратегиялар*: она тили фанини инглиз тили фани билан боғлаш қобилияти, креативлик салоҳиятининг ривожланишига интилиш лаёқатини ўстириш.

Тажриба-синов ишларининг тегишли тартиб ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади. Тажриба-синов ишлари асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш даражалари аниқлаштирилди. Тадқиқот ишида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш “юқори”, “ўрта” ва “паст” даража мезонларида аниқлаштирилиб кўрсатилди (3.2-жадвалга қаранг).

**Ўқувчиларда лингвистик кўникмалар шаклланганлигини аниқлаш
мезонларининг кўрсаткичлари**

Мезонлар	Кўрсаткичлар		
	юқори	ўрта	қуйи
А2	а) талаффуз ва имлода товуш алмашиши, товуш орттирилиши, товуш тушиши каби ходисалардан ўринли фойдалана олади;	а) талаффуз ва имлода товуш алмашиши, товуш орттирилиши, товуш тушиши каби ходисалардан қисман фойдалана олади;	а) талаффуз ва имлода товуш алмашиши, товуш орттирилиши, товуш тушиши каби ходисалардан фойдаланишга қийналади;
	б) ўзлаштирилган лексик бирликларни гап таркибида қўллай олади;	б) ўзлаштирилган лексик бирликларни гап таркибида маълум даражада қўллайди;	б) ўзлаштирилган лексик бирликларни гап таркибида етарли даражада қўллай олмайди;
	в) фонетик, лексик ва грамматик таҳлил қила олади;	в) фонетик, лексик ва грамматик таҳлилни қисман амалга оширади;	в) фонетик, лексик ва грамматик таҳлил қила етарли даражада уддалай олмайди;
	г) фикрни мантиқий изчилликда ифодалай олади;	г) фикрни мантиқий изчилликда қисман баён этади;	г) фикрни мантиқий изчилликда ифодалай олмайди;
	д) матнда тилнинг ифода воситаларидан фойдалана олади ¹²⁷ .	д) матнда тилнинг ифода воситаларидан маълум даражада фойдаланади.	д) матнда тилнинг ифода воситаларидан фойдаланишни билмайди.

Ўқитувчиларнинг билиш салоҳияти ва саволларни идрок этишларидаги умумий ҳолатлар ўқувчиларда ҳам акс этиши кузатилди. (3-иловага қаранг)

5- синф ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини аниқлаш мақсадида

¹²⁷ Umumiy o'рта ta'limning davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Ona tili Adabiyot. (5–9-sinf) // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. – Toshkent; 2017, 14 (774)-son, 230-modda. –Б.58.

ўтказилган тажриба-синов ишларида биз она тили дарслигида берилган 21-машқни топшириқ сифатида танладик.

Машқ шарти қуйидагича: Абдурахмон Акбарнинг “Рақамли шеърлар” тўпламига кирган “Учқунжоннинг тойчоғи” “шеърини ўқинг. Сонлар билан боғлиқ сўз ўйинига эътибор қилиб, харфга айлантириб кўчиринг”:

Зқунжоннинг тойчоғи

Кимдир тутар довзча,

Шамолдан Зқур.

Ким сув – ҳовзлаб.

Орзу қилар болалар

Кимдир тойчоқ ёлларин

Минмоқни Зқур.

Кўяди силаб.

Минган борки, завқланиб

Дер: – Тулпоржон, З!

Мисданман деб ўқинма,

Осмонларни қЗ!

63-машқ. “Матн асосидаги луғат билан танишинг. Изоҳларига эътибор беринг. Матндан шу сўзлар иштирок этган гапларни кўчиринг”.

Луғат: атмосфера – Ерни ва бошқа планеталарни ўраб турган газсимон қобиқ; озон – кислороднинг бир кўриниши, ўзига хос ҳиди бўлган газ; озон қатлами – атмосферадаги кислородли қобиқ; экология – одам ва табиат муносабатини ўрганувчи фан; пурвиқор – гўзаллик ва виқорга бой.

129-машқ. “Саволларга жавоб беринг”.

1. *Тўмарис ва Широқларнинг жасоратини биласизми?*

2. *Спитамен, Жалолiddин Мангуберди ҳақида эшитганмисиз?*

3. *Темур Малик ким бўлган? Нажмиддин Кубро-чи?*

157-машқ. “Расмларда акс этган мусиқа асбоблари иштирокида 5–6 та гапдан иборат оғзаки матн яратинг. Миллий маросимларга жозиба берувчи куй ҳақида баҳслашинг”.

5-синф дарслигининг 81-дарсида “Янги пайдо бўлган сўзлар” бўлимидаги топшириқларни бажаришда биз она тили дарсини инглиз тили фани билан боғладик. 294- машқ шarti қуйидагича берилган бўлиб, бунда “Матнни кўчиринг ва олинма сўзларнинг тагига чизинг ва изоҳланг” дейилган.

*Одамларнинг 10 фоизи ноёб талантга эга бўлади. Улар интеллектуал ривожланган инсонлар саналади. Маълумотларга кўра даҳоларнинг аксарияти болалик чоғидаёқ ўз истеъдодларини намоён этишган. Ўта талантли болаларни вундеркинд дейишади. Масалан, Алишер Навоий, Имомал Бухорий, Моцартлар саккиз ёшдаёқ ўз заковатлари билан атрофидагиларни лол қолдиришган*¹²⁸. Тадқиқотимиз жараёнида бизнинг интегратив ёндашувлар ҳақидаги фикларимиз ўз исботини топди. Она тили дарсларида ўқувчилар нафақат бир фандан, балки бир дарсинг ўзида бир нечта фанлардан ўз билимларини ошириш имкониятига эга бўлдилар.

8-синф она тили дарслигида берилган 144-машқни ўқувчиларга топшириқ сифатида бердик. Машқ шarti қуйидагича: “Берилган шеърий парчани диққат билан ўқинг. Гап бўлаклари қандай жойлашганлигини аниқланг. Гап бўлаклари ноодатий тартибининг сабабларини тушунтиринг”.

Фарзанд ота қуллугин чу одат қилгай,

Ул одат ила касби саодат қилгай.

Ҳар кимки отага кўп риоят қилгай,

*Ўглидин анга бу иш сироат қилгай (Алишер Навоий)*¹²⁹.

Бу машқ асосида адабиёт дарси билан боғлиқлик ҳолати ҳам мавжуд бўлди.

7-синф она тили дарслигида берилган 160-машқни ўқувчиларга топшириқ сифатида бердик. “Кўчиринг. Кўмакчиларни топиб, остига чизинг. Уларнинг имлоси ҳақида фикрланг. Ғафур Ғуломнинг фикри бўйича мунозара уюштиринг”.

¹²⁸ Mahmudov N, Sobirov A va boshq. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5- sinfi uchun darslik, бешинчи нашр, Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020, –124- b.

¹²⁹ Qodirov M, Ne'matov H va boshq. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. To'rtinchi nashri.– Toshkent: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019, –94- b.

1. *Фурсат заниматдир, шоҳ сатрлар-ла Безамоқ чоғидир умр дафтарин.* (Ғафур Ғулом) 2. *Жуда соз! Албатта, кийиб бирини, сафарга дўстлар-ла мен ҳам чиқаман.* (Зулфия) 3. *Темур тиги етмаган жойни қалам билан олди Алишер.* (А.Орипов) 4. *Юксак қоялардан шиддат билан қўзғалган бургут сурувдаги қўзичоқни илди-ю кетди.* (Езоп) 5. *Қозоқ оқ бўлгани учун унга Сўз битадилар.* (Ў.Ҳошимов) 6. *Уни бир жойга ўтқизиб, куйдирилган наमत билан қонни тўхтатдилар.* (Миркарим Осим) 7. *Юз берган табиий офат туфайли уйимизнинг ҳамма ёғи бузилиб-ёрилиб кетиб, яшаши учун мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолганди.* (М.Қориев) 8. *Кимки тонг ила турса, Мушкул ишлари битгай.* (“Оталар сўзи”) 9. *Шундан бери инсон тинмайин Шу ер узра тер тўкар ҳамон. Ерни гўзал қилгани сайин Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон.* (Е.Воҳидов)¹³⁰.

232-машқни уйга вазифа қилиб топшириқ бердик. Машқ шarti: “Расмга қараб, “Ёш боғбонлар” мавзусида матн тузинг. Унда -у (-ю), -да, на... на ёрдамчилари ҳам юклама, ҳам боғловчи вазифасида келсин”.

Тажриба ишларимиздан аён бўлдики, 7-синф она тили дарслигидаги матн, машқ ва топшириқларнинг ҳар бири бошқа фанлар билан алоқадорликда берилган.

6-синф она тили дарслигида берилган 284-машқни ўқувчиларга топшириқ сифатида бердик. Машқнинг шarti қуйидагича: “Жой номларини маъно гуруҳларига ажратиб, жадвалга жойлаштиринг”. *Чўпонота, Амударё, Европа, Африка, Лондон, Қашқадарё, Дашнобод, Косон, Осиё, Эликқалъа, Ширмонбулоқ, Ғиждувон, Томди, Самарқанд, Бешкент, Қамаши, Сурхондарё, Хоразм, Италия, Узункўча, Учтепа, Найманча, Испания, Грузия, Чорсу, Жартена, Сариосиё, Япония, Ховос, Ғазалкент, Мангит, Хонқа, Ширмонпазлик, Темирчилик, Австралия, Ўртасарой*¹³¹.

Қитъа	Давлат	Шаҳар	Қишлоқ	Вилоят	Туман	Маҳалла
-------	--------	-------	--------	--------	-------	---------

¹³⁰ Mahmudov N, Nurmonov A va boshq. Ona tili. Umumiy o'рта ta'lim maktablarining 7- sinfi uchun darslik. To'ldirilgan va qayta ishlangan to'rtinchi nashri. –Toshkent: Ma'naviyat, 2017. –77-b.

¹³¹ Mahmudov N, Nurmonov A va boshq. Ona tili. Umumiy o'рта ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan to'rtinchi nashri. –Toshkent: Tasvir, 2017. –113-b.

номлари	номлари	номлари	номлари	номлари	номлари	номлари

9-синф она тили дарслигида берилган 210-машқни ўқувчиларга топшириқ сифатида бердик. Машқ шартли куйидагича: “Ўқинг. Матннинг қайси услубга мансублигини айтинг ва услубий хосланган сўзларни аниқланг”.

Моддалар таркибининг доимийлиги қонуни кимёнинг асосий қонунларидан биридир. Бунга мувофиқ, ҳар қандай тоза модда, олиниш усулидан қатъи назар, ўзгармас сифат ва миқдорий таркибга эга бўлади. Масалан, карбонат ангидрид кўп хил усуллар билан синтез қилиниши мумкин: 1) углерод; 2) карбонатларга кислоталар таъсир эттириши орқали ва бошқалар. (“Кимё” дарслигидан.)¹³²

3.2.§. Тил таълимига интегратив ёндашув асосида 5–9-синф ўқувчиларининг лингвистик кўникмаларини шакллантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги

Ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини она тили ва инглиз тили материаллари асосида интеграциялаб ўргатиш бўйича ўтказилган эксперимент ишларидан олинган маълумотлар Пирсон ва Стьюдент критериясига асосланган χ^2 (Хи квадрат) статистикаси асосида математик-статистик таҳлил қилинди (3.3-3.5-жадвалларга қаранг): Тадқиқот ишлари даврида фаолият олиб бораётган она тили фани ўқитувчилари ва инглиз тили фани ўқитувчилари интегратив ёндашув асосида дарсларни ташкил қилиб ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш бўйича тайёргарлик жараёнининг назарий асосларига таянган ҳолда тажриба–синов ишларининг ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Тажриба – синов ишларини амалга ошириш жараёнида бир қанча ишлар амалга оширилди: 1)интегратив ёндашувлар асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришга оид мактабларда ўқитувчилар билан таълимий-методик

¹³² Mahmudov N, Nurmonov A va boshq. Ona tili. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 9- sinfi uchun darslik. Qayta ishlangan va toʻldirilgan 3- nashri. –Toshkent: Tasvir, 2014. –88- b.

тренинглар ташкил этилди; 2) Тил таълимига интегратив ёндашувлар асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришга оид ойдинликлар киритилди. Ўқитувчиларга она тили дарсларида таълимнинг интегратив ёндашувларини аниқлаш амалий ўргатилди. 3) Тил таълимига интегратив ёндашувлар асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришга оид материаллар билан синф ўқитувчилари таништирилди. Тил ўрганишда фанларнинг ўзаро интеграллашуви хусусида тушунча бериш пайтида уларнинг боғлиқлик томонлари, фан мавзулари билан боғлиқлиги жамоада муҳокама қилинди, фанлараро боғлиқликни аниқлаш ва топширик турларини саралаш йўллари амалий жиҳатдан тарғиб этилди; 4) тажриба-синов ишларида иштирок этадиган ўқувчиларнинг ўқув малакаларини аниқлаш учун уларнинг тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш, гапириш, қайта сўзлаб бериш имкониятлари, матн тузиш лаёқатлари синаб кўрилди. Жалб қилинган ўқувчиларнинг лингвистик кўникма, малакалари билан уларнинг тил билиш ва тил ўрганишга бўлган қизиқишлари, синфда ва дарс жараёнида ўзларини тута билиши, ўрганган билимларини юзага чиқаришга интилиши, умумий ҳолатларда ўрганилиб, “юқори”, “ўрта”, “паст” белгилари билан қайд этилди. Олиб борилган тажриба-синов ишларида қатнашган ўқувчиларнинг тайёргарлиги деярли “яхши” деб топилди: ўқувчиларнинг лингвистик кўникма малакалари билан уларнинг тил билиш ва тил ўрганишга бўлган қизиқишлари қониқарли ҳисобланди; синфда ва дарс жараёнида ўзларини тута билиши, ўрганган билимларини юзага чиқаришга интилиши тажриба ишларини ўтказишга мос эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ажратилган синф жамоалари билан тил таълимига интегратив ёндашувлар асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларини ўтказиш мумкин деган хулосага келинди; ўқувчилар томонидан бажарилган уй вазифаси топшириқлари, ўқитувчи томонидан берилган синфдаги вазифаларни бажаришга киришиб кетишларидан ўқувчиларнинг кўп қисми тил ўрганишга қизиқишади деган хулосага келинди. Демак, тажриба-синов ишлари учун ажратиб олинган

синфларнинг жамоалари тажриба-синов таълимини ташкил этиш ва ўтказишга лойиқ эканлиги ақс этирилди. Хулоса шуки, жалб қилинган синф жамоалари билан тил таълимига интегротив ёндашувлар асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларини ўтказиш мумкин.

3.3-жадвал

Ўқувчиларда лингвистик кўникмаларни шакллантириш бўйича олинган дастлабки ва якуний натижалар

Синфлар	Тажриба синфи				Назорат синфи			
	Ўқувчилар сони	юқори	ўрта	қуйи	Ўқувчилар сони	юқори	ўрта	қуйи
		5	4	3		5	4	3
5-синф	150	45/70	75/60	30/20	148	28/69	70/49	50/30
6-синф	142	40/74	74/50	28/18	139	39/70	26/44	74/25
7-синф	140	74/74	26/50	40/16	140	70/70	26/44	44/26
8-синф	136	42/75	26/45	68/16	142	40/72	30/50	72/20
9-синф	142	74/74	28/50	40/18	134	70/70	26/48	38/16
жами	710	275/367	229/255	206/88	703	247/351	178/235	278/117

3.4-жадвал

Тил таълимига интегротив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш бўйича дастлабки ва кейинги ҳолат

Умумий ўрта таълим мактаблари	Респондентлар сони	Тажриба синфи				Назорат синфи			
		Респондентлар сони	Баҳолаш бали			Респондентлар сони	Баҳолаш бали		
			юқори	ўрта	паст		юқори	ўрта	паст
Навоий вилояти	614	310	85/144	149/128	76/38	304	84/153	96/98	124/53
Бухоро вилояти	289	143	77/74	26/50	40/19	146	63/80	26/44	57/22
Самарқанд вилояти	187	90	34/44	26/30	30/16	97	32/46	30/32	35/19
Тошкент шаҳар	323	167	79/105	28/47	60/15	156	68/72	26/61	62/23

3.5-жадвал.

**Назорат синфи ва тажриба синфи гуруҳларида 2020-2022 йиллар
бўйича ўртача ўзлаштириш даражаси**

гуруҳ \ йиллар	2020 йил (дастлабки)	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Назорат синфи	3,9	3,6	3,9	4,1
Тажриба синфи	4,1	4,3	4,4	4,5

Жадвалдан кўринадикки, Назорат синфида йиллар бўйича ўртача ўзлаштириш 78%, 72%, 78%, 82% ни ва ўртача ўзлаштириш 77.5% ни, Тажриба синфида йиллар бўйича ўртача ўзлаштириш 82%, 86%, 88%, 90% ни ва ўртача ўзлаштириш 86.5% ни ташкил қилиб, тадқиқот натижалари асосида ўзлаштириш самарадорлиги ўртача 9,0% га ошганлигини кўрамиз.

Тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлилини 3.3-жадвалдаги Тажриба синфи ва Назорат синфи ўзлаштириш даражаларини солиштириш билан аниқлайлик. Бунинг учун тажриба-синов натижалари асосида қўлланилган инновациялар самарадорлигини текширишни қуйидаги Пирсон ва Стьюдент критериясига асосланган χ^2 (Хи квадрат) статистикаси ёрдамида амалга оширамиз:

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^n X_i^2$$

Бу ерда χ^2 (Хи квадрат) мезоннинг жадвали $k=n-1$ озодлик даражаси билан тақсимланади.

Ўзлаштириш даражаси	ТС ўқувчилари n_i	НС ўқувчилари n'_i	$(n_i - n'_i)^2$	$\frac{(n_i - n'_i)^2}{n'_i}$
Юқори - 5	367	351	256	0.73
Ўрта - 4	255	235	400	1.70
Қуйи - 3	88	117	841	7.18
жами	710	703		9.61

χ^2 (Хи квадрат) мезоннинг жадвалидан $k=3-1=2$ озодлик даражасига ҳамда 1% лик қийматдорлик меъёрига мос келган критик нуқта $\chi_{кр}^2 = 9,21$ га тенгдир.

Маълумки, юқорида $\chi^2 = 9,61$ га тенг эканлигини ҳисоблаб аниқладик.

Бундан $\chi^2 = 9,61 > \chi_{кр}^2 = 9,21$ келиб чиқади.

Демак, самарадорлик юқори даражадаги ($p=0,01$) қийматдорлик меъёрида 99% ишонч билан тўғри деб топилди.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан қўлланилган ёндашувлар лингвистик кўникмалар ривожига ижобий таъсир кўрсатганлиги аён бўлди.

Энди 3.5 –жадвалдаги педагогик тажриба учун танланган ҳар ўқув йилида ўқувчилар ўзлаштириш даражаларини таҳлил қилишга ўтамиз. Қулайлик учун Тажриба синфи ва Назорат синфларидаги ўзлаштириш даражаларини мос равишда x_i ва y_i ($i=1,2,3,4$) орқали белгилаб, қуйидаги танланмани тузиб оламиз:

$$\begin{cases} x_i; & 41 & 43 & 4,4 & 4,5 \\ y_i; & 3,9 & 3,6 & 3,9 & 4,1 \end{cases}$$

Биз бу танланманинг таҳлилин куйидаги тартибда олиб борамиз:

1) Танланманинг ўрта арифметик қийматининг репрезентативлик хатолиги

$$S_x = \frac{s_x}{\sqrt{4}} = \sqrt{\frac{S_x^2}{4}}, \quad S_y = \frac{s_y}{\sqrt{4}} = \sqrt{\frac{S_y^2}{4}}$$

формулалар билан ҳисобланади.

$$\text{Бу ерда } S_x^2 = \frac{1}{4} \sum_{i=1}^4 (x_i - \bar{x})^2, \quad S_y^2 = \frac{1}{4} \sum_{i=1}^4 (y_i - \bar{y})^2$$

танланма дисперсияси ва

$$\bar{x} = \frac{1}{4} \sum_{i=1}^4 x_i, \quad \bar{y} = \frac{1}{4} \sum_{i=1}^4 y_i$$

уларга мос ўрта арифметик қийматларидир.

2) Тажриба синфи ва Назорат синфларига мос келган бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматлари учун ишонч оралиқлари

$$\bar{x} - t_p \cdot s_{\bar{x}} \leq \mu_1 \leq \bar{x} + t_p \cdot s_{\bar{x}} \quad \text{ва} \quad \bar{y} - t_p \cdot s_{\bar{y}} \leq \mu_2 \leq \bar{y} + t_p \cdot s_{\bar{y}}$$

ларни танлаб оламиз.

Бу ерда t_p берилган p эҳтимоликка мос келган оғиш катталиги жадвалдан танланади. Агар $p = 0,95$ деб олсак, $t_{0,95} = 1,96$ бўлади.

Тузилган танланма учун \bar{x} ва \bar{y} ўрта арифметик қийматлар бош тўпламларнинг номаълум μ_1 ва μ_2 ўрта қийматларига яқинлигини кўрсаткичлар орқали аниқлаймиз.

$$C_{\bar{x}} = \frac{c_{\bar{x}}}{\bar{x}} 100\% \quad \text{ва} \quad C_{\bar{y}} = \frac{c_{\bar{y}}}{\bar{y}} 100\%.$$

Танланма бўйича ҳисоблар:

$$\bar{x} = \frac{1}{4}(4,1 + 4,3 + 4,4 + 4,5) \approx 4,3$$

$$S_x^2 = \frac{1}{4}[(4,1 - 4,3)^2 + (4,3 - 4,3)^2 + (4,4 - 4,3)^2 + (4,5 - 4,3)^2] = \\ = \frac{1}{4}(0,04 + 0,00 + 0,01 + 0,04) = 0,25 \cdot 0,09 = 0,0225$$

$$S_x = \sqrt{\frac{0,0225}{4}} = \sqrt{0,005625} \approx 0,075$$

$$\bar{y} = \frac{1}{4}(3,9 + 3,6 + 3,9 + 4,1) \approx 3,8$$

$$S_y^2 = \frac{1}{4}[(3,9 - 3,8)^2 + (3,6 - 3,8)^2 + (3,9 - 3,8)^2 + (4,1 - 3,8)^2] = \\ = \frac{1}{4}(0,01 + 0,04 + 0,01 + 0,09) = 0,25 \cdot 0,15 \approx 0,0375$$

$$S_{\bar{y}} = \sqrt{\frac{0,0375}{4}} = \sqrt{0,009375} \approx 0,096.$$

Демак, $S_x = 0,075 < 0,096 = S_{\bar{y}}$ эканлигидан Тажриба синфи гуруҳида ўртача арифметик қиймат бош тўпламнинг ноъмаълум μ_x ўрта қийматини Назорат синфидагига нисбатан тўғри акс этар экан, Тажриба синфига мос ўрта арифметик қийматнинг репрезентативлик даражаси юқори.

Энди ишонч оралиғини ҳисоблаймиз.

$$\mu_x \in [4,3 - 1,96 \cdot 0,075; 4,3 + 1,96 \cdot 0,075], \quad \mu_x \in [4,15; 4,45]$$

$$\mu_y \in [3,8 - 1,96 \cdot 0,096; 3,8 + 1,96 \cdot 0,096], \quad \mu_y \in [3,61; 3,98]$$

Ҳисобланган ишонч оралиғида танланма учун Тажриба синфига мос ишонч оралиғи Назорат синфига мос ишонч оралиғидан нисбатан тор эканини кўрсатиб турибди. Бу эса, ўз навбатида, Тажриба синфига мос ўзлаштириш даражаси Назорат синфидагига нисбатан яна ҳам ишончли эканлигини кўрсатади.

Энди ўрта арифметик қийматларнинг ва ўрта қийматларига яқинлик кўрсаткичларини ҳисоблаб солиштирамиз:

Юқоридаги танланма жуфтлик бўйича

$$C_{\bar{x}} = \frac{0,075}{4,3} 100\% = 1,74\%$$

$$C_{\bar{y}} = \frac{0,096}{3,8} 100\% = 2,52\%$$

Демак, $C_{\bar{x}} < C_{\bar{y}}$ келиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, Тажриба синфлари бўйича ўртача арифметик қийматнинг репрезентативлик даражаси юқори ва бу гуруҳлардаги йиллар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳақиқий билимларни тўғри ва ишончли акс этишидан далолат беради. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда олиб борилган педагогик тажрибалар натижалари ишончли ва улар самарали эканлигини кўрсатамиз.

Олинган натижалардан умумий ўрта таълим мактаблари 5–9-синф ўқувчиларининг она тили материалларини интеграциялаб ўргатиш орқали лингвистик кўникмаларини шакллантириш самарадорлиги тажрибадан

кейинги ҳолат тажрибадан олдинги ҳолатдан анча юқори эканлиги маълум бўлади. Эришилган натижалардан ўқувчиларининг лингвистик кўникмаларини шакллантириш жараёни самарали кечган дейиш мумкин.

Учинчи боб бўйича хулосалар

1. Тил таълимида она тили материалларини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг лингвистик компетенциялари ривожланганлик даражасини аниқлашга доир тажриба-синов ишларини амалга оширишда ақлий ёки когнитив фаолиятда ишлаш; қабул қилиш ва диққат жараёнлари ҳамда интегратив ёндашувли стратегиялар мазмуни белгиланган.

2. Она тили дарсларида инглиз тили материалларини интеграциялаб ўрганиш орқали 5–9-синф ўқувчиларининг лингвистик кўникмаларини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва усуллари такомиллаштирилиб, тил таълимини интегратив ёндашув асосида ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган.

3. Ўтказилган тажрибалар она тили ва инглиз тили фанлари ўқитувчиларининг ўқувчилардаги эшитиш, тинглаб тушуниш, кўриб тушуниш, гапириш лаёқати, янги билимларни эгаллашларида турли хил топшириқларнинг тушунарлилик даражасини анализ-синтез қилиш, диққатни тўғри стимуллаш, креатив фикрлаш муҳитини яратиш, ўқувчилар билан дўстона муносабат ўрната олиш каби касбий сифатларига боғлиқлигини кўрсатди.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Она тили таълимига интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантириш бўйича ўтказилган илмий таҳлиллар, ишлаб чиқилган методик кўрсатмалар, тавсияларни умумлаштириш ва уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Таълимни табақалаштиришни рад этмайдиган, уни тўлдирадиган интеграцияни тил таълимига киритиш яхлит дунёқарашга, ўзидаги бор билимларини мустақил тартибга солиш ва турли муаммоларни ҳал қилишга ноанъанавий ёндашиш қобилиятига эга бўлган билимдон ёшларни тарбиялаб, камолга етказишда анъанавий предметларга бўлиб ўқитишга нисбатан кўпроқ ёрдам беради.

2. Ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларини шакллантиришга доир интегратив-тематик ёндашувда ўқув жараёнининг мазмуни, методик ва ташкилий бирлиги сифатида ўқув фанининг мавзулари (бўлимлари) олинди. Ҳар бир мавзунинг асосий ғояси, бир томондан, курснинг етакчи ғояларига тегишли бўлса, иккинчидан, уларнинг моҳиятини очиқ бериш, яъни мавзуни

ўрганиш жараёнида муҳим жиҳатларни аниқлаштиришга имкон берди.

3. Лингвистик кўникмаларни шакллантиришга доир интегратив мавзулар таркибига инсон ва олам ўртасидаги боғлиқликни акс эттиришга доир ўқувчи идрокида абстракт бўлган узоқ (космос, юлдузлар, сайёралар, катта бўшлиқлар, вақт) ва яқин олам (микроолам, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси, она Ватан ва бошқа мамлакатлар табиати) ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш; инсонлар билан (турли мамлакатлар ва маданиятлар, цивилизация марказлари, инсоннинг инсон ва жамият билан муносабати, ички дунёси); маданий дунё билан (фольклор намуналари, олимлар ва рассомлар ижоди, маънавий қадриятларга оид асарлар), бир сўз билан айтганда, олам ичра саёҳатнинг мавжудлик қонуниятлари, тилларнинг ўзига хос хусусиятларини очиш каби мавзуларни киритиш мақсадга мувофиқ.

4. Ўқувчиларнинг лингвистик кўникмаларига ўзлаштирилган мавзу доирасида норасмий мулоқотнинг стандарт вазиятларида диалоглар ўтказиш, изчил монологик баёнот тузиш, воқеаларни тавсифлаш, ҳаётдаги реал ёки бадиий асар қаҳрамонлари ҳақида қисқача маълумот бериш, шунингдек, ўқилган матннинг асосий мазмунини етказиш кўникмалари ҳам киради. Шу асосда ўқувчилар оддий аутентик матнларнинг асосий мазмунини англаш ва тушуниш, улардан зарур хулосалар чиқариш кўникмаларига эга бўладилар.

5. Лингвистик билимлар тил бирликлари, хусусан, сўз, морфема, сўз бирикмаси ва гапга муносабатни параллел шакллантириш орқали ўзлаштирилади. Сўзга лингвистик муносабат товуш-ҳарф томонидан таҳлил қилиниб, улар ўртасидаги боғланишни аниқлаш; морфемик таҳлил қилиш, лексик маъно беришда морфеманинг ўрнини тушуниш; грамматик таҳлил қилиш ва унинг муайян сўз туркумига хослиги билан ўзаро боғлиқлигини англаш кўникмасини шакллантириш орқали такомиллашиб боради.

6. Она тили таълимида кириб келаётган янги сўзларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш (лингвистик ва маданий сўзлар, белги, мавҳум сўзлар ва ҳ.к.), грамматик ҳодисалар; ўқувчиларнинг тил билиш тажрибасини орттиришга доир топшириқлар (саҳналаштириш, сюжет ва мазмунни

муҳокама қилиш, вазиятни тавсифлаш; мақсад ва мотивларни шакллантириш учун мулоқот қилишга қизиқтириш, ўзаро таъсир ўтказиш); минтақавий маълумотлар ҳақида хабар бериш каби фаолият турларининг интеграциялашуви ўқувчиларнинг лингвистик кўникмалари ривожига ёрдам беради.

7. Фанлараро алоқа асосида тил ўрганиш ўқувчиларнинг баъзан қоида, баъзан нутқ намуналари ва ҳар хил мавзуларга оид матнлар шаклидаги тил материаллари бўйича билимларига таянади. Ўқувчилар тафаккурнинг объектив мазмунини акс эттиришнинг ўзига хослигини, унинг замиридаги мазмун ва белгилар ифодасининг тузилишини тушунганларидан кейингина иккинчи тилни ўзлаштириш бошланади.

8. Ўқувчиларнинг тил билиш кўникма ва малакаларининг фаоллашуви она тили қоидалари билан узвий боғланади. Чунки ўқувчиларнинг бошқа тилга доир билим ва малакаларни ўзлаштиришларига қараб, уларнинг мазкур тилдаги матнларни идрок этиш жараёнидаги дастлабки тушунчалари тобора кенгайиб, аниқлашиб ва чуқурлашиб боради. Бу ҳол она тилини инкор этмайди, балки ўзга тил материални бевосита ўзлаштириш ва тўплаш орқали тафаккурининг бойишига имконият яратади.

тавсиялар

1. Она тили фанининг интеграциялашувини акс эттиришга, методик мослигини мужассамлаштиришга бўлган талабни амалга ошириш учун тилни ўзлаштиришни 5-синфдан бошлаб тизимли равишда назарий маълумотларни амалда бойитиш зарурияти сезилади.
2. Она тили дарсларида интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантириш жиҳатлари она тили фанига қараганда сезиларли даражада юқорилигини ҳисобга олиб, ушбу кўникмаларни ўстиришга асосланган таълим турларига эътиборни кучайтириш керак.
3. Интегратив ёндашув асосида лингвистик кўникмаларни оширишда лексик ҳамда грамматик тил ҳодисаларининг узвийлик ва

узлуксизлик муаммоларига бағишланган илмий-амалий тадбирлар режасини тузиш.

4. Она тили дарсларини интегратив ташкил қилиш учун лингвистик кўникмаларни ўстиришда фанлараро боғланиш масалаларининг тизимли равишда кенг қамровли режа ва дастурини тузиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга

молик нашрлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони.–Тошкент, 2019 йил, 29 апрель. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/>

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 146 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ- 4947-сон Фармони. – Тошкент, 2017 йил 7 февраль. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022 - 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-134-сон Фармони. – Тошкент, 2022 йил 11 май. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/>

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ - 5850-сон Фармони. – Тошкент, 2019 йил 21 октябрь. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли Фармони. – Тошкент, 2018 йил 5 сентябр. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/>

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил

сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084- сонли Фармони.– Тошкент, 2020 йил 20 октябрь.Электрон манба: <https://lex.uz/docs/>

9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 76 б.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 62 б.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 62 б.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-997-сон қарори.–Тошкент, 2018 йил 8 декабр. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/>

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-312-сон қарори. – Тошкент, 2021 йил 19 май. Электрон манба: <https://lex.uz/ru/docs/>

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2017 йил 6 апрел, 187-сонли қарори. Электрон манба: www.lex.uz/doks/

II. Илмий-назарий адабиётлар

1) Миллий нашрлар

15. Бушуй Т.А., Сафаров Ш.С. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси илмий-нашр. – Тошкент: Фан, 2007. –278 б.

16. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 431 б.

17. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология. –

Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2001. – 198 б.

18. Ирисқулов М. Т. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи,1992. –256 б.

19. Йўлдошев Р.А., Миржалолова Л.Р. Она тили таълимида компетенциявий ёндашув: Методик қўлланма. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети, 2019. – 174 б.

20. Mavlonova K va boshq. Она тили. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Yangi nashr , –Toshkent: Respublika taʼlim markazi, 2022. – 224 б.

21 . Mavlonova K va boshq. Она тили. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. Yangi nashr , –Toshkent: Respublika taʼlim markazi, 2022. – 224 б.

22. Mahmudov N. Oʻzbek tili meʼyorlari (punktuatsiya). - Toshkent: Zamin nashr, 2021– 232 б.

23. Мавлонова Р., Раҳманкулова Н. Бошланғич таълимни интеграциялаш. – Тошкент, 2011. – 126 б.

24. Матчонов С. ва бошқ. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ишончли ҳамкор, 2021. – 696 б.

25. Mahmudov N. va boshq. Она тили. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 190 б.

26. Mahmudov N. va boshq. Она тили. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. –Toshkent: Tasvir, 2017. –195 б.

27. Mahmudov N. va boshq. Она тили. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Maʼnaviyat, 2017. – 157 б.

28. Mahmudov N. va boshq. Она тили. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. –Toshkent: Tasvir, 2014. –128 б.

29. Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – 216 б.

30. Roziqov O, Mahmudov M, Adizov B, Hamroyev A. Она тили didaktikasi.

Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. –387 b.

31. Svetlana Xan., Ludmila Kamalova., Lutfullo Jo`rayev Teens` English 7 Umumiy o`rta talim maktablarining 7-sinf uchun darslik – Toshkent: O`zbekiston, 2019 – 160 b.

32. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. – Toshkent: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2015. – 157 б.

33. Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиёдова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. –Toshkent: Янги аср авлоди, 2006. – 174 б.

34. Юсупова Т.А. Синтаксисни морфологияни такрорлаш билан боғлаб ўрганиш методикаси (5-синф ва 8-синф она тили дарслари мисолида). Монография. – Toshkent: Фан ва технология, 2009. – 176 б.

35. Қодиров М. ва бошқ. Она тили. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. – Toshkent: Чўлпон, 2006. – 165 б.

36. Қосимова К., Матчонов С., Гуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиш методикаси. – Toshkent: Ношир, 2009. – 352 б.

37. Гуломов А., Нематов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. – Toshkent: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.

38. Хусанбоева Қ., Ниёзметова Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Toshkent: Инновация-Зиё, 2020. – 352 б.

2) Хорижий нашрлар

39. Бим И.Л. Методика обучения иностранным языка как наука и теория школьного учебника. – Москва: 1977. – 288 с.

40. Brumfit, Christopher. Communicative Methodology in Language Teaching. Cambridge: Cambridge University Press, 1984. – 176 б.

41. Выготский Л. С. Психология развития ребенка. – Москва: Изд-во Смысл, Изд-во Эксмо, 2005. – 415 с.

42. Гез Н.И. Обучение лексике // Методика обучения иностранным

языкам в средней школе. – Москва: Высшая школа, 1982. – 273 с.

43. Данилюк А.Я. Теоретико-методические основы интеграции в образовании. – Ростов-на-Дону, 1997. – 176 с.

44. Коменский Я. Великая дидактика. Избранные педагогические сочинения: В 2-х т. Т.1. – Москва: Педагогика, 1982. – 476 с.

45. Коменский Я., Локк Д., Руссо Ж., Песталоцци И. Педагогическое наследие. – Москва: Педагогика, 1989. – 416 с.

46. Martinet A. *Eléments de linguistique générale*, volume 349 de la Collection Albin Michel, 1973. – 221 б.

47. Mizne, Claire Ann. Teaching sociolinguistic competence in the ESL classroom (1997). Senior Thesis Project. 1993-2002. – 53 б.

48. Richards, Jack C. *Communicative language teaching today. The USA*: Cambridge University Press, 2006. – 52 б.

III. Луғатлар

49. Мадвалиев А., Маҳкамов Н ва бошқ. Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати. – Тошкент: Донишманд зиёси, 2020. – 280 б.

50. Madvaliyev A. *Va boshq. Ijtimoiy-siyosiy terminlarning qisqacha izohli lug`ati*. – Toshkent: Sahhof, 2021. – 308 б.

51. Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I. А-Д. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2020. – 680 б.

52. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007. – 687 б.

53. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. К ҳарфи. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. – 864 б.
www.ziyouz.com кутубхонаси.

IV. Бадий адабиётлар

54. Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 240 б.

V. Диссертация ва авторефератлар

55. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишидаги академик-лицейларда математика ўқитиш мисолида): Пед. фан. док. дисс. ...автореф. – Тошкент, 2006. – 49 б.

56. Азизова Ф.С. Юқори босқич талабаларига фразеологизмларни таржима қилишни ўргатиш методикаси (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Пед фан. ном. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.

57. Абдрахманова И.Э. Перевод как средство обучения на уроках родного языка в 7-9 классах общеобразовательной школы: автореф.дисс. канд. наук. – Москва, 1996. – 20 с.

58. Асаулюк Е.П. Межпредметная интеграция как средство интеллектуального развития младших школьников: автореф.дисс. канд. наук. – Воронеж, 2012. – 24 с.

59. Бабкина М.В. Использование межпредметных связей в процессе развития речи на уроках русского языка: автореф.дисс. канд. наук. – Москва, 1998. – 42 с.

60. Бакиева Х.С. Бошланғич синф ўқувчиларида мустақил таълим орқали нутқ ва тафаккурни ривожлантириш методикаси: Пед. фан. б-ча фал. фан. док. ... дис. автореф – Самарқанд, 2019. – 45 б.

61. Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараёнида ўйин-топшириқларидан фойдаланиш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Бухоро, 1996. –145 б.

62. Жажева Д.Д., Жажева С.А. Формирование лингвистической компетенции на основе использования дидактической игры: дисс. канд. пед. наук. – Москва, 2018. – 130 с.

63. Зиядова Т.У. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз

бойлигини ошириш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 148 б.

64. Иванов В.Г. Междисциплинарная интеграция общего и специально-технического образования в средней профессиональной школе: На примере изучения физики и специально-технических дисциплин: дисс.... док. пед. наук. – Москва, 1999. – 216 с.

65. Кенжаева М.А. 5–6-синф ўқувчиларида лингвистик компетенцияларни ривожлантириш методикаси: Пед. фан. б-ча фал. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2021. – 146 б.

66. Константинова Л.А. Лингводидактическая модель обучения студентов-нефилологов письменной научной речи текста: автореф. дисс. канд. пед. наук. – Тула, 2004. – 52 с.

67. Мавлонова К.М. Она тили фанини адабиёт фани билан бадий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш: Пед. фан. б-ча фал. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 2019. – 54 б.

68. Майенова М.Р. Лингвистические принципы адаптивования художественного текста: дисс. канд. пед. наук. – Москва, 2005. – 212 с.

69. Махкамова Г.Т. Формирование межкультурной компетенции студентов филологического вуза: (английский язык): автореф. дисс.... док. пед. наук. – Тошкент, 2011. – 47 с.

70. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Пед. фан. док. дисс... – Тошкент, 1995. – 253 б.

71. Пыхина Н.В. Педагогического условия формирования лингвистической компетенции на этапе начального иноязычного образования дисс. ... канд. пед. наук – Нижний Новгород, 2002. – 235 с.

72. Рузметова Д.А. Талабаларга инглиз тили потенциал лексикасини ўргатиш: пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Чирчиқ, 2021. – 48 б.

73. Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан

фойдаланиш методикаси: пед. фан. ном. ... дисс. –Тошкент, 2000. – 128 б.

74. Саимназарова Д.А. Талабаларга инглиз тилида матн ўқишни ўргатиш инновацион технологиялари: пед. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Чирчиқ; 2021. – 47 б.

75. Тенис А.О. Интеграция сознательного и бессознательного в раннем обучении английскому языку (грамматический аспект): автореф. дисс. канд. пед. наук. – Пятигорск, 2009. – 45 с.

76. Уколова З.С. Интегративный подход к формированию коммуникативной компетенции студентов в профессионально-иноязычной подготовке: автореф. дисс. канд. пед. наук. – Самара, 2006. – 43 с.

77. Черепанова Л.В. Формирование лингвистической компетенции школьников в основной общеобразовательной школе [Текст]: дисс. док. пед. наук / Черепанова Л.В. – Москва, 2005. – 457 с.

78. Юлдашева Н. Умумий ўрта таълим мактабларида луғавий синонимларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикаси: пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2002. – 123 б.

79. Юсупова М.А. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш тизими: пед фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. – Чирчиқ, 2020. – 131 б.

80. Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида): пед. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2005. – 279 б.

81. Юсупова Г. Бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълимдан фойдаланиш методикаси: пед фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. – Урганч, 2020. – 143 б.

82. Ярулов А.А. Интегративное управление формированием среды образования в школе: дисс.... док. пед. наук. – Москва, 2008. – 415 с.

83. Қосимова Н.А. Она тили таълими жараёнида ўқувчилар нутқини сўз маънодошлари билан бойитиш: пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 156 б.

84. Қурбонова О.Б. 10–11-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш: пед. фан. бўй. фалс. док. дисс. (PhD) автореф. – Тошкент, 2021. – 45 б.

85. Қурбонова Х. Қ. Она тили таълими мазмунини янгилашнинг лингвометодик асослари: пед. фан. ном. ... дисс. – Бухоро, 2005. – 155 б.

86. Ғаниев Т.Т. Она тилидан машқ бажариш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш. Пед. фан. номз. ...дисс. –Тошкент: 1991. –194 б.

87. Ҳамроев А.Р. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш: пед. фан. док. (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2020. – 249 б.

VI. Илмий тўплам, журнал ва газеталардаги мақолалар

88. Абдуллаева М. Бошланғич таълимда ўқувчиларни модулли таълим технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг педагогик асослари // Халқ таълими. – Тошкент, 2016. – № 6. – Б. 38-41.

89. Абдуллаева Ш. Лойиҳалар усули // Касбий фанлар методикаси. – Тошкент, 2013. – № 2. – Б. 10-12.

90. Гулямова М. Ўзбек ва инглиз тилларида идиомаларни таққослаб ўрганиш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2015. № 8. – Б. 47-48.

91. Гончарова Н.А. Принципи развития иноязычной лингвистической компетенции студентов-филологов (на материале национальных вариантов английского языка) Н.А.Гончарова, Г.В.Крестина // Вест. Челяб. гос. пед. ун-та. 2009. – № 2. – С. 32-39.

92. Давра суҳбати: Узлуксиз таълим тизимининг долзарб муаммолари // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2013. – № 4. – Б. 3-14.

93. Ерофеева И.В. Жизнь, посвященная языку: Бодуэн де Куртенэ и мировая лингвистика. Международная конференция (VIII Бодуновские чтения). Казань, 2021.– Т.2.– 280 с.

94. Камбарова С. Адабиётдан блок дарслар қандай ташкил этилади //

Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2021. – № 11. – Б. 18-22.

95. Корнев В.А. Сопоставительная семантика и проблема межъязыковой интерференции. // Языковая семантика и образ мира. – Казань. 1997. Т.1. –С. 82-84.

96. Колягин Ю.М., Алексеенко О.Л. Интеграция школьного обучения // Начальная школа. Россия, 2001. №9. С. 28-31.

97. Мамажонов Н. Инглиз тилини ўқитишда ўқувчиларнинг она тили тажрибасидан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2012. – № 10. – Б. 17-20.

98. Матназарова К. Ишбилармонлик ўйинлари – ўқитишнинг фаол методи // Халқ таълими. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 30-34.

99. Матмуротова З. Чет тилларни ўргатиш самарадорлигини ошириш усуллари. Молодой ученый, 2017. – № 24. 2. – С. 37-38.

100. Маҳмудов Н. Тил таълими ва стилистика // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б. 3-9.

101. Муртазаев А. Инглиз тилида техникага оид терминларни ўргатишнинг лингводидактик асослари // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2020. – № 5. – Б. 31-32.

102. Muhammadiyev K. Ta`lim samaradorligini oshirishda fanlararo bog`lanishni tashkil etish //Ta`lim, Fan va Innovatsiya. – Тошкент, 2021. № 5. – В. 47-48.

103. Намозов А. Хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишда чет эл тажрибаси ҳамда фанлараро боғланиш самараси // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2021. – № 11. – Б. 22.

104. Рузметова М. Ўзбек ва инглиз тилларида олмошларнинг қиёсий таҳлили //Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2012. – № 10. – Б. 14-16.

105. Рўзимухаммад Б. Буюк шахслар силсиласи // Маърифат. – Тошкент, 2002. – № 26. – Б. 6

106. Самибоева Г. Ўқувчиларга инглиз тилини ўргатишда интефаол усуллардан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2016. – №7.

– Б. 17-19.

107. Саттаров Т., Имомов И. Хорижий тил ўқитувчисининг касбий омилкорлиги(лаёқати)ни шакллантириш тажрибасидан // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2012. – №12. – Б. 11-13.

108. Сафарова Р., Нуржанова Р. Ўқув жараёни самарадорлигини таъминлашда модулли технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари // Халқ таълими. – Тошкент, 2017. – № 5. – Б. 22-26.

109. Содикова Н., Мўминова М. Инглиз тилидаги предлогларни ўзбек тилидаги келишиқлар билан қиёслаб ўргатиш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2012. – № 1. – Б. 8-13.

110. Суюнова Х.А. Инглиз тили дарсларида ўқувчилар фаоллигини оширишда эртак ва ўйинлар // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 78-83.

111. Суюнова Х.А. Чет тилини ўқитишда матнлардан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2011. – № 9. – Б. 76-80.

112. Суюнова Х.А. Ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2018. – № 6. – Б. 8-23.

113. Суюнова Ҳ.А. “Тил таълимида интегротив ёндашувни ташкил этишда саёҳат дарсларининг аҳамияти” // ЎзМУ Хабарлари. – № 1/2/1, Тошкент, 2020. – Б. 147-152.

114. Суюнова Ҳ.А. “Тил таълимига интегротив ёндашувларнинг ўрни ва аҳамияти хусусида” // Муаллим журнали. Нукус, 2021. – № 4/1. – Б. 12-15.

115. Суюнова Ҳ.А. Ўқувчилар нутқини ўстиришда интегротив ёндашувнинг аҳамияти. // Педагогик Маҳорат. Бухоро, 2021. – №3. Б. 170-175.

116. Суюнова Ҳ.А. Инглиз тили ва она тили дарсларида ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини шакллантириш усул ва воситалари // НамДУ илмий ахборотномаси. 2021. – №11. Б. 458-461.

117. Султонова Қ. Методистлар тавсияси // Умумтаълим фанлари методикаси. – Тошкент, 2014. – № 11. – Б. 5-8.

118. Суярова Г. Қиёс – она тили ва чет тилларни ўрганиш асоси // XXI асрда ўзбек тили таълими масалалари. “Ўзбек тили” доимий анжумани материаллари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 132.

119. Suyunova H.A. Jumayeva Sh. The way of designing effective communicative activities for english for specific purposes of classes. // O‘zMU Xabarları. – Тошкент, 2020. – № 1/2. – В. 228- 230.

120. Тажибаев Ғ. Бошланғич синф ўқувчиларига чет тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари // Халқ таълими. – Тошкент, 2014. – № 4. – Б. 16-20.

121. Тажибаев Ғ. Бошланғич синф ўқувчиларининг инглиз тили бўйича билим, малака ва кўникмаларини ривожлантиришда ролли ўйин технологияларидан фойдаланиш // Халқ таълими. – Тошкент, 2016. – № 6. – Б. 59-63

122. Толипова Р. Она тилини ўқитиш муаммолари // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2010. – № 1. – Б. 3-12.

123. Thompson, G. Some misconceptions about communicative language teaching. ELT Journal, 1996, 50 (1). Oxford University Press – P. 9-15.

124. Уккиев Э. Хорижий тил дарсларида янги ўйинлар // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2016. – № 10. – Б. 28.

125. Улуқов Н. Лингвистик компетентликни шакллантириш омиллари // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2018. – № 6. – Б. 16.

126. Фозилов О., Муродов Ш. Чет тили ўқитишда халқ паремаларининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2020. – № 11. – Б. 36.

VII. Интернет сайтлари

127. <https://lex.uz/docs/>

128. www.press-service.uz

129. http://www.trace.tennessee.edu/utk_interstpl!20

130. <https://ru.wikipedia.org>

131. <https://hozir.org/karima-qosimova-safo-matchonov-xolida-gulomova->

1-илова

Она тили дарсларида тилни интеграциялаб ўрганиш жараёнида билимларнинг изчиллиги қандай таъминланади? Аввало, ўқув дастурлари лингвистик материални ўрганишда янги ўрганиладиган материалнинг илгари ўрганилганлар билан илмий асосланган боғланишини аниқлашга имкон берадиган изчилликни кўзда тутати. Ўқитувчи бу боғланиш моҳиятини аниқ тасаввур қила олиши зарур. Ўзаро боғлиқ бўлган тил ҳодисаларини кетма-кет ва параллел ўрганиш мумкин. Уларнинг қайси бирдан фойдаланиш маъқулроқ деган масала кўпроқ материалнинг лингвистик моҳиятидан келиб чиқиб ҳал қилинади. Масалан, кишилиқ олмошлари феълдан олдин ўрганилади. Бу эса феълнинг шахс-сонда тусланишини кишилиқ олмошларига боғлаб ўрганиш шарт-шароитларини кенгайтиради. Ўқитувчи янги мавзунини аввал ўрганилган материаллар билан боғлайди. Бунинг учун тил тушунчаларини таққослайди ва бир-бирига қарама-қарши қўяди. Хусусан, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни ўрганишда улар сўз ясовчи қўшимчалар билан таққосланади. Сўз ясовчи қўшимча янги сўз ҳосил қилиш учун хизмат қилса, сўз ўзгартирувчи қўшимча сўз шаклини ўзгартириш, яъни гапда сўзларни боғлаш учун хизмат қилиши мисоллар орқали аниқланади. Масалан, 6-синф она тили дарслигида “Сўз ясовчи қўшимчалар” мавзуси юзасидан 66-машқ шарти: “-ли,-сиз,-дош,-чи,-илла,-ла қўшимчалари ёрдамида сўзлар ясанг ва улар иштирокида гаплар тузинг”.

59-машқ. “Сўзларни икки гуруҳга ажратинг. Биринчи гуруҳга янги маъно берувчи, иккинчи гуруҳга қўшимча маъно юкловчи қўшимчали сўзларни ёзинг”.¹³³

¹³³ Mahmudov N. va boshq. Ona tili. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Tasvir, 2017. – 23- b.

“Билим – бу куч!” ёки “Билим кучдир!”. 6-синф она тили дарслигининг “Сўз таркибида тартиб” бўлимида ўқувчиларга она тилида сўзларнинг жойлашиш тартиби ҳақида бир неча машқлар берилган. Дарсликда “билиб олинг” эслатмасида сўз тартиби айтиб ўтилган бўлиб, ўқувчилар қонидани диққат билан ўрганиб чиқишлари лозим ҳисобланади. Сўзларнинг жойлашуви қуйидагича бўлади: асос+сўз ясовчи+луғавий шакл ясовчи + синтактик шакл ясовчи. (6-синф учун дарслик: 30-31-бетлар). Сўз яшаш тартибини қуйидаги машқ мисолида кўриб чиқамиз:

81-машқ. Нуқталар ўрнига берилган қўшимчалардан мосини тартиб билан жойлаштиринг.

Пахта.....(-чилик,-ла,-лар,-га,-ка), терим.....(-чи,-лар,-га,-дон,-паз), дўст.....(-лик,-лар,-ларча), боғ....(-дон,-бон,-паз,-га,-да). Энди инглиз тили дарслигида берилган инглиз тилида сўз тартиби қондасини кўриб чиқамиз. Инглиз тили ва она тилида гапдаги сўз тартиби бир-бири билан фарқ қилади. Инглиз тилида гапда олдин эга, кейин кесим, сўнгра тўлдирувчи, кейин ҳол келади. Инглиз тилида гапда сўз тартиби алмаштирилиб юборилса гап мантиқсиз бўлиб қолади. Она тилида эса гапда сўз тартибида тўлдирувчи ва ҳолнинг ўрни алмашиб келиши мумкин, аммо кесим ҳар доим гапда охирида келади. Агарда гапда эгадан кейин кесим қўйилса гап бўлаклари бир-бири билан мантиқан тўғри келмай қолади.

English	ega	kesim	To`ldiruvchi	Hol
	Pupils	Are reading	A book	Now
Uzbek	Ega, to`ldiruvchi, yoki hol			Kesim
	Do`stlarim	Hozir	Tennis	O`ynashyapti
	Hozir	Do`stlarim	Tennis	
Do`stlarim	Tennisni	Hozir		

Бундай ҳолда, ўқувчига иккала тилдан яъни инглиз тили ва она тилидан ўзлаштирилган билимлари қўл келади. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, ўқувчининг ўз она тилидан ўзлаштирилган билимлари ўзга тилни ўрганишга қўл келади.

3-илова

5-синф “Она тили” дарслигида 80-дарс “Ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари. Ўз ва ўзлашган сўзлар” мавзуси берилган. Тил доимий равишда бойиб боради. Унинг бойиши икки усул орқали амалга оширилади.

1. Ички имконият асосида. Бунда шевага хос сўзлар олинади. 2. Ташқи имконият асосида. Чет тиллардан сўзлар олинади. Бу сўзлар олинма сўзлар дейилади. Масалан: метро, файл, маркет ва бошқ. Шу ўринда ўқувчиларга қуйидаги топшириқ берилади:

291-машқ асосида мустақил равишда олинма сўзларга мисоллар келтириш ва улар асосида гаплар тузиш шарти берилади.

1-ўқувчи томонидан “internet” сўзини мисол қилиниб, шу асосда “Мен интернетдан керакли маълумотларни юклаб олдим” гапи шакллантирилади.

2-ўқувчи томонидан эса “market” сўзи топилиб, “Опам менга маркетдан қизил олма харид қилди” гапи тузилади.

3-ўқувчи “shou” сўзини қатнаштириб “Кеча мен телевизорда қизиқарли шоу томоша қилдим” гапини ҳосил қилади.

Мана шу ҳолатда ўз-ўзидан фанлараро интеграция юзага келади. Зеро, ўқувчи шу сўзларга инглиз тили дарсларида ҳам дуч келади. Ўқувчиларнинг инглиз тили дарсларида ўзлаштирилган билимлари она тили дарсларида қўл келади. Масалан, 5-синф “Инглиз тили” дарслигидан ўрин олган “Unit. 8 “Things I like” бўлимидаги “Lesson 2 Do you have a hobby?” қисмида “Chain drill” машқини бажариш топшириқ сифатида берилади. Ўқувчилар бирма-бир саволларга жавоб берадилар:

1st pp: Do you have a hobby? – Yes I like playing tennis;

2nd pp: I like to play basketball;

3rd pp: I like listening pop music.

Худди шундай амалий машғулотлар юзасидан 7-синф “Она тили” дарслигида берилган “Мустақил сўз туркумлари” ҳақида маълумот бўлимининг “Олмош – сўз туркуми ва унинг таснифи” мавзуси¹³⁴ ўрганилганда қуйидагилар мустаҳкамланади:

Олмошнинг маъносига кўра турлари

Турлари	Олмошлар
Кишилик олмошлари	Мен, сен, у, биз, сиз, улар
Ўзлик олмошлари	Ўз
Кўрсатиш олмошлари	Бу, шу, у, ўша, ана, мана, мана бу, мана шу, манави, анови
Сўроқ олмошлари	Ким? Нима? Қаер? Қанақа? Қайси?
Белгилаш олмошлари	Ҳамма, барча, бари, ҳар бир, ҳар нима, ҳар қайси, баъзи
Бўлишсизлик олмошлари	Ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч нарса, ҳеч қачон, ҳеч қанақа, ҳеч қайси
Гумон олмошлари	Кимдир, нимадир, аллаким, аллақачон, аллақандай, алланарса, аллақанча, аллақайси

42-машқ. Ўқувчиларга “Дафтарингизга жадвал чизинг ва қуйида берилган олмошларни унга жойланг. Ушбу олмошларнинг қайси биридан кўп фойдаланасиз? Шу ҳақида сўзлаб беринг” деган топшириқ берилади.

Олмошлар: ким, нима, қаер, мен, сен, ўз, у, бу, шу, қанақа, қандай, ҳамма, барча, бари, кимдир, нимадир, биз, сиз, улар, ана, мана, ҳеч ким, ҳеч нима, ҳар бир, ҳар ким, ҳар қандай, нега, нима учун, мана бу, анови.

1-ўқувчининг ишидан намуна:

Кишилик олмоши	Ўзлик олмоши	Кўрсатиш олмоши	Сўроқ олмоши	Белгилаш олмоши	Гумон олмоши
мен, сен, у	Ўз	мана, ана	ким?, нима?	Ҳамма, ҳар қайси, ҳар ким	кимдир, нимадир

2-ўқувчининг бажарган ишидан намуна:

Кишилик олмоши	Ўзлик олмоши	Кўрсатиш олмоши	Сўроқ олмоши	Белгилаш олмоши	Гумон олмоши
биз, мен	менинг ўзим	ана, мана бу	қандай?, ким	барча, ҳар қайси	нимадир, аллаким

Берилган топшириқ юқоридаги тартибда бажартирилади.

Ўқувчиларнинг она тили дарсларида олган билимлари инглиз тили

¹³⁴ Mahmudov N. va boshq. Ona tili. Umumiy o'рта ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Ma'naviyat, 2017. – 17-18 b.

дарсларида аскотади, бу ўринда фанлар ўзаро интеграциялашуви кузатилади.

7-синф “Инглиз тили” дарслигининг “Grammar information” (“Грамматик маълумотлар”) бўлимида ҳам олмошлар ҳақида маълумот берилган¹³⁵.

Pronouns (Олмошлар)

Шахслар		Кишилик олмошлари	Эгалик олмошлари	Объект келишигидаги олмошлар
Бирлик	I	I (мен)	My (менинг)	Me (мени, менга)
	II	You (сен)	Your (сенинг)	You (сени, сенга)
	III	He (у)	His (унинг)	Him (уни, унга)
		She (у)	Her (унинг)	Her (уни, унга)
	It (у)	Its (унинг)	It (уни, унга)	
Кўплик	I	We (биз)	Our (бизнинг)	Us (бизни, бизга)
	II	You (сиз)	Your (сизнинг)	You (сизни, сизга)
	III	They (улар)	Their (уларнинг)	Them (уларни, уларга)

Ўқувчилар инглиз тили дарсларида олмошлар билан ҳар қайси бўлимдаги машқларга дуч келиши мумкин. Масалан, 7-синф “Инглиз тили” дарслигининг Workbook қисмининг “Unit. 1. Lesson 1. “Summer holidays are fun” бўлимидаги homework (уйга вазифа) машқини бажаришда ўқувчи она тили дарсидан олган билимларига таянади.

Write about your summer holidays. Write an e-mail to Aziz. (Азизга ёзги таътил ҳақида электрон хат ёзинг) топшириғи.

Саволлар қуйидагича:

Where did you go?

Who did you go with?

What was the place like?

What did you do there?

What was the weather like?

Did you like your summer holiday?

Hi, Aziz!

– I went to the village in my holiday. Where did you go in your summer holiday?

¹³⁵ Svetlana Xan, Ludmila Kamalova, Lutfullo Jo`rayev `Teens` English 7 Umumiy o`rta talim maktablarining 7-sinf uchun darslik – Toshkent: O`zbekiston, 2019 – 86-b.

– I went there with my family. Who did you go with?

– The village was beautiful. What was the place like when you went out?

– I played football with my friends there. What did you do there?

Шу тарзда хат ёзиш давом эттирилади. Натижада ўқувчилар олмошларнинг қўлланилиш тартибини ўрганишга эришади.